

84(5-430)6

Зохир АЪЛАМ

Афандининг

қирқ бир
пашаси



84 (5930)6



Зоҳир АЪЛАМ

Афанди

қирқ бир пашаси



ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSKENT IAU
AKSEROOT-RESURS MARKAZI

1278

ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2014

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў3б)6

А-45

Аълам, Зоҳир

Афандининг қирқ бир пашшаси /Кисса. –Т.: «Янги аср авлоди». 2014 – 192 б.

ISBN 978-9943-08-884-9

Туркий халқларнинг севимли қаҳрамони Насриддин Афанди ҳақида талай асарлар ёзилган. Сиз соғинган, излаган Афанди сиймоси кенг миқёсда илк бор Зоҳир Аълам қиссасида ўз ифодасини топган.

Мазкур китобда Хужа Насриддин Афандининг фаройиб, ҳангомаларга бой саргузаштлари ҳикоя қилинади. Афандининг узоқни кўра олиш, тadbиркор, зукко, ҳақиқатпарвар ҳамда ақл-заковат кишиси булганлигини бир-биридан мушкул воқеотларни ечиш жараёнида билиб оласиз.

Тақдим этилаётган ушбу китобни нашриётимиз саргузашт ишқибозлари, ичакузди тафсилотларга бой асар ихлосмандлари талаб ва истакларидан келиб чиқиб нашр этмоқда.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў3б)6

ISBN 978-9943-08-884-9

© Зоҳир Аълам, «Афандининг қирқ бир пашшаси». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

ЗОХИР АЪЛАМ «АФАНДИ»СИ

Кўпгина халқларнинг оғзаки ижодида гоёат зукко, тадбиркор, ҳозиржавоб қаҳрамонлар учрайди. Улар ҳамиша, ҳамма жойда эзилган, мазлум одамлар манфаатини химоя қилишади, зулам-зўравонлик, ёвузлик, қаллоблик, муттаҳамлик каби иллатларга қарши ўзига хос кураш олиб боришади.

Насриддин Афанди туркий халқлар фольклорига ана шундай қаҳрамонлардан биридир. У ҳақда кўплаб ҳикоятлар, латифалар туқилган, асарлар ёзилган, фильмлар яратилган.

Ёзувчи Зоҳир Аъламнинг «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасидан аввал ўзбек ўқувчилари Насриддин Афандини рус ёзувчиси Леонид Соловьевнинг «Сеҳрланган шаҳзода» повести, беназир шоир ва адиб Ғафур Ғуломнинг тағдор ҳажвий ҳикоялари ва иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳамда урушдан кейинги йилларда яратилган «Насриддин Бухорода», «Хўжа Насриддин», «Насриддиннинг ўн иккинчи қабри» бадиий фильмлари орқали яхши таниб олишган. Бироқ, ўзбек адаби томонидан Насриддин Афанди бадиий сиймоси кенг миқёсда илк бор Зоҳир Аълам асарида ўз ифодасини топди, десак хато бўлмаса керак.

Қисса Лайлак қишлоғининг энг катта бойи – Муҳсинбойнинг очкузлиги, қандай қилиб булса ҳам ўз ерларини кенгайтириш ҳақидаги уйлари билан бошланади.

Аммо у ҳар қанча ҳийлаю маккорлик уйлаб топмасин, ундан кўра ҳийлакорроқ, уддабурон Нас-

риддин каби инсонлар бор. Бинобарин, бойнинг очкузлигини ўзига қарши ишлатиб, Насриддин Афанди уни чув туширади. Бойга ёлғон туши ҳақида ҳикоя қилиб, анчагина ерларни суғуртириб олади.

Хўш, инсон ўз бойлигини орттирса, ерига ер қўшса бунинг нимаси ёмон? Бойлик орттириш гуноҳми? Йўқ, албатта. Гап шундаки, Муҳсинбой бойликни ҳалол йўл билан топмайди. Ариқдаги сувни ҳам ҳамқишлоқларига пуллаб, шунинг ҳисобидан бойлик орттиради. Агар у Абдукарим деҳқонга ўхшаш ўр-қирлардаги экилмай ётган ерларни ўзлаштириб, у жойларга сув олиб чиқса, ҳеч ким эътироз қилмас, ҳалоли бўлсин дер эди. Бироқ у меҳнат қилиб, шу меҳнатнинг роҳатини кўришга одатланмаган. Шунинг учун ҳам бировларнинг тайёр ери, мол-мулкига кўз олайтиради.

Асарда амалу мансабидан фойдаланиб, халқнинг ҳисобидан кун кечирадиган текинхўр, порахўрлар қиёфалари анча теран тасвирланган. Масалан, Содир ва Нодир деган миршаблар, қозикалон ана шундай тоифага тааллуқлидир. Содир ва Нодир тоғни урса талқон қиладиган йигитлар. Бироқ улар ҳалол-покиза яшаш ўрнига ўтгanning ўроғини, кетгanning кетмонини олиб ўрганишган. Ўзларининг бу ярамасликларини хаспўшлаш учун, миршаббоши бизга шуни буюрган, деган ваз ҳам келтиришади. Улар бу ишга шу қадар берилиб кетганларки, Муҳсинбой ҳар бирига ваъда қилган беш тиллани эшитиб ўзларини тия олмай қолишади. Насриддин Афандидек зукко, қув одамнинг ҳам икки хум асалини ўғирлашга рози бўладилар.

Аммо уларнинг бу ҳийласи тагида нима ётганлигини Насриддин Афанди дарҳол фаҳмлаб етади. Асалингизни пашшалар еб кетибди, дейиш-

ганда, Афанди улар билан тортишиб, жанжаллашиб утирмайди. Балки ана шу мантиқсиз баҳонадан уларнинг ўзига қарши курашда фойдаланади. Икки миршаб гувоҳлигида ўз асалини «еб кетган» қирқ бир пашшани қириб ташлаш ҳақида қозикалондан ваколат олади. Ана шунда Насриддиннинг бутун ақлу тадбиркорлиги, ғзабу алами юзага чиқади. У ўз асалини еб кетган пашшаларни қириш баҳонасида қозикалонни ҳам, Муҳсинбойни ҳам, ҳар икки миршабни ҳам мириқиб дуппослайди. Афандини эл-юрт олдида масхара қилиш, обрусини тушириш учун уларнинг тил бириктириб қилган ҳийлалари йўққа чиқади. Билъакс, халқ орасида ўзлари кулги бўладилар.

Қиссада Насриддин Афанди анча қув, айёр қилиб тасвирланади. Аммо у ўз айёрлигидан бировларга зарар етказиш учун эмас, балки халққа зарари тегадиган, нопок, текинтомоқ кишиларни фош этиш учун фойдаланади. У, ҳатто Муҳсинбойни шундай кўйга соладики, натижада бойнинг ўзи қозикалонни чақиртириб келиб, Лайлак қишлоғидаги деҳқонлардан ноҳақ олган ер ва мол-мулкларни уларга қайтариб беради. Ҳатто ариқ ҳам жамоанинг мулкига айлантирилади.

Ёзувчи қаҳрамонларининг саргузаштларини тасвирлар экан, ёмонлик ва яхшилик, жаҳолат ва маърифат, ёвузлик ва эзгулик курашларида ҳар бир инсон ўз ўрнини топиши, юксак мақсадлар учун яшаб, ҳалол тер тўкиб, яхши ном қозониши керак деган фикрни илгари суради. Ўқувчига ақл ва адолат билан иш юритиш ёруғликка, бахтга сазовор этади деган хулоса чиқариши учун ибратли саргузаштлар орқали имкон яратади.

Асар енгил, ўқиладиган ҳажвий йўналишда бўлиб, кулги қўзғайдиган тасвир воситаларидан кенг фойдаланилган. Ундаги воқеалар асосида

Насриддин Афанди номи билан боғлиқ халқимиз орасида кенг тарқалган уйдирма, ривоятлар, ла-тифа, аскиялар ётади. Қиссанинг яна ибратли жиҳати шундаки, турли саргузаштлар баёни ба-ҳонасида ёзувчи тарихий ҳодисалар, жой номла-ри, халқимизнинг ақл ва фаросатини курсатади-ган турли обидалар, ҳунармандчилик турлари ҳақида маърифий маълумотлар келтиради. Ма-салан, бадийий ният учун уйлаб топилган Лайлак, Кумушкент каби жойлар қатори тарихий Журжон, Чоч шаҳарлари ҳақида Хоразм шоҳлиги билан боғ-лиқ тарихий –журғофий далиллар, сув танқисли-гини бартараф этиш учун доно аждодларимиз уйлаб топган сув сақлаш иншооти ҳисобланмиш «Сардоба» каби меъморий қурилмалар, чархпалак ва ҳоказолар хусусида қиссани ўқиган ўқувчи кўп нарсани билиб олади. Бу албатта, асарнинг, ав-вало, ёш ўқувчига мулжаллангани билан боғлиқ. Аммо фақат болалар учун десак, қиссанинг аҳами-ятини бир оз туширган бўламиз. Ундаги харак-терлар, инсон табиатининг турфа феъл-атвори, вазият тақозосига кўра юзага чиқадиган тийнат-даги пинҳоний хулқи қосирлар ва ҳоказо иллату фазилатлар китобни кўлга олган ҳар бир китоб-хон учун фикрлаш, мушоҳада имксини беради.

Умуман, «Афандининг қирқ бир пашшаси» қис-саси маҳорат билан ёзилган асардир. Қаҳрамон-ларнинг тили ғоят содда ва халқчил. Улар ўз хат-ти-ҳаракатлари, феъл-атвори, гап-сузлари билан ўқувчи хотирасида муҳрланиб қолади. Ёзувчининг энг катта ютуғи ҳам шунда.

Шухрат Ризаев,
филология фанлари номзоди, доцент

ТУШ

Лайлак қишлоғининг энг катта бойи Муҳсин гуппи ётса ҳам, турса ҳам ерига ер қўшишни уйларди. Яна бир орзуси – доно ва ҳозиржавоб одам сифатида доврўф таратиш эди.

Шу сабабли олдига Насриддин Афанди келиб, сизда маслаҳатим бор, деганида, сеvingанидан уйинга тушиб кетгудек бўлди. Бу пайтда Муҳсинбой куча эшиги олдидаги супада, садақайрағочнинг остида ёнбошлаганича ариқ сувининг ҳовузга қуйилишини томоша қилиб ётарди.

– Хуш, хуш, – деди у дик этиб туриб, саломаликдан сўнг Насриддин Афандини ўтиришга таклиф этаркан.

– Биласизми, мулла ака, – гап бошлади Насриддин, «мулла ака»нинг Муҳсин гуппига мойдек ёқишини билиб, – мен бугун туш курдим.

– Хуш, хуш? – Муҳсин гуппи унга бир пиёла чой узатди.

– Тушимга отам раҳматли кирибдилар. «Насриддинбой», – дедилар менга қараб. «Лаббай, ота», – дедим мен. «Боғингдан уч-турт қадам юқорироқда одамдек келадиган чорак қисми ерга кумилган эски хум бор. Қишлоғингдан уч-турт бечорани топгин, уни сувга тўлдиришсин. Хумга энг охирги челақ сувни қуйган одамга боғингнинг ярмини хатлаб берасан», – дедилар.

– Ия, худоё тавба қилдим! – деди Муҳсин гуппи сеvingчдан гупиллаб кетган юрагини базур тинчитиб.

– Такдир экан, қандай қилай? – деди Насриддин Афанди бечораҳол қиёфада.

– Ҳа, энди тушга ҳар бало ҳам кираверади-да, – деди Муҳсин гуппи юпатгандек бўлиб, – бўлмагур нарса учун ҳайҳотдек боғнинг ярмидан ажралиб утирасизми?

– Йўқ, – деди Насриддин қатъийлик билан. – Отам раҳматлини тирикликларида сўзларини икки қилмасдим, энди руҳлари озор чексинми?

– Офарин! Офарин! – Муҳсин гуппи ҳам севинчдан, ҳам ердан қуруқ қолиш ваҳимасидан ҳовлиқиб бир туриб яна ўтирди. – Балли! Яшанг! – бу олқишини боягидан анча хотиржам айтди. Чунки дарров режа тузишга шўнғиб, кўзлари совуқ йилтирай бошлаганди.

– Ҳўш, – Насриддин гапнинг каштасини янада гажакдорроқ қилди. – Қошингизга келишимнинг боиси, мулла Муҳсин ака, сиз қишлоқнинг ипидан игнасигача биладиган, обрўли одамисиз. Мен эса янгиман. Ҳўш, шу хумни тўлдирадиган одамни қаердан топаман? Менга биров ишонармиди... Иккинчи томондан, жуда шов-шув қилишнинг ҳам тарафдори эмасман. Отамнинг айтганларини бажариб, кўнглимни хотиржам қилсам бас.

– Жуда яхши келибсиз!.. – деди-ю, шу гапидан сўнг Муҳсин гуппини қаттиқ йўтал тутди. Аслида, бу йўтал эмас, севинчдан отилиб чиқаётган кулгисини хаспўшловчи сохталик эди. Мана, Насриддиннинг ўзи унга боққа эгалик қилишнинг йўлини кўрсатиб берди. – Жуда тўғри ва оқилона йўл, – дея Муҳсин гуппи кўзёшларини артди. – Овоза қилиш шарт эмас. Бу савоб ишингизни ўзим уддалаб бераман. Гаҳ, десам кўлимга кўнадиган иккита одамим бор. Бечоралар жуда камбағал. Айтаман, ўзим бошида туриб, бажариб бераман. А?

– Бўпти, мен рози! Раҳмат сизга! – Насриддин ўрнидан турди. – Бўлмаса, ишни бугундан қол-

дирмайлик, мулла ака. Яна отамнинг арвоғи уриб юрмасин мени, кечаси тушимга кириб.

– Жуда яхши! – Муҳсин севинчдан қафасдаги қушдай потирлаётган юрагини қўли билан босди.

Насриддин кетиш тараддудида эшаги томон юрди-ю, илкис тўхтади:

– Ҳа, айтмоқчи! – деди у бир нарсани ҳозиргина эслагандек. – Бояги отам айтган хумлари ҳеч қачон боғда турмасди. Эрталаб уйғониб қарасам, худди айтганларидек, боғнинг ўртасида чорак бўйи кўмилиб, типпа-тик турибди!

– Ё, тавба! – Муҳсин ёқа ушлади.

Насриддин Афанди эшагига минди-да, илтижо қилди:

– Кутаман, мулла ака, Худо хайрингизни берсин, шу ишимни тезроқ битиришга ёрдам беринг!

Насриддин кетди. Муҳсин гуппи сал узоқлашишини кутиб турди-да, севинганидан бақириб юборди:

– Турсунали! Алимшо!

Ичкаридан узун-қисқа бўлиб икки киши югуриб чиқди.

– Тез! Учта обкаш билан саккизта пақир олиб чиқларинг! – буюрди уларга гуппи.

Биз ҳикоя қилаётган воқеалар тахминан 1210 йилларга тўғри келар, бу пайтларда биз ҳозир Ўрта Осиё деб атайдиган Турон ерларининг бир ёғи Ҳиндистон, иккинчи ёғи Тароз¹, бир ёғи Кавказ ва Кичик Осиёю иккинчи ёғи Арабистонга-ча бўлган каттакон Хоразм шаҳаншоҳлигига киларди.

¹ Тароз – ҳозирги Жамбул шаҳри.

Насриддин Афанди ўзининг ҳозиржавоб ва до-
нолиги билан ўтгиз ёшларидаёқ ана шу катта
шоҳлик мулкининг бошидан охиригача донғи кет-
ганди. Уни шоҳдан гадогача ҳамма танирди.
Ичакузди аскиялари, ақ ва сўз бобида зукколиги
шон-шуҳратини замона шоҳлари ва саркардала-
ри қаторига олиб чиқиб қўйганди. Мажбурият ту-
файли Насриддин Афанди Муҳаммад Хоразмшоҳ
саройида бир неча муддат ўраллашиб юриб, ҳақ
сўзлари билан у ердан ўзига душманлар орттир-
ди. Натижада, бир баҳона топиб саройдан узоқ-
лашмаса ҳоли танглашажагини сезиб қолди. Ит-
тифоқо, шу кезларда олис Чоч² вилоятидан, бобо-
сининг сингисидан мактуб келди ва Насриддин
ҳеч кимга билдирмай, куч-кўронини кўтариб Чоч-
га жўнаб қолди.

Буви холаси эса ана шу Лайлак қишлоғида ис-
тиқомат қиларди. Хатида кампиршо, иккала
ўғлининг Ойбоққа³ навкар ёлланганини, Ойбоқ
Ҳиндистонга ноиб этиб тайинлангач, оналари-
ни унутиб, амирнинг кетидан кетганларини,
охирги хатларидан кейин бир мучал вақт ўтга-
нини ёзганди. Севимли акасининг набираси
бўлмиш Насриддин билан ўз фарзандларидан
кўра кўпроқ фахрланишини, бир кўришга орзу-
манд эканлигини эслатганди. Ўзининг олти та-
ноб боғи билан қўрғонини Насриддинга мерос
қилиб хатлаб қўйганини, ҳушига келса шу ерга
келиб яшаши мумкинлигини, акс ҳолда, ўзи
ўлгандан кейин қўрғонни сотадиган ва пулни
Насриддинга юборадиган одам тайинлаб қўйган-
лигини ҳам таъкидлаганди.

² Чоч – Тошкент.

³ Қутбиддин Ойбоқ – Муҳаммад Хоразмшоҳнинг
Ҳиндистондаги ноиб.

Хуллас, Насриддин ана шу буви холасининг уйига кўчиб яшаётганига бир йилдан ошган эди. Тўқсон уч ёшга борган буви хола, гўёки Насриддинни кутиб юргандек, уч-тўрт ой бирга яшаб, ўриклар қийғос гуллаган, офтоб чарақлаб турган баҳор кунларининг бирида, айвондаги курпача ва болишлар устида боғига жилмайиб қараб утириб оламдан ўтди.

Насриддин Афанди Муҳсин гуппига тушини айтиб келганда кампирнинг йили ўтганига уч-тўрт ой тўлганди.

Муҳсин гуппи ўзининг Турсунали деган девқомат корандаси ва Алимшо деган югурдаги билан учта обкаш, саккизта челақ кутариб тезда Насриддинни кига етиб келишди. Ёз бошининг кучга тўлган қуёши анча тиккалашиб, деҳқон ва корандаларни соя-салқинга ҳайдай бошлаганди. Шунга қарамай, боққа эга чиқиб қолишидан қурққан Муҳсин гуппи ишни кечиктирмасликка қарор қилди.

Бу йил қурғоқчил келди. Икки юз қадамларча наридаги катта ариқда сув жилдираб қолганди.

Муҳсин гуппи малайлари билан бир-икки марта бориб келишдаёқ қора терга ботди. Ҳар ҳолда, биринчи саккиз челақ сувни ағдаришгандаёқ хумнинг ярмидан пастроғигача тўлдириб қўйишди. Икки-уч қатнашда хумнинг тўлиши аниқ эди. Муҳсин гуппининг кайфи шунчалик чоғ, боши осмонда.

У бўш челақ-ла олдинда кетар, тўлдириб қайтишганда хизматкорларининг орқасидан келиб сув ағдаришларини кузатиб турарди. Худо курсатмасин, уларнинг челаги охирги бўлиб қолиши мумкин эди-да!

Икки карра қатнаганида хумнинг тўлишига уч-тўрт челақ кифоя эканлиги сезилди. Шундай

бўлса-да, Муҳсин гуппи бошчилигида шотирлари саккиз челақнинг барини кўтариб кетишди.

Насриддин Афанди эшагига ярим чордана қуриб ўтирганча уларнинг ишини кузатарди. Боққа умидвор бўлганлар қаро терга ботиб учинчи қарра қайтиб келишганда, у эшагидан тушди.

– Э, яшанглар! – деди хумга яқинлашиб. Унинг бу хитоби ва бетоқатлик билан эшакдан тушиб келганидан отасининг тушда тайинлаганини тезроқ бажариб, боғнинг ярмидан қутулмоқчилиги кўриниб турарди.

Биринчи етиб келган Турсунали бир челагини ағдариб, иккинчисига чоғланаётганда орқада қолган Гуппи унга бақирди.

– Тўхта!

Муҳсин гуппи ҳаллослаб келди-да, гапини қайтарди.

– Тўхта. Бир кўрай, қанча қолдийкин.

У шундай деб хумнинг ичига мўралади-ю, Насриддинга саросар кўз тикди:

– Сал камайиб қолибдимми? Ё менга шундай кўриняптими?

– Қанақасига камаяди? – деди Турсунали шанғиллаб. – Э, мулла ака, ағдараверайлик. Жуда зўр келса бир марта яна бориб келамиз-да!

– Қаёққа камаяди?!

Насриддин ҳам Турсуналининг гапини тасдиқларкан, хумга мўралади:

– Ҳа, бу ўзи катта хум-да! Ҳайбатини қаранг!

– Ҳа, шундайми?!

Муҳсин гуппи хумнинг катталигига ҳам, боягина тўлиб қолди, деб алданганига ҳам ишонди.

Шу кайфиятда сув ташувчилар яна икки қарра қатнашди. Хум эса ўша аҳволда эди. Яъни, тўлишига уч-тўрт челақ етарлидек туюлаверди-ю, ўзидан ўзи яримлашиб қолаверарди.

– Бу нима деган гап?! – Муҳсин гуппи шубҳага борди. Бу шубҳаси хумга тааллуқлиги аён эди. Насриддин Афандини ҳали ҳам хумнинг тезроқ тулишидан манфаатдор деб биларди.

Насриддин Афанди ҳам кузларини бақрайтириб, нима дейишини билмай турди-да, келиб хумни ушлаб қимирлатмоқчи бўлди. Хум қимир этмади. Насриддин хумнинг тубига, ичига қаради.

– Бу палакат нима қилаяпти ўзи? – жиғибийрони чиқди, хумни беозор тепди. – Ҳали отамни гурида тикка турғизмасайди!

Орага жимлик чўкди. Учала қора терга тушган «сувчи»лар ва Насриддин Афанди бир-бирларига қараб, ҳеч нарса тушунмай анқайишди. Жазирама иссиқ кун ҳам ўзининг шабадаси, олислардан келаётган қушлар сайроғи, хуллас, жамики ҳаракат ва овозлари билан бирга ҳайронликка қўшилганди. Ниманидир қурт-қурт чайнаб, эшаккина бузаётган жимликда Гуппи билан малайларидан оқаётган тер ҳам жилдираб овоз чиқараётганга ўхшарди.

– Топдим! – деди Насридди Афанди. – Бунинг тагида дарз кетган жойи бўлса, сув ушандан сизиб тушаётгандир?

Боғнинг ярми машъаладек чарақлаб турган жойда бу гапга чалакам-чатти ишонишди ҳам.

– Худо хайрингларни берсин! Ишни ўлда-жўлда қолдирманглар! Бу хумпарга яна беш-ўн челақ сув кетса кетар. Отамнинг васиятларини бажармасам, ҳузур-ҳаловатимдан тамом айриламан!

Муҳсин гуппи бу гапларни маъқуллади.

– Қани кўтарларинг! – деди челақларга ишора қилиб.

– Ҳа, шундай қилинглари! – тасдиқлади Насриддин. – Ўзи менга олти таноб боғнинг нима кераги

бор? Ярми ҳам етиб ортади. Отамнинг руҳлари шуни тушунган-да!

Сув ташувчилар яна уч-тўрт карра бориб келишди. Лекин хумдаги сув ўрни ўша-ўша: тўлишига уч-тўрт челақ қолар ва яна пасайиб кетарди.

Насриддин тағин бир карра ялиниб-ёлвориб отасининг руҳини чирқиратмасликка гуппини кундирди. Кейинги сафар гуппининг ўзи бу ерда қандайдир найранг борлигини сизди. Шармандайи шармисор булганини орқага суриш учун ҳам жаҳд устида яна беш мартача шотирлари бошчилигида қатнади. Шундай қилиб, хумга тахминан икки юз челақлар сув афдарилди.

Ниҳоят, гуппи портлади. Буш челақни даранглатиб ерга урди-да, йиғлагудек бақира кетди:

– Мен сизга нима ёмонлик қилган эдим, а? Нима ёмонлик қилдим?!

Насриддин ҳам ачинганидан йиғлагудек бўлиб ўзини оқлади:

– Менда айб йўқ! Менда айб йўқ!

– Э, қочинг-э! – Муҳсин гуппи қўл сийтаб нари кетаётиб ортига ўгирилди. – Сизнинг номингизни эшитибок ҳурмат қилгандим. Мана шунақа фисқ-фасодлигингиз учун Урганчдан ҳайдашганини энди билдим. Тўғри қилишган! Тўғрилиқча сув сўрасангиз, бермасмидим?

Муҳсин гуппи кета бошлади. Насриддин гуноҳкорона гап қотди:

– Бу падарлаънат хумни бунчалик сув ейишини мен қайдан билибман?

Муҳсин гуппи нарироқ бориб:

– Суф-э, сизга! – деди.

Яна нарироқ юриб, шотирларига бақирди:

– Пақирларни олиб, юринглар!

Гуппи ва одамлари кетишди. Насриддиннинг юзидаги гуноҳкорона ифодани жилмайиш эгал-

лади. Шу жилмайиш билан аста бориб, хумдан турт қадам наридаги девордан боғига муралади. Ундаги полизнинг ва дарахтларнинг анчагина қисми суғорилганди.

Насриддин Афанди ана шунақа – туриб-туриб кимнидир устидан кулиш истаги тутиб қоларди. Хумга сув тулдириш ҳамда отасининг тушига киргани билан боғлиқ воқеанинг илдизи эса тубандагича эди.

Қишлоқдаги катта ариқ қадимдан қолган овоза бўйича Муҳсин гуппининг ота-боболарига тегишли бўлиб, ундан оққан сув анча қизиқ бир тарзда тақсимланарди.

Яъни, ён ариқларга ўзидан-ўзи, ҳеч қандай боғловсиз чиққан сув ҳамманики, борди-ю, ён ариқларга сув боғлаб чиқарилса, Гуппига ҳақ туланиши керак эди.

Бу йил эса қурғоқчил келганидан куп хонадонлар анчагина қийналди. Шусиз ҳам қарам бўлган одамларни Муҳсин гуппи янада купроқ қарзга ботирди.

Албатта, ҳеч кимнинг беҳуда ҳақ бергиси келмайди. Одамлар Гуппининг кўзини шамғалат қилиб, экинларини яширинча суғориб олишлари, ўқариққа ким ташлагани номаълум каттакон харсангларнинг «ўзидан ўзи» тушиб қолишлари тез-тез такрорланиб турарди. Шунда Гуппининг бақариб сўкинганлари бутун атрофга тараларди.

Насриддин Афандининг қилиқ чиқаришига сабаб ҳам ана шу, кунда бўлмасаям кунора эшитиладиган вағилаб сўкишлар эди.

Муҳсин гуппининг челақлаб сув ташиганини аста-секин бутун қишлоқ эшитди.

Йўқ. Насриддин Афанди Гуппини бир замбил лой қилгани ҳақида жар солмади. Аксинча, сўра-

ган қуни-қушниларга хумни неча челақ сув билан тўлишига баҳс бойлашгандик, деб жавоб берди.

Одамлар Гуппининг сув ташиганини эшитганди-ю, бунинг асл сабабини билишмасди. Лекин номаълумлик илдизида шундай гаплар туқилдики, Гуппи учун бу аслидан ҳам шармандалироқ эди. Айниқса, Гуппи донишмандликдан дарс олаётганмиш, эвазига энди ҳар ойда Насриддин Афандининг боғини челақлаб суғориб берармиш, дегани ёмон эди. Зероки, Гуппи ўзини зукко ва донишманд деб ҳисоблар ва ўзига ишончи зўр эди.

ҚАСОСНИНГ ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Муҳсин гуппи бир ойларча вақтини қасос олиш орзуси билан ўтказди. Ўзига яраша ақлли, аччиқ тилли Гуппи, қасоси – мазах қиладиган, заҳарни заҳар билан кесадиган бўлиши лозимлигини яхши тушунарди. Ўйлай-ўйлай йўлини топди.

Насриддин Афанди болари тутарди. Гуппи сўраб-суриштириб, унинг яқин кунларда асални икки хум қилиб бозорга олиб тушмоқчилигини аниқлади. Ана шу икки хум асал устида Насриддинни қўлга туширишни ният қилди. Пухта қилиб режа тузди. Очиғини айтиш керакки, агар бу режа амалга ошса, ҳақиқатан ҳам Насриддин Афанди эл орасида қаттиқ кулги бўларди.

Бугун Гуппи ўйлаган қасоснинг амалга ошадиган куни эди.

Ўша, Насриддин Афанди тушини айтиб келган кундагидек супада ўтираркан, режасининг зўрлигидан бир дақиқа тинч туролмасди. Гоҳ чиройли елпигичи билан елпинар, гоҳ чойнақдан бир пиёлага чой қуйиб, аввалроқ қуйиб совутилган иккинчисини хўр-хўр ичарди. Гоҳ ёнбошлар, гоҳ

дик этиб ўтириб оларкан, тоқатсизлик билан пой-лоқчиликка кетган Турсунали билан Алимшони кутарди.

Навбатдаги туриб яна ёнбошлашида гудраниб қўйди:

– Сенга бир кўрсатиб қўяй ким доно-ю, ким зукколигини!

Гуппи шундай дейиши билан ариқдаги сувнинг жилдираши, кучсиз шабада, чор-атрофдан эшитилаётган қушларнинг сайроғи бирдан зўрайди. Гуё ҳаммаси бирлашиб унинг аламини юмшатмоқчи бўлишди.

– Яратганнинг ишларига қойилман, – деди Гуппи беихтиёр атрофдаги гузалликка мароқланганча аланглаб, сўнг бирдан овозига яна маломат аралашди. – Йўқ, қайтиб олдим, – деди у, ариқдаги сувга қўлини пахса қилиб, – қойил эмасман! Менинг мингта қўйим бор, минг таноб ерим бор, хўпми?! – Гуппи атрофга бир қараб қўйиб томоқ қирди-да, яна ариққа гап қотди. – Хў-ўш, ҳа, энди мингта бўлмаса ҳам шунга яқин. Хўш?! Нега энди мени атрофимдаги тўртта қишлоқдан нарида ҳеч ким танимайди-ю, чўнтагида хемири бўлмаган Насриддин Афандини бутун олам танийди? А?

Гуппи бепарво оқаётган сувга бир зум ўқрайди-да, қўл силтади.

– Э, бор-э, бу – фирт фирромлик!

Гуппи чойдан хўр-хўр ичди-да, қоматини роз тиклади.

– Мана бугун, – деди у яна бармоғини сувга нуқиб, – мен бу фирромликни тузатаман! Насриддин Афандига бир фириб берайки, ким ақлли ва доно эканлигини кўриб қўясан! Ҳа! Ўша оламга танилган Насриддинни мот қилсам, мени ҳамма гапирадими? Гапиради! Қарабсанки, аканг қарагай бутун оламга машхур-да!

Муҳсин гуппи кўкрагининг борича нафас олиб яйради. Кайфи чоғ бўлди.

– Тўғри-да! – деди у яна ўз гапини тасдиқлаб. – Менимча, ким бой бўлса – уша ақлли. Ким ақлли бўлса – уша бой! Билмасанг билиб қуй! Ҳа! Ақлинг бўлмаса, бойлик топиб бўлсан!

Шу пайт узоқ муюлишда икки отлиқ куча чангитиб елиб кела бошлади. Муҳсин гапидан таққа тухтади. Оғзини очганча кута бошлади.

Отлиқлар йигирма қадамча нарида пиёдаландилар. Узун-қисқа бўлиб, қўл қовуштирганча унга яқинлашдилар.

– Хуш?

– Йўлга тушдилар! – деб жавоб беришди Турсунали билан Алимшо чўчиб тушгандек.

– Э, падарлаънатлар, нега уни сизлайсанлар?! Йўлга тушди, демайсанларми? Отни олиб чиқ!

Муҳсин гуппининг аввалги гапи иккала шотирига, от ҳақидагиси Турсуналига қаратилганди.

Суюги бузуқ, найнов бу йигит жуда бақувват, лекин қўрқоқ эди. Бундан ташқари кўп овқат ейиши билан қишлоққа танилганди. Бир парча ҳовлисидан булак ери бўлмаганлиги учун бойга хизматкорликка ўтганди. Ёлғиз онасини-ку бир амалларди, аммо ўзининг қорни ҳамиша оч юрарди.

– Хуш? – деди Гуппи Алимшо билан бирга қолгач.

– Асални икки хумчага жойлади. Икки хумчани хуржуннинг икки кўзига солди. Хотинига янги тўнни олиб чиқ, деган пайтда биз бу ёққа ҳайдадик, – деди Алимшо минғиллаган юмшоқ овозда.

– Отни олиб чиқ, ов Турсунали, қаёққа гумдон бўлдинг? – бақирди бесаранжомлашган Муҳсин гуппи уйга қараб.

Алимшо қўрқа-писа дастурхондаги узумга қўл узатди.

– Ниҳоят орзуимга етадиган бўлдим, – деди Муҳсин гуппи у ёқдан бу ёққа бориб келиб.

– Бизнинг ҳожатга ҳам бир қиё боқсангиз туюқ эди, бой ака! Шу тушишингизда хаттотлар билан гаплашиб, ақчасини қарз қилсангиз...

– Бўлади, бўлади! – деди Муҳсин Алимшонинг гапини кесиб. – Лекин бу гап қўл тегадими-йўқми билмайман, аммо сенинг шеърларингни ўн нусха кучиртириб бериш менинг зиммамда.

– Ҳа, ҳам донишманд, ҳам шоир чиқса, қишлоқимизнинг номи бутун оламга машҳур бўларди... – деди Алимшо сўниқ орзу билан.

– Бўлади, бўлади, – деди Муҳсин гуппи ҳозирча ўзингни суқмай тур дегандек қўл силкиб.

Алимшо аслида ўрта бўйли эди. Бироқ ҳамиша Гуппининг юмушида барзанги Турсунали билан бирга юргани учун ушоққина кўринарди. Икки таноб ери, иккита боласи ва жиндак шеър машқи бор эди. Ҳамқишлоқларига ашъор ўқиб берганда, турган гап, мақтовлар эшитар ва бу борада беқиёс соҳиби иқтидор эканлигига ишониб кетганди. Шу боис дангасаликка берилиб, деҳқончилигини ташлаб қўйганди. Яккаю ягона орзуси бир амаллаб тўлдирган девонини беш-ўн нусхада шаҳарлик хаттотларга кучиртириб кўпайтириш ва саройдагиларга ўқитиш эди. Саройда обрў топиб, биронта амалга эга бўлиш эди. Ўзини беку боёнлар даврасида гап-гаштакларда ўтирган, шеърлари учун зарбоф чопонлар, лиқ тўла ҳамёнлар тортиқ олаётган ҳолларда тасаввур қилиб юрарди ҳамиша. Лекин умуман шаҳар кўрмагани учун, ўзим ёлғиз борсам йўқолиб қоламан, деб кўрқарди. Шаҳар кўрган Муҳсин гуппига, айниқса, хаттотларни танийман деган гапларига ва кучиртириш учун пул бериши мумкинлигига учиб, югурдакка айланиб қолгани шундан.

– Мен машхур бўлиб олай, – деди Муҳсин гуппи отни бетоқатлик билан кутиб. – Сени ҳам судраб олиб чиқаман. Қарабсанки, Лайлак келгинди Насриддин Афандининг қишлоғи деб эмас, Муҳсин бой билан шоир Алимшонинг қишлоғи деб ном қозонади.

– Офарин, афандим, офарин, – деди миингиллаб Алимшо. – Менга мурувватингиз обруйингизга обрў кушади.

– Туғри айтдинг! – деди Муҳсинбой, кейин худди гапининг давомидек қилиб ичкарига бақирди. – Хув, Турсунали!

– Лаббай, афандим! – Турсунали отни етаклаганча бир нарса чайнаб чиқди.

– Мен тухумим оғзимга келиб шошиб турай-да, сен у ёқда нарса тиқиштиргин, а? Очофат!

– Ерга ўрик тукилган экан, исроф бўлмасин дедим. – Турсунали отни минишга унгараркан, Гуппининг дашноми таъсир қилмагани яққол сезиларди.

– Ҳе, тиқилиб ўл!

Муҳсин гуппи уни беозор яниркан, отга чаққон минди.

– Ўтиринглар, чой ичиб олинглар! Ҳозир шўрва опчиқишади.

Муҳсин гуппи шундай деб отга қамчи босдида, чанг кўтариб олислади.

Алимшо қўл қовуштириб унинг узоқлашишини кутди. Турсунали дастурхондаги нонга ёпишди.

АБДИ ОППОҚ ВА АҲМАД ТАРАША

Қадимгиларнинг «отанг ҳам бозор, онанг ҳам бозор», деган мақоли нарх-навога нисбатан ҳамма замонларга мос. Бироқ мақол яратилган пайтларда мазмуни янада кенгроқ бўлган: бозор фақат

олиш-беришда эмас, турмушнинг барча жабҳаларида жонга ора кирган. Тирикчилик, кунгил очиш, қариндош-уруғ, ошна-оғайниларни учратиш, янги таниш орттириш, можаро билан эскиларидан ажралиш – бари аксарият бозорда руй берган. Масхарабозлар, дорбозлар шунда жамлашиб турфа уйинлар кўрсатишган.

Сулҳлар, фисқ-фасод, фитнаю найранглар шу ерда иддиз отган. Кўз кўзга тушишидан бошланувчи ишқий саргузаштларни айтмайсизми? Хуллас, гадой ҳам шу ерда кун кўрган, шоҳ ҳам сиёсат савдосида бозордан фойдаланган.

Бунинг ажабланарли жойи йуқ. Бозор одамга хос жамики борди-келдиларнинг маркази булгани учун можаронинг турфа хили шу ерда туғилиши табиий.

Кумушкентда⁴ бугун катта бозор эди.

Насриддин Афанди ҳам, Муҳсин гуппи ҳам шу ерга келишни мўлжаллашганди. Лекин иккови ҳам ҳали уч тош⁵ йўл босиши керак, унгача бошқа икки киши билан танишиб турамиз.

Тепадан туриб қарасанг, вижир-вижир оломондан булагини кўрмайсан-у пастга тушиб, ҳар бирининг гапига қулоқ солсанг, эҳ-ҳе, не-не сиру синоатлар аён бўлмайди.

Аҳмад тараша билан Абди оппоқ бозорга кирадиган олти кўчадан биттасининг бошида тасодифан учрашишди. Уларнинг икковиниям чапани дейишарди. Чапани деган тушунча уша пайтларда касб маъносига ҳам ўтиб кетарди. Антиқа тоифадаги бу одамлар деярли ҳамма шаҳарда булар, қишлоқларда ҳам уларга тақлид қилувчилар топиларди.

⁴ Ҳозир йуқ бўлиб кетган шаҳар.

⁵ Тош – тўрт километрга тўғри келади.

Чапаниларни ҳурмат қилишар ва бир оз ҳайқардилар. Чунки ишлашдан кўра ўлимни афзал кўрадиган чапанилар фитна-ю, найрангларнинг тиғи ёки қалқони бўлиб хизмат қилишарди. Йўқ, бу фитналарни улар уюштирмасди, уюштиришни бошқа – пулдор ёки ғазабноклар қилардилару, бажаришга қолганда чапаниларга мурожаат этиларди. Бировнинг бировдан қасдини олиш, бировнинг қизини опқочиш, бировнинг уюридан асл отни ўғирлаш сингари ишлар ёки шундай вазиятларда ҳимояланиш чапаниларнинг жасоратсиз, мардлагисиз битмасди.

Чапаниларни ҳурмат қилишларига сабаб, улар ҳеч қачон ўзлари учун ўғирлик қилмасдилар, юқорида санаб ўтганимиздек «нозик» ишларни маҳорат билан, из қолдирмайдиган қилиб бажарардилар ва мабодо қўлга тушсалар, ҳеч қачон «буйортмачини» сотмасдилар. Энг асосийси ўзларини ўт келса ўтга, сув келса сувга уриб, айтганларининг устидан чиқардилар ёки ҳалок бўлардилар.

Чапаниларнинг яна бир одати бор эдики, бири-биридан ҳол-аҳвол, нима иш қилаяпсан, деб сўрамасдилар. Мантиқан ҳам чапанилигимча қоламан, деган чапани ишларида гапирмаслиги лозим эди. Лақилладими – тамом, ўйиндан чиқаман дегани эди.

Абди оппоқ билан Аҳмад тараша учрашишганда ҳам бу удум бузилмади.

– Ҳа, тузукмисан? – сўради Абди оппоқ совуққина қўл ташлашгач.

– Юрибман, дунёи дастурхоннинг бир чеккасида.

Шундай деб бозор ичкарисига йўл олишди.

– Бугун бозорга бек қадам ранжида қилармиши? – сўради Абди оппоқ йигирма қадамлар юришгач.

– Келса келар, менга тўрт танга берармиди! – деб жавоб берди Тараша.

Яна индамай ёймачилар қаторига етиб келишди. Кимнинг чўнтаги нима кўтариши шу ерда билинарди. Кимда-ким чапга бурилса, камида бешолти тилло танга – қизилчаси бор. Тўғрига юрса, сал қўри камроқ, бироқ уч-тўрт кун чойхоначига ош буюриб яшаши мумкин. Ўнгга бурилса, билаверингки, чўнтагидан сариқ чақанинг жарангиям чиқмайди.

Чапда Тошхўжа калнинг бойлар ва савдогарлар қўнадиган карвонсаройи салобат билан қад кериб турарди. Маҳобатли бу иморатнинг бир томонини йигирма-ўттиз хўжрали мусофирхона, бир томонини уловхона эгаллаганди. Бозор томонда баланд юз чоғли одам сиғадиган кенг пешайвонли, ичкари-ташқарили чойхонаси бор эди. Чойхонага туташ пешайвон остидаги ўнтача ўчоққа илинган қозонлар кечаю кундуз биқирлаб турарди.

Тўғрида эса бозорнинг нариги чеккасида бири-биридан эллик қадам масофада Мулла қовоқ билан Пирмат пирсиённинг ўртаҳол одамлар кирадиган икки чойхонаси бўлгувчи эди.

Ўнг тарафда қил соқолига монанд лақаб олган Шокир қизилнинг харобгина чойхонаси бўлиб, энг ҳоли жой шу эди.

Вақти-вақтида учала тарафнинг тузини тотган бу икки чапани бир сонияли тараддудданоқ бири-бирининг аҳволини тушунишди. Мийиқлари билинар-билимас қисилиб, индамай Шокир қизилнинг чойхонасига бурилишди.

Аҳмад тараша қотма, қоп-қора, жуда дароз одам эди. Бирдан «пов» этиб ёниб кетадиган феъли бўлиб, худди шундай бирданига жаҳлидан ҳам тушиб қўя қоларди.

Абди оппоқ урта буйли киши эди. Ҳамиша кигиз қалпоқ кийиб юрар, қоп-қора соқоли юзининг оқлигидан кум-кук кўринарди. Иккала чапани ҳам кучли, эпчил, ёшлари қирқнинг нари-берисидаги одам эдилар.

Чойхонага киришганда ёнма-ён, лекин худди нотанишлардек хиёл бир-бирларига тескари қараб ўтирдилар. Қизилнинг боласи икковига алоҳида-алоҳида чой-нон келтирди. Иккови унсиз белбоғларидан тугунча олиб бир сиқимдан майиз, беш-олтитадан туршак чиқариб сопол лаганларига солдилар-да, тугунларини қайта тугиб, белбоғларига кистириб қўйдилар.

Тарашанинг лаганида ёнғоқдек келадиган иккита новвот ҳам бор эди.

Абди оппоқ шу заҳотиёқ нон кавшашга тушиб, устидан хуриллатиб чой ича бошлади. Тараша эса чойни қуйишга шошилмади. Белбоғи тахини титкилаб кичкина тугунчак олди. Ундан кичкина, кир дока румолчага озгина кукнор тўкди-да, докани думалоқ қилиб боғлаб уни сопол пиёлага солди. Устига бир бўлак новвотни ҳам ташлади. Қолган бойлигини шошимай белига туккачгина ўшандай бамайлихотирлик билан пиёлага чой қўйди. Сўнг бошини ҳам қилганича, то кукнор етилгунча, қимир этмай ўтирди. Кукнор чойга чиққач, докани бураб сиқди-да, лаганнинг бир чеккасига, иккинчи новвот бўлагининг ёнига қўйди. Лаганни эса жиндаккина Абди оппоқ томон сурди. Абди оппоқ буни дарров илғади. Бир-икки сония тараддудланди. Тарашага бир-икки қараб олди. Кейин нима бўлса булар қабилида бош ирғади-да, новвот билан тугунчакни олиб ўзининг пиёласига солди.

Кукнори ичиб олишгач, чапаниларнинг чехраси ёришиб, қадрлари кўтарилиб, одамларга очи-

либроқ қарай бошладилар. Лекин иккови ҳамон бир-бирига сўз қотмас, бегоналардек утиришарди. Тарашанинг бир оз туриб, тишининг орасидан ташлаган лўқмаси ҳам ташқаридан қараганда ўзига-ўзи гапираётганга ўхшарди.

– Энг чакана-чукана иш бўлса-да, томдан ташлагудекман.

Абди оппоқ Тарашага қарамай бош ирғади:

– Ўғлимнинг домласига тўлов вақтим ўтиб кетаяпти, – шу асно ўзининг ҳам чўнтаги бўшлиғини изоҳлади.

Шу пайт, нарироқда ўтириб бир тугун зардолини нонга қўшиб еб бўлган ота-болаларнинг гапи чапаниларнинг эътиборини тортди.

– Йўқ, кетмаймиз! Насриддин Афандини кўрмадик-ку! – деди ўн икки ёшлардаги болакай отасига хархаша қилиб.

– Ахир у кишини танимасам, у киши ўзларини манаман деб танитмасалар, нима қилай?! – ота бу гапларни урик данакларини тўплаётди айтди.

– Алдабсиз-да а? Бозорга тушсанг ҳамиша бўлади, девдингиз-ку!

– Ма, мана бу данакларни йиғиб қўй, яхши экан, бориб экамиз.

– Керакмас! Энди ҳеч ишингизни қилмайман. Қўйни ҳам боқмайман! – дея бола тесқари қараб олди.

– Ия, ия, ўғлим! Ахир улар меники эмас, сизнинг қўйларингиз. Ундан кейин ҳозир бормасак, сувоқни битиролмаймиз.

Бола индамади. Ота яна ялинишга ўтди.

– Кейинги сафар кўрарсан. Ўзинг эшитдинг-ку: «Бу ёққа кирмадилар», деб чойхоначи амакинг ҳам айтди. Балким у киши бугун бутунлай келмаслар. Юрақол, ўғлим!

– Ойда-йилда бир оптушасиз-да, ҳеч нарсани курсатмай, қайтамиз-қайтамиз дейверасиз, – деди бола упкаланиб, лекин отасининг гапига кириб.

Орага Аҳмад тараша суқилди:

– Тўғри қиласан, йигитча! Насриддин Афандини булмасаям, бекни кўриб кетгин.

– Э, мулла ака, нима қиласиз болани эрка қилиб? – деди деҳқон майин жилмайиб.

– Бола уйнаб қолсин-да, – Тараша болага қараб кўз қисди. – Бир шаҳарга тушибди. Қишлоқда зерикиб кетгандир, а? Зерикдингми?

Бола уялиб бош ирғади. Абди оппоқ ҳам гап қушди:

– Кетма, болакай. Бек ҳам бутун бозорга қадам ранжида қиларкан.

Деҳқон майин жилмайиб боланинг раъйига кунди.

– Қани, юр булмаса, молбозорни айланиб, яна қайтамиз.

Ота-бола ўринларидан туришди.

– Ҳа, қайтиб келгин, – деди Оппоқ болани яна қиздириб. – Насриддин Афанди ҳам келадилар. Сени таништириб, қўларини олиб бераман. Ўзинг бир сиқиб қўясан!

Бу гапдан наинки боланинг, балки отанинг кўзлари ҳам порлаб кетди.

– Сизлар шу ерда буласизларми? – суради у уятчанлик билан.

– Ҳа, шу жойни ижарага олганмиз! – деди Абди оппоқ.

Унинг сермаъно қочириғини англаб етган Тараша пиқиллаб кулди.

Ота-бола чиқиб кетишди. Икки чапани «иш кутиб» жойларида қолдилар.

АБДУКАРИМ ДЕҲҚОН

Кумушкент бозорига Лайлак қишлоғидан отлашиб йўлга тушган учинчи одам Абдукарим деҳқон эди.

Абдукарим аслида Лайлак қишлоғида яшаб-ашамасди. Сабаби, бундан икки йил муқаддам бир бўз ерга иморат қура бошлаганди ва бир оёғи Лайлакда, бир оёғи ана шу қўрғонида бўлиб қолганди.

Купни қўрган деҳқон Абдукаримнинг танлаган янги ери ҳар жиҳатдан яхши эди. Шаҳардан чиққан анҳорнинг бўйидаги юз таноб⁶ сайхонлик каттагина қишлоққа бемалол макон бўла оларди. Анҳорнинг анчагина чуқурдан оқиши аввал деҳқонни ўйлантириб қўйса, бу тўсиқни катта чархпалаклар қуриш билан енгиш мумкинлиги ҳақидаги фикр ҳаёлига келгач хурсанд бўлди.

Абдукарим аввалига ўзига ўхшаган уч-тўрт кишини эргаштирмоқчи бўлди. Аммо ҳеч кимнинг юраги бетламади. Шунинг учун чархпалакни ҳам бир ўзи бошлаб, деярли битириб қўйганди. Аммо ақчанинг хомчўтини сал нотўғри олган экан, чархпалак битаёзди-ю, аммо бир ўй бир даҳлизли иморати чала қолаверди. Йиғиб-терган уч-тўрт тангаси тугаб, Абдукарим роса ерга ўтириб қолганди. Ўзининг, бола-чақасининг усти боши минг имоқ бўлиб, кийгулиги қолмаганди.

Абдукарим қишлоқдаги ҳовлисини сотганди-ю, экинзорини сақлаб турарди. Бир оёғи Лайлакда, бир оёғи қўрғонида деганимизнинг боиси ҳам шу; гоҳ экинзориди, гоҳ эса янги қўрғонида ўй тиклайди, дарахт экади, ариқ тортади, чала битган чархпалакни қўлда айлантириб сув чиқаради.

⁶ Таноб – 40 сотих.

Бугун ҳам қишлоқдаги томорқасида янги пишган ҳандалакдан эллик-олтмиштасини ортиб, шаҳарга йул олганди.

Лайлак қишлоғидан Кумушкентгача йулда иккитагина иморат бор эди. Булардан бири – бир тош масофадаги сардоба, иккинчиси – яна шунчадан кейин келадиган йулдан сал чеккароқдаги Абдукаримнинг чала битган қўрғони.

Абдукаримнинг қўрғонидан шаҳаргача бўлган масофа ҳам тахминан бир тошча келарди.

Лайлак қишлоғи адирлар устида жойлашганди. Адирлар қишлоқдан сунг пасайиб келиб сардобанинг атрофида тугар ва кафтдек текислик бошланарди.

САРДОБА

Тарихий манбаларда, энг қадимий даврларда бизнинг улкамиз серўрмон, серсув бўлган деган маълумотлар бор. Аммо кейинги уч-тўрт минг йилликка қарайдиган бўлсак, Ўрта Осиёмиз ўзининг гўзал водийларидан ташқари ҳамиша сувга танқислик сезган улқадир. Ана шу кейинги уч минг йил ичида бизнинг ота-боболаримиз сувдан фойдаланиш, тежаб ишлатиш, йуқ жойдан топишнинг мукамал билимларига асосланган кўп ва ғаройиб усулларини топганларки, бу нарса ҳозирги олимларнинг ҳам таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Сардоба ана шу билим ва тежамкорликнинг, яшаш учун курашнинг олий санъатларидан биридир.

Сардоба манзилгоҳлардан ва, турган гапки, дарёлардан узоқда, асосан карвонлар, саёҳатчилар учун катта, текис чўлларда қурилади. Текис чўл дейилгани нисбий. Аслида, чўлларда ҳам жиндак нишаблик бўлади. Оддий кўзга кўринмайдиган

бу нишаб бир томонга бўлиши ҳам, сардоба қуриладиган жойга тўрт тарафдан келиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда, от чопса чарчайдиган ва чек-чегараси кўринмайдиган шу нишабни аниқ топиш керак. Аждодларимиз томонидан бундан минг-минг йиллар муқаддам қурилган сардобаларда ана шундай нуқталар ажиб маҳорат билан топилган.

Хуллас, чуқурлиги одам бўйидек, эни, бўйи беш-олти қадамлик ҳовуз кавланса, у беш-олти кун ичида сувга тўлган. Ҳовуз атрофига гир айлан-тириб, пишиқ ғиштдан гумбазсимон иморат қурилади. Натижада йиғилган сув иссиқда буғланмай, совуқда музламай сақланади. Ёзда, тинкани қуритгудек иссиқда сардобанинг тўрт томонига ишланган пастак эшиклардан энгашиб кириб, уч-тўрт поғонали зинадан тушсангиз, ўзингизни шундай салқин бир ғушада кўрасизки, ташқарида эллик даража жазирама эканлигига ишонмай қоласиз.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиёда айрим узоқ чўлларни ҳисобга олмаганда, сардобалар ўзининг қадимги аҳамиятини йўқотган. Афсуски, уларнинг кўпчилиги бузиб юборилмоқда. Сақланган сардобалардан биттасини кўрмоқчи бўлиб одам Тошкентдан Жиззахга қараб йўлга тушса, Чиноздан йигирма-ўттиз километргача ўтгандан кейин йўлнинг чап тарафига диққат билан қараб борса, эҳтимол, сардобага назари тушар. Бу сардобанинг ҳам атрофи обод, оқар сув етарли, шунинг учун ҳам унга одамларнинг эҳтиёжи, эътибори йўқ.

Қиссамиздаги сардоба ўша даврдаёқ ўз вазифасини бажариб бўлганди. Ўша пайтдаёқ минг ёшга кирган сардоба бир кун қараса, ўзидан икки чақирим нарида Кумушкент деган шаҳар қад кўтарибди. Шаҳарга олис дарёдан канал қазиб

келишибди. Шу-шу карвонлар ҳам унинг ёнида тўхтаб ўтирмай ўтиб кетаврадиган бўлишди.

Сардобанинг олдидаги уч юз ёшдан ошган тўртта чинор хийла жойгача атрофини ўраган чангалзор-у, узуқ-юлуқ тўқайзоргина унга содиқ қолишди. Йўллар содиқ қолишди.

Теварак-атрофдан келадиган йўллар сардобанинг олдидаги катта йўлга қўшилар, уч-тўрт қишлоқнинг, хусусан, Лайлакнинг одамлари шаҳарга тушадиган бўлсалар, албатта сардобанинг олди-дан ўтардилар.

ИККИ МИРШАБ

Нодир миршаб билан Содир миршабнинг ас-лида хизмат жойлари шаҳарда. Аммо катта бозор кунлари далага чиқиб, ўзларининг тилида айтганда, ҳаво ўзгартиришарди. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидай, бозор йулида туриб олиб, ўтган-кетган деҳқон ва чўпонни алдаб-сулдаб ёки дўқ-пўписа қилиб жиндак-жиндак шилишар эди. Сардобанинг олдидаги серқатнов йўл бу икки ўртоқ учун энг қулай нуқталардан бири эди.

Нодир миршаб билан Содир миршаб мўлжаллараридаги вақтдан хийла кечикиб қолишганди. Бунга Содир миршаб айбдор эди. Азонда у Нодир миршабни уйдан чақириб ўтиши керак эди. Аммо қуёш бир терак бўйи кўтарилгунча келмаса бўладими?! Хотини аллақайси гурдаги туйга кетиб, уйғотадиган одам йўқ, ухлаб қолган экан. Нодир миршабнинг тоза хуноби чиқди, кутиб-кутиб, энди бугун «тирикчилик» бўлмас экан-да, деб турган пайтида Содир миршаб от чоптириб етиб келди.

Шундай қилиб, икки миршаб сардобанинг олди-га одатдагидан уч соат кейин етиб келишди.

Бозорга одамлар саҳарда ўтади. Улар келганига бир соатдан ошган, кун уч терак бўйи кутарилганлигига қарамай, зот ҳам ўтмади.

Боядан бери бир неча марта койиган бўлишига қарамай, туриб-туриб Нодир миршабнинг аччиғи яна тутиб кетарди.

– Ҳей, ҳа шунча ҳам ухлайсанми, галварс! Нас босиб юрасан-а! – деди у тош супада елкасини чиқарганча қўлларига суяниб ўтираркан.

Содир миршаб отнинг олдинги оёғини кўтариб, тақанинг бўшаб кетаётган михини тош билан чиқиллатиб қоқарди. Шеригининг бу гапини кўп эшитгани учун жавоб бермай ишини давом эттирди.

– Бугун энди хемириям йўқ, икки қўлни бурунга тиқиб қайтамиз!

Содир миршаб индамай мих қоққан туёқни тушириб, отини сардобанинг орқасига етаклаб кетаркан пўнғиллади:

– Бўлди-да энди! Ҳадеб битта гапни айтиб, молга ўхшаб кавш қайтаравераркан-да!

– Ҳу, нас! – деди унинг орқасидан хумрайганча Нодир миршаб.

Содир миршаб отини қолдириб, сардоба човгумида сув олиб чиқди. Супага келди-да, дубулқасини ечди. Човгумни Нодирнинг олдига қўйди:

– Шуни бошимдан тўквор! – деди энгашганча.

– Ҳу, нас! Айттим-ку, бу ҳали ювинмаган ҳам!

– Кеча қайним келувди. Бузахурлик қилганмиз. Ўзбойи баданим ўт бўлиб ёняпти! – пўнғиллади Содир миршаб.

– Ҳали миршаббошининг ҳақини беролмай, болохонадор сўкиш эшитганингда кўраман сени!

– Кўп саннайверма, хумпар! Бугунга ҳам Худойимнинг атагани чиқиб қолар!

– Худони тилга олади-я! Ювуқсиз!

Нодир миршаб шундай деб сувни жумракдан қуя бошлаганди, совуқ сувдан сесканган Содир бақирди:

– Оғзидан! Туквор дедим-ку, сенга!

Нодир сувни шариллатиб қуйди. Содир миршаб «уҳ-уҳ»лаб бошини ишқади. Сунг, энгашганча белидан белбоғини ечди-да, уни бошига ёпиб тикланди. Артиниб булиб, румолни бошидан олган заҳоти: «Ана!» деб бақириб юборди. Бақиригига монанд қули ҳам Лайлак томонга чўзилди.

– Ана! – хитобини такрорлади Содир миршаб. – Айтмадимми, Худойим бутунги ризқимиз учун ҳам бирон нарса сочиб қўйгандир деб!

Лайлак томондан бир арава келарди.

БИРИНЧИ ЎЛЖА

Бу Абдукарим эди. Миршаблар ўлжани кўргач, худди ҳеч нарса билан ишлари йўқ одамлардек тошсупага ёнма-ён ўтирдилар. Абдукарим узоқ-данок уларнинг миршаблар эканлигини билди. Кўнгли хижилланиб, ҳурматларини жойига қўйсам, зора тирғалишмаса деган умидда анча нариданок аравасидан тушиб пиёдаланди. Беш-ўн қадам қолганда қуюқ салом берди.

– Ҳорманг, катта ака! Йўл бўлсин! – деди Нодир миршаб қуш утиришда ўтирган кўйи алиқ олиб. Шу сонияда у ўзини фил, Абдукаримни эса чумолидек чоғлади.

– Бор бўлинг! Бозорга кетятувдим!

Шундай деб, Абдукаримнинг нафаси ичига тушиб кетди. Миршабларнинг албатта тирғалишлари, режалари барбод бўлиши мумкинлигини сизди. Кўзлари мўлтиради.

Миршаблар унинг мўлтирашини ўз салобатларига йўйдилар. Абдукарим эса тезроқ шаҳарга

тушиб чиқиш, буз чит олиб янги қурғонда кутиб утирган аёли, бола-чақасини севинтириш, сунг рўзғордаги бошқа ишларга уннаш сингари бутунга мулжалланган режаларнинг бузилишидан қурқарди.

Мансабдорлар ана шундай янглишадилар. Турқларидаги кибр янглиш устида зуҳурланади.

– Бола-чақанинг тишига босармиз деб уч-тўртта уруғ ташлаб қўйгандим. Насиб қилмаган экан, сотгани олиб кетяпман.

Абдукарим бу гапларни ўша режаларнинг амалга ошмай қолиши қурқувидан эзилиб айтди.

– Ҳа, яхши, яхши. Омадингизни берсин.

Нодир миршаб шундай деб, четани йўнилмаган таёқ ва қамишлардан ясалган аравага яқинлашди. Куз қирини ташлаб унинг ичидаги ҳандалакларни кўрди.

– Қани, аравангиз бутми? Йўл-пўлда тўкилиб тушмайдами?

Нодир миршаб араванинг саҳнини, филдиракларини силтаб-силтаб тортиб кўра бошлади.

– Эски бўлса ҳам пишиқ, – Абдукарим ялтоқлашиб кўлди. – Чатоқ арава билан шаҳарга тушиб бўларканми?

– Ия!

Араванинг салкам бўйидек келадиган филдирагини силтаб туриб айтган Нодир миршабнинг бу хитоби Абдукаримнинг жилмайишини сўндирди.

– Ҳа, буни шалоғи чиқиб ётибди-ку! – деди миршаб кўзларининг пахтасини чиқариб дўқ билан.

– Йўғ-э! Йўғ-э! – Абдукарим шундай деб норғул гавдасига ярашмаган чаққонлик билан лип этиб миршабнинг олдига ўтиб, филдиракни силтади. – Ж-жойида-ку!

– Менга ишонмайсизми?! – Нодир миршаб дўқини кучайтирди. – Содир! Бу ёққа қара!

Содир миршаб ҳеч хоҳиши йўқдек қўзғалди. Бошига салласини, афтига эса энса қотиш ифодасини кундирди-да, шошилмай яқинлашди. Филдиракни ҳазар қилгандек ушлаб силтади.

– Шалоғи чиқиб ётибди, – деди у қўлларини қоққанча узоқларга тикилиб. – Чиқиб кетади.

– Нега чиқиб кетаркан?! Мустаҳкам арава! Уста Маннон ишлаган. Мен тугул, уғлимнинг кунига ҳам ярайди ҳали!

Абдукаримнинг бу узун нидосидан супа томон қайтаётган Содир миршаб тўхтади. Истамай утирилди. Замирида зур дағдаға сезилиб турган бепарволик билан деди:

– Нима, сизга подшоликнинг одами ёлғон гапирадими?

– Ҳа, – деди Нодир миршаб, – бунингиз шаҳарга борганда чиқиб кетиб, биронта бандаи муминни шикастлайди. Товонига қоласиз!

– Э, нима бўлса пешонамдан кўрдим! Жон акалар, буни сотиб, пулига майда-чуйда олиб қайтишим керак. Олис йўл, қоронғига қолиб кетмай! Қўйворинглар!

– Ия! Бизни бу ерга нимага қўйиб қўйибди?! Қийшиқ араваларни ўтказмагин дейишган-да! Тузатинг аравангизни!

Бу буйруқни эшитган Абдукарим бошига мушт тушгандек гарангсиб, анча вақтгача нима дейишини, нима қилишини билмай қолди. Нодир миршаб эса гап тамом дегандек Содирнинг ёнига – супага бориб утирди. Иккови ёлғондан қизғин суҳбатга берилишди.

Абдукарим анчадан кейин ўзига келди. Ночор қиёфада супага яқинлашди:

– Майли, акалар. Шаҳарга ўтмайман. Ҳув анови қорайиб турган менинг қўрғоним, ўша ерда қоламан!

Нодир миршаб билан Содир миршаб ялинишни бошлади шекилли, деб унинг гапига яхши эътибор беришмади ҳам.

– Майли, бугун тузатиб, эртага тушарман шаҳарга, – деди гудраниб Абдукарим.

Миршаблар яна эътибор беришмади. Яна ялинипти деб уйлашди.

Абдукарим эса уларни эшитишди деб уйлаб, аравасига утирди-да, «чу» деб қамчи силкитди.

От энди икки одим қўйганди миршаблар «ҳой-ҳой»лаб югуриб келиб Абдукаримни силтаб туширишди.

– Ҳе, сени қара-ю! Кимни мазах қиляпсан? Ҳозир ҳибсхонага обориб тиқиб қўяман!

Абдукарим ёш болага ўхшаб довдираб қолди.

– М-мен мазах қилганим йўқ. Шаҳарга тушмайман деб айтдим-ку! Хув анови қўрғонимда қоламан.

– Кимни алдамоқчисан? Бу ерда бормайман деб жуфтакни ростлайсан-да, нарироқда секин шаҳарга қийшайиб қоласан! – деди Содир миршаб важоҳат билан.

– Нима қил дейсизлар? – Абдукарим баттар довдиради.

– Ҳеч қаёққа бормайсан! Аравангни шу ерда, кўзимизнинг олдида тузатасан!

Сал зийракроқ бўлган Нодир миршаб Содир миршабнинг бунақа дўқ-пўписалари билан асл ниётларини Абдукаримга барибир тушунтириб бўлмаслигини сизди.

«Қўйиб берсанг, бу галварс аравасини ҳозироқ созлашга киришади-ёв!» деб уйлади.

– Сен нари тур! – деб ёлғон пўписа билан Содир миршабни ҳайдади-да, одамга ўхшаб Абдукаримга гап қотди. – Энди, ука, сизни шундай ўтказиб юборсак, сиз, Худо кўрсатмасин-у мабо-

до бировни жароҳатласангиз, бизни миршаббоши қаттиқ сўкади. Биз нима деймиз? Ҳа, энди иши зарил экан, жуда илтимос қилди, деймиз... Ҳандалак обкетаётган эканлар. Мана, янгилик, сизнинг ҳам оғзингиз тегсин, деб уч-тўртта ҳандалак берсак, жавобимиз анча чиройли чиқади, а? Тўғрими?

Абдукарим севиниб дарров кўнди:

– Майли олинглар, беш-ўнта ҳандалак гапиришга арзимади.

– Йўқ, сиз ўзингиз айтинг-да! – Нодир миршаб дўстона кулиб Абдукаримнинг елкасига қокди. – Илтимос денг, сиз ўнта, ошнангиз ўнта, денг, ҳа миршаббошига йигирмата ҳандалак олинг, денг, аравамнинг чатоқлигига қарамай ўтказиб юборинглар, денг. Қани, ўз оғзингиз билан қайтаринг-чи.

– Абдукаримнинг яна нафаси ичига тушиб, миршабни инсофга чақирмоқчи бўлди.

– Ўзи олтмиш-етмишта ҳандалак обкетяпман, акажон! Яримдан кўпини олсанглар! Аравани шаҳарга овора қилганимга арзимади-ку!

– Э, гапга тушунмасакансиз! Бўпти, аравагизни шу ерда тузатинг-да, кетаверинг! Ҳеч нарсангиз керакмас! – Нодир миршабнинг башараси одам сиёҳидан чиқиб, муомаласи яна совуқлашди, димоғидан эшакқурт ёққанча яна миршаблик сиёҳига ўтди. Гапларини ҳам тўрс-тўрс гапирди-да, кета бошлади.

Абдукарим ноилож унинг енгидан ушлаб ялинди.

– Жон оға, ўттизта ҳандалак олиб мени кўрмагандек бўлинг!

– Бу бошқа гап! – Нодир миршабнинг афти яна одам сиёҳига қайтиб жилмайди. – Қани, ўзингиз қирқта йирик-йиригидан танлаб сардобанинг орқасига олиб қўйинг-да, жунайверинг.

Ҳаммасидан ҳам Абдукаримга мана шу ҳанда-
ликларни ташиш алам қилди. Боз устига режала-
ри барбод бўлганди. Юзидаги ялинчоқлик йуқо-
либ, ўрнини ақлли қаҳр эгаллади. Индамай уч-
тўрт қатнаб, қирқта ҳандалакни туширди-да, яна
индамай жўнади.

– Хайр, ўв, деҳқонбой ака! Нега бу қовоғингиз-
дан қор ёғилиб қолди? – деди Нодир миршаб.

– Одамларга яхшилик қилиб балога қоласан! –
тўнғиллади Содир миршаб.

Абдукарим аравада утирганча угирилди.

– Билиб қўйинглар, ўв, оғалар! Ҳандалак эмас,
қизчамнинг буз кўйлагини олиб қолдиларинг! Ҳа-
йитлик қилмоқчи эдим. Қизимга айтаман: ўлгу-
шча қарғаб юрсин!

Абдукарим отига қамчи урди.

– Ўв, подшонинг миршабларини ҳақорат қилди,
деб қамаб қўяйми? – деди Содир миршаб.

– Осмон кўлингда бўлса ташлаб юбор-э!

Абдукарим кўл силтади.

Содир миршаб ўрnidан турмоқчи эди, Нодир
миршаб тўхтатди.

– Қўй, оладиганимизни олдик! Кетаверсин!

ИККИТА ЎЛЖА

Абдукарим нари кетгач, миршаблар гарчи ар-
шмас бўлса-да, биринчи ўлжа қувончида хахолаб
юборишди.

– Ўзи бериб, яна гина қилади, – деди Содир.

– Ўзи олинг дейди-да, кетидан тўнғиллайди, –
деди Нодир миршаб.

Икки ошнанинг бу гаплари хахолаш орасида
юртилади. Сўнг улар ҳазил-мазах қўшиқ бошлаб
юборишди.

*Ман ўзим полвон йигит, ҳо!
Қогозни тар-тар йиртаман.
Юрагим тоғдай йигит, ҳо!
Ўлган бузоқдан қўрқаман.*

Қушиқ тугагач, дўстининг кайфи чоғланганини кўрган Содир миршаб уни яна севинтирмоқчи бўлди.

– Ҳарна-да! – деди у ҳандалак келтиргани сардоба томон йўналиб. – Бекор ҳам ўтирардик. Янгилик, омонлик-эсонлик деб буни битта-иккитасини сўйлик!

Лекин Лайлак тарафга қараган Нодир миршаб у томондан келаётган отликни кўрди.

– Ҳандалакни қўй, бу ёққа қара! – деди у дўстини тўхтатиб. – Яна битта ўлжа келяпти.

Содир миршаб севиниб орқага қайтди-да, узоқдаги отликқа тикилди. Шунда унинг севинчи сув сепилган гулхандек ўчди.

– Э, бу Муҳсин бой-ку! Ундан ундириб бўлсан! – деди энсаси қотиб Содир миршаб.

– Ростдан бой бўлса, гапинг тўғри! Қозикалоннинг олдига кириб-чиқаётганини ҳам кўрганим бор бунинг, – деди Нодир миршаб қўзи ола-кула бўлиб.

Иккала дўст қўй оғзидан чўп олмаган мўмину мусулмон қиёфада супага ёнма-ён ўтиришди. Афларининг тундлиги узоқдан билинмасди. Муҳсин гуппи яқинлашиши билан улар бирданига ширингина жилмайишиб, тавозе билан салом бердилар.

Миршаблар жилмайган қўйи Муҳсин гуппини тезгина ўтказиб юборишни мўлжаллагандилар. Лекин Гуппи ўтиб кетмади. «Ваалейкум» деганича отдан туша бошлади.

Икки миршаб кимўзар ўйнагандек югуриб бориб, унинг қўлини олиб сурашдилар. Уларнинг боя

Абдукарим олдидаги важоҳатларини кўрган ва ҳозирги сиёҳлари билан солиштиргудек кимса топилса эди, одамнинг гавдаси бирданига кичрайиб қолиши мумкинлигига гувоҳ бўларди.

Муҳсин гуппи боши билан отини ишора қилиб супанинг четига утирди. Иккала миршаб отни чиқорнинг тагига, сояга боғлаб қайтишди. Содир миршаб тилёғламаликка ўтди:

– Қаранг, аҳли донишдан бир вакил келиб суҳбатига баҳраманд қилармикин деб, ҳозиргина сизни гаплашиб утирган эдик. Худони ўзи етказди!

– Фаришталар омин деган экан! – қўшимча қилди Нодир миршаб.

– Э, – Муҳсин гуппи яйраб кўлди. – Сенларнинг нима қилиб утирганларингни биламан. Лекигин мени сенларга Худонинг ўзи етказгани рост!

– Рост, рост, ўзи кўзим ҳам учиб турувди, – деди Нодир миршаб. Бу гапининг таг-тагидаги пичингни пайқаган Содир миршаб хавотирланиб, Гуппига қараб қўйди. Муҳсин гуппи ҳеч бало сезмаганди.

– Ажабмас, бугунги ризқларингни мен туфайли топсанглар! – деди у қамчи билан этигининг чангини аста қоқаркан, виқор билан.

– Иншоолло, иншоолло, бой ака! – тамшанди Нодир миршаб.

Муҳсин гуппи иккала миршабга чамалагандек талма-галдан кўз югуртирди. Кейин боши билан ёнига ишора қилди:

– Қани, бундай утирларинг-чи!

Миршаблар кўзларини унга тикканча ёнига утиришди.

Муҳсин гуппи яна уларга ҳаммоликка ярайдими йўқми, деб чамалаётгандек синчков тикилди, сўнг чўзиб туриб, деди:

– Бир иш бор. Эпласаларинг, икковинг бир хумдан асалга эга буласанлар. Устига ҳар бирингга ярим тиллодан танга бераман.

Нодир миршабга жон кирди:

– Айтинг тезроқ, бой ака!

– Хў-уш, – деди Гуппи ниҳоятда жиддийлик билан. – Ҳозир мени изимдан бир одам келади. Эшагининг хуржунларида икки хум асали бор. Шуни олиш керак!

Унинг бу гапидан сўнг миршаблар индамай қолишди. Бир оз ўтгач Содир миршаб сўради:

– Узи икки хум асали бор!

– Ҳа!

– Биз икковини олишимиз керак?

– Ҳа.

Миршаблар яна ўйланиб қолишди. Одатда, улар ўн-ўн беш қопли деҳқондан ярим қоп, бир қопни олишарди. Эллик-олтмиш қўйли чўпондан эса битта, жуда нари борса иккита қўйни. Шунда ҳам гоҳида жанжаллар бўлиб зўрға қутулардилар. Баъзан эса кўнгли кенг заҳматкаш бечоралар, бошкўзимдан садақа деб индамай кетаверардилар. Лекин одамнинг бор буд-шудини тортиб олиш! Бу тоифа ишни улар қилмасдилар ва қилишни хоҳламасдилар.

– Ўша айтган одамингизнинг бошқа ҳеч нарсаси йўқми? – бу саволни Нодир миршаб берди.

– Йўқ! – деди тажанглашиб Гуппи.

– Жуда қийин иш, бой ака! – дея гапга Содир миршаб аралашди. – Бунақасини бизга устозимиз ўргатмаганлар!

– Устозингиздан ўргилдим. Мен ўргатяпман! Боз устига тилло беряпман!..

Нодир миршаб Гуппининг гапини бўлди:

– Чорак хумини, борингки, ярим хумини ол денг, оберайлик. Молидан ажраган одам болта-

дан қайтмайдиган ҳукизга айланади. Биласизми, қассобга калла қуйиб қолиши мумкин.

– Ҳой-ҳой, ҳой! – ўз навбатида Гуппи ҳам унинг гапини кесди-да, бармоқларини бир-бирига ишқаб деди. – Мен танга беряпман! Мулла жиринг беряпман! Чорак хум, ярим хум, эмиш! Чорак хум, ярим хумни мен айтмасам ҳам олишларингизни биламан.

Миршабларнинг кунмаётгани кўришиб турарди. Муҳсин гуппи, ярим тиллани эшитиб дарров кўнишди, деб ўйлаб хато қилганини тушунди. Энди аврашга ўтди.

– Ярим тилло-я! Боз устига, олишнинг осон йўлини ўргатаман. У одам хумларининг бушлигини бозорга боргунча билмай қолади. – Муҳсин гуппи жиндек тин олиб, нархини қўшди. – Ҳа, борларинг, ана икковингга бир тангадан бераман!

Миршаблардан яна садо чиқмаса-да, бир тангадан дейилгани жиндек таъсир этди.

– Бир хумдан асал, битта муллажиринг – асл тиллодан, эгаси билмай қоладиган йўли! Яна нима керак? Мен ўша одамни хумлари буш ҳолда бозорга кириб борганини кўрсам бўлди!

– Ким ўзи ўша айтаётган одамингиз? – сўради шошиб Содир миршаб. Шошмаса Нодир миршаб «Бўпти биз рози!» деб юборишга тайёр эди. Ўлжасиз қайтишидан дили хуфтон Нодир миршабни ярим маошига тенг бир танга бутунлай эс-хушини олганди. Боз устига бир хум асал!

Муҳсин гуппи ҳам ошналарнинг якдиллигига дарз кетганини сизди. Шунинг учун Нодир миршабга пирпираб боқиб, гуёки ўпкаланди:

– Дўстингизни қаранг! Ҳа, бунинг нима аҳамияти бор?

– Хўп деяверайлик, – деди Нодир миршаб. – Туғри-да, нима аҳамияти бор?!

Содир миршаб қувроқ эди. Бунинг устига яна нарх-ни ошириш мумкинлигини тушунди.

– Жуда бор-да! – деди у ужарлик билан.

Нодир миршаб дустига боқаркан, унинг тихирлик қилишига ҳайрон бўлди. Гуппи ниҳоятда тажанг эди. Содир миршаб эса уларнинг биттасига ҳам қарамас, гоҳ ерга, гоҳ осмонга тикиларкан, ғунғиллаб хиргойи қиларди.

Гуппи ана шу вазиятда «Насриддин Афанди!» деб юборганди. «Қани? Қани?», деб сакраб туриб кетган миршаблар атрофга аланглашди.

Жаҳли чиққан Гуппи бармоғини нуқиб ҳижжалади:

– Ўша, мен айтган асалли одам – Насриддин Афанди бўлади!

Бу гапни эшитиб миршаблар аввал бир зум офизларини очиб ағрайишди-да, кейин: «Йуқ, йуқ, йуқ», – деганча худди моховдан қочгандек икки ёққа қочишди. Гуппи бир амаллаб Нодир миршабнинг этагидан ушлаб қолди. Содир миршабни эса такрор-такрор чақиравериб, аранг ёнига қайтиб ўтқазди.

– Тавба! – деди у хуноб бўлиб. – Намунча номини эшитибоқ бу одамлар ўзини томдан ташлаб қочгудек қочади-я? У ҳам ҳаммага ухшаган одам! Менга қараларинг: икковингга икки тиллодан бераман. Ана, мендан кетса кетсин! Фойдани тагида қоладиган бўлдиларинг!

– Э, Насриддин Афандига тегмаган одам фойда қилади, бой ака! – пунғиллади Содир миршаб.

– Уч тиллодан бераман, – деди гуппи.

– Уч тиллодан!!! – Нодир миршаб шундай деб ҳуши бошидан учди. У батамом Гуппининг қулига айланганди. Содир миршаб эса баттар шубҳага тушди.

– Менга қаранг, бой ака, шу одамга тегиш на-
мунча зарил буп қолди? Насриддин Афандини
бутун пошшоликда отлиқ ҳам, пиёда ҳам таниса.
Бир ишкал чиқса, мен бу миршабларни танимай-
ман, деб тониб кетаверасиз!..

– Беш тиллодан! – деди Гуппи унинг оғзига ур-
гандек.

Бу пулни эшитиб иккала миршаб адойи тамом
булишди. Айниқса, Нодир миршаб ўрнидан ту-
риб кетиб: «Ланж! Нас босган! Айбингни юв!» де-
ган таъналарни айтиб унга ташландики, «беш
тилло»дан карахт бўлиб турган Содир миршаб ҳам
таслим булди. Гуппи эса ғалабани янада мустақ-
камлади.

– Беш тиллодан олларинг-да, ишни бажаринг-
лар! Асалини олиб қуруқ жўнатсаларинг, бас! На-
сриддин Афандини лой қилган миршаблар, деб
шон-шавкатинглар бутун подшоликка кетади.
Бекнинг, шоҳнинг назарига тушасанлар. Сенлар-
ни чақириб, мансаб беради. Ҳаммаси икки хум
асални олиш эвазига-я! Карнайчидан бир пуф-
да! Боз устига осон йўлини ўргатаман.

– Бупти, ўргатинг йўлини! – деди Содир мир-
шаб.

Гуппи бир оз нафас ростлаб, сўнг у ёқ-бу ёққа
аланглаб олди-да, икки оғайнини буйнидан уш-
лаб ўзига энгаштирди, Шу алфозда уч-тўрт жум-
ла айтганди, миршаблар бирдан ўзларини орқага
ташлаб қаҳқаҳа уришди. Гуппи яна уларни боя-
гидек энгаштирди. Уч-тўрт оғиз гапидан сўнг
миршаблар яна гавдаларини орқага ташлаб, ос-
монга қараб қаҳқаҳа урдилар.

– Оббо, оббо, бой ака! Устомонликда барчадан
утиб кетибсиз-ку! – дерди кулги аралаш Нодир.

– Насриддин Афанди ҳам ип эшолмайди! – деди
Содир миршаб.

Ярасига малҳамдек бу мақтовдан Муҳсин гуппи талтайиб кетди.

– Зўрми? – сўради у ҳам гердайиб.

– Зўр! Қойил!

Муҳсин гуппи жиддийлашиб, миршабларга режани пухта уқтирди.

– Агар асални умарганинларни сезмасдан кетаверса – индамайсанлар! Сезиб қолса – биз билмаймиз деб, ҳалиги мен ўргатгандек жавоб берасанлар! Буптими?

– Бупти, бой ака! Аммо-лекин қойилман! – деди Нодир миршаб.

Шундан кейин Муҳсин гуппи уларга иккита оғзи бойлоқ оқ халтача берди. Миршаблар уни авайлаб олиб сардобага яшириб чиқишди.

– Қани, боринлар! Иккита кашкулми, хумми топиб келаринг! – деди Гуппи.

Миршаблар югуриб бориб отланишди-да, ҳув узоқда қорайиб кўринаётган Абдукаримнинг янги қўрғони томон шамолдек учишди. Сал ўтмай Муҳсин гуппи ҳам улар кетидан жўнади. Сардобанинг олди кимсасизликдан ҳувиллаб қолди.

Аравасида имиллаб кетаётган Абдукаримни аввал от елдирган миршаблар, сўнгроқ Муҳсин гуппи қувиб ўтди. Яна бир оз йўл юргач эса миршаблар қайтиб ўтишди. Эгарларининг унга кўринмайдиган тарафида иккови иккита нарса қўлтиқлаб олишганди. Абдукарим алланимадир сезиб, аравасини тезлатди.

ИККИ ХУМ АСАЛ

Сардобанинг олди узоқ ҳувиллаб турмади. Сал ўтмай Содир ва Нодир миршаблар бири хум, иккинчиси мис кашкулни эгарга босганча қайтиб келишди. Бир-бирларига ёрдамлашиб,

идишларни артишди, кўз очиб-юмгунча уларни сардобанинг орқа томонидаги буталар ичига яшириб қўйишди. Кайфлари чоғ ҳолда супага ўтириб қўшиқ бошлашди. Бу қўшиқ қатор юриб кўриқдан ўтаётган пайтда айтадиган қўшиқлари эди. Жуда қиёмига етказиб завқ билан айтардилар.

*Салтанатнинг биз суянган тоғларимиз,
Воҳ-ҳаҳ-ҳей! Воҳ-ҳаҳ-ҳей!
Бегимизнинг олмос тешар ўқларимиз,
Воҳ-ҳаҳ-ҳей! Воҳ-ҳаҳ-ҳей!
Олмос кесар тигларимиз,
Воҳ-ҳаҳ-ҳей! Воҳ-ҳаҳ-ҳей!*

Қўшиқнинг охири чўзиқ қийқириқ билан тугарди. Завқли қийқириқдан сўнг завқли кулги ҳам янгради.

– Менга қара! Агар шу ишимиз туфайли ростданам бекнинг назарига тушсак, қайси мансабни сурасам экан, а? – деди Нодир миршаб оғзи қулоғига етиб.

Содир миршаб шеригининг доимо хаёлини банд қилган орзусини билгани учун дарров жавоб қилди:

– Миршаббошилиқни!

– Берармикин-а? – деди Нодир миршаб орзуманда оҳ тортиб.

– Беради.

Нодир миршаб ҳамон яшириқ кинояни тушунмасди.

– Катта боғли қўрғон қўшиб беради.

– Йўғ-э!

– Менга қара! – деди Содир миршаб. – Бек Насриддин Афандига шаҳардан қўрғон курсатиб, шу ерга кучиб келинг, деганми?

– Ҳа, шундай деб эшитгандим, – деди Нодир миршаб оғзини очиб.

– Энди, Насриддин Афандига қурғон бермоқчи бўлган бўлса, уни мот ва гел қилган, яъни Насриддиндан зурроқ одамга бермайдими? Қушиб ҳам берар!

Нодир миршаб яна бир чуқур оҳ тортиб, «сен нима сўрайсан, Содир?» демоқчи эди Лайлак томондан кимнингдир хиргойиси эшитилди:

*Тошқин дарёман дебон,
Савлатингга ишонма, ҳо, ишонма.*

Бу Насриддин Афанди эди. Миршаблар гап билан бўлиб, унинг яқинлашганини сезмай қолгандилар. Улар дарров салла печларини туғриладилар. Бир оёқларини супадан пастга осилтирганча, ярим чордана қуриб, «суҳбат»га берилишди.

Насриддин Афанди хиргойисини бир дақиқага узиб, «Ассалому алайкум», деди-да, ўтиб кета бошлади.

– Йўл бўлсин, Насриддин Афандим? – деди Нодир миршаб алик олгач.

– Бозорга, салтанат тоғлари, бозорга, – жавоб берди Насриддин заррача қиё боқмай, уларнинг қушиғига ишора қилиб.

– Бозор тарқаб кетмайдими? Кеч қопсиз? – Содирнинг бу гапидан кейин икки миршаб хавотирланиб ўринларидан туришди. Чунки Насриддин ўтиб кета бошлаганди.

– Яхши молнинг бозори тарқамайди, биродарлар!

Миршаблар ҳаяжонланиб йўл устига чиқишди.

– Нима олиб кетяпсиз?

– Асал, асал.

– Ҳой, тўхтанг, – деди Нодир миршаб ваҳима билан қаттиқ бақриб юбориб. – Ҳужжатингиз борми?

– Ия! Қанақа ҳужжат?

Саволдан Нодир миршаб каловланиб қолганди, Содир миршаб топқирлик қилди:

– Асал ўзингизникилиги ҳақидаги ҳужжат!

Насриддин эшагининг жиловини тортди. Бир оёғини эгар устига олиб ярим чордона қураркан, жилма-йиб миршабларга ўгирилди. Шу қиёфасининг ўзи каттакон савол эди.

– Биз сизни ўғри демоқчимасмиз-у, аммо-лекин миршаббоши ҳамма молни текшириб ўтказгин, деб буйруқ берган. Шунинг учун ё ҳужжат, ё гувоҳ топиб келинг, – деди Нодир миршаб.

Насриддин хахолаб кулди:

– Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг машоғини олиб ўтирасизлар, деб эшитгандим. Қаранг, нотўғри экан! Гувоҳ ёки ҳужжат текшириб ўтираркансизлар-да!

Миршаблар Насриддиннинг киноясини тушунмасликка олдилар.

– Биз бировдан бекорга ҳеч нарса олмаймиз. Бировнинг ҳақиға хиёнат қилган одам шарият олдида жавоб беради. Аввал унғ қўли, сунгра сўл қўли кесилади. Сизни ҳурмат қиламиз. Шунинг учун ҳар хил маънога бурадиган гапларни гапираверманг.

– Ҳа, сизни ҳурмат қиламиз, – деб илиб кетди Содирнинг гапини Нодир. – Шунинг учун қишлоқ оқсоқолидан бориб битта ҳужжат олиб келасиз!

– Ҳурматларинг учун раҳмат. Лекин худди шу ҳурмат ҳақи, ҳозир йўлдан қўйманглар! Мабодо миршаббоши текшириб қолса, бор эди, йўқотиб қўйибман, дейман.

– Йўқ, бизни ёлғонга шерик қилманг!

Миршабларнинг қатъий жавоби шу бўлди.

Уни деса – буни, буни деса – уни рўкач қилишди. Насриддин Афанди бир сир борлигини тушунди ва қайтиб ҳужжат олиб келишга жўнди. Лекин миршабларни бир синовдан ўтказмоқчи бўлди:

– Хумларимни шу ерда қолдираверайми ё олиб кетайми?

– Ия, ҳа нима қиласиз эшак жониворни қийнаб? Ташлаб кетаверинг! – деди дарров Нодир миршаб, асалнинг олиб кетилиши мумкинлигидан хавфсираб.

– Туради шу ерда. Мен умуман асални хуш кўрмайман! – жўр бўлди Содир миршаб, сўнг шеригидан сўради. – Сен-чи?

– Бе-е! – деди Нодир миршаб. – Мен асални жиндек ҳидлаб қўйсам, шу йўтал тутади, шу йўтал тутади! Ҳеч ўзимни тўхтата олмайман! Ташлаб кетаверинг! Қандоқ қўйиб кетсангиз, шундоқ туради.

– Мана, супанинг ёнбошига қўйинг. Салқинда тура туради, – деди Содир миршаб.

– Қани, ёрдамлашиб юборинглар, бўлмаса! – илтимос қилди Насриддин эшакдан тушиб.

Бировнинг ишига саратонда қўл урмайдиган миршаблар бу илтимосга югургилаб келишди. Тиззадан сал баландроқ келадиган хумларни уч кишилашиб супанинг ёнбошига олиб қўйишди.

Насриддин худди ҳеч нарса бўлмагандек, хиргойи қилганча Лайлакка қайтди. У узоқлашиб, нуқтадан сал каттароқ ҳолда кўрингунга қадар: «Сабр қил, сал нарироқ кетсин, ўгирилиб кўриб қолади», деган гаплар билан миршаблар бирини бири босиб туришди. Кейин бирданига шошиб ишга киришишди. Бояги, сардоба орқасига яшириб қўйган хум ва кашкулни келтириб, Афанди-

нинг хумларини уларга ағдариб, асал яхшилаб оқиб тушгунча ушлаб туришди. Шундай қилиб, ўзлари олиб келган идишларини тўлдиришди-да, уларни яна чакалакзор ичига яширишди.

Афанди хумларининг ҳар биттасига эса ҳалиги Гуппидан олган оқ халталарни қоқиб бушатишди. Сунг дарров-дарров оғзини боғлаб, жой-жойига, супанинг ёнига қўйиб қўйишди.

НАСРИДДИННИНГ ҚУРОЛИ

Насриддин Афандининг миршабларга тирғалганда Абдукаримга ўхшаб куйиб-ёнмагани тушунарли бўлса керак. Насриддиннинг тирикчилик ташвишлари бу асалга, ундан келадиган даромадга боғлиқ эмасди. У деҳқондан бойроқ эди. Боғида меҳнат қилиш учунгина куймаланарди. Меҳнати маҳсулидан ўчоқ-қозони озод эди. Рўзғор ташвишидан эркинлиги, Гуппига ўхшаб бойлик орттириш истагига қул эмаслиги дунёдаги қул можароларга томоша сифатида қарашга имкон берарди. У ҳатто Лайлакка ғимирлаб бориб келишдан ҳам завқ оларди. Балойи азим – бойликка қуллик қул одамларнинг инсон сифатида рушнолик кўрмай ўтиб кетишига сабаб бўлишини биларди.

Насриддинга ўхшаб ана шу икки кишанидан озод бошқа кишилар ҳам бор эди. Бироқ Насриддин Афанди улардан фарқли ўлароқ фақат томошабин бўлиб турмасди. У томошаларга аралашарди. Керак бўлганда воқеаларни ўз истаги бўйича ҳақиқат томонга, камбағал, бева-бечоралар фойдасига баҳоли қудрат бурарди. Қуроли – сўзамоллиги эди.

Ҳозиржавоблик, аския, сўзга усталик каби ҳислатларни баъзилар сирли ва ноёб, баъзилар эса бачкана ва бир тийинга арзимас нарса деб баҳо-

лаб келганлар. Улар минг йиллардан буён одамлар кўзига сирли, кўпчилик учун мутлақо тушунарсиз нарса бўлиб қолади. Модомики, тушунарсиз, сирли экан, кўпчилик томонидан у менсимай ҳам келинади. Дарҳақиқат, ҳозиржавоб қизиқчи, оддий гапда ҳам кўлдир оладиган одамнинг сеҳрини, меҳригиёсини фақат уни эшитгангина, кўргангина билади. Билмаган, кўрмаганга у жуда жўн, оддий, ҳамма ҳам эплайдиган иш бўлиб туюлади. Натижада қизиқчи ва сўзамол деб донг чиқарган киши билан бел боғлашгиси келаверади.

Айтайлик, полвон деб донг таратган одамнинг полвонлиги гавдасида, муштида яққол кўзга ташланади. Куч синашмоқни ният қилган полвоннинг елкаси ва гардани, муштларига бир қарайди-ю, ўзининг келбатини солиштиради. Чоғи келмаса, дарров писиб, шаштидан қайтади. Аммо сўзамолликни қандай солиштирасан? Зукколикда мақталган одамнинг хусусиятлари полвоннинг муштларига ухшаб яхлит-яхлит кўз олдинга келмаса?!

Ана шунинг учун ҳам аскиябозлар ўртасида «жанг»лар тез-тез қайтарилиб туради. Бундай «жанг»ларга бутунлай ноқобил одам ҳам тушиши мумкин. Унинг ноқобиллиги на бошқаларга, на, айниқса, ўзига кўринмаслиги ҳам мумкин.

Насриддин Афандининг машҳур бўлиб кетишига ана шу зукколик жангларининг ўзига хослиги, зукколик «муштлари»нинг кўзга кўринмаслиги ҳам сабаб бўлган. Не-не машҳур муллалар, бойлар, беклар, ҳаттоки подшоҳлар ҳам Насриддин билан куч синашганлар.

Кўриниши оддий, қўй кўз, соқоли тўқ жигарранг, ўртадан хийла баланд, қотма бу йигитга зукколик шоҳсупасини ҳеч-ҳеч бергилари келмаган.

Қанчалик уқимишли, бой, қанчалик салтанатли бўлмасинлар, улар юқорида айтганимиз – икки балойи азимдан бирининг қули бўлганлар. Қулнинг эса ақли ҳам кишанда туради. Бойликка ҳирс қўйишдан, рўзғор ташвишидан озод Насриддин Афандиникидек эркин фикр ва хаёл билан баҳслашишга йўл бўлсин?! Натижада, ўша гўддайдганлар чилпарчин аҳволда мағлуб бўладилар. Мағлуб бўлган сари ғазаблари ортиб борарди.

Мағлубнинг шуҳрати эса у енгилган заҳоти ғолибга кўчади. Ана шундай қилиб, Насриддиннинг шуҳрати мамлакатга тарқалиб, ҳатто ундан ҳам ҳатлаб кетганди. Муҳсин гуппи ана шундай тушунмаган галварсларнинг энг кичикларидан бири эди.

Насриддин Афанди жонини сақлаш учун ўзини-ўзи буюк салтанатнинг энг чекка жойига, яъни Аайлакка сургун қилгач, бир нарсани сездди. Уни ҳамма жойда билишаркан, севишаркан. Туғри, ҳайиқадиғанлар, ҳасад қиладиганлар ҳам бор, аммо эт-суяк бўлишга тайёрлар жуда кўп экан. Ҳамма жойда ўзини мусофир билмасдан яшаши мумкин экан. Буларни ўйлаганда Насриддин қалбида буюк мағрурлик сезарди. Унинг мағрурлиги нописандликдан йироқ, бутун ер юзи ватани эканлигини туйиш эди, холос.

КУТИАМАГАН...

Нодир миршаб билан Содир миршаб асални гумдон қилиб, пинакка кетишни мулжаллашмоқда эди. Чунки эшаги минг йўртмасин, Насриддиннинг қайтиб келишига камида бир-бир ярим соат вақт керак.

Гуппининг «беш тилла», «назарга тушасанлар, шуҳратинг ошади», деган гаплари таъсирида ав-

вал миршабларнинг руҳлари кутарилди, кетмакет қўшиқ айтиб, бир оз аскиябозлик ҳам қилдилар. Кейин эса аллақайдандир урмалаб келган хижиллик юракларига аста кириб, икковлари ҳам хомушланиб қолишди.

Илгари оладиган ярим қоп дон, мева-чеванинг сархили ёки битта-яримта қуйлари деҳқону саҳройи чўпонга ўғри чумчуқнинг чуқиб қочишидек бир гап эканини яхши билишарди. Бутунги қилган ишлари эса бошқача эди. Авваламбор бутунлай ўлжасиз қолишдан хавфсираб Абдукаримни ранжитдилар. Ҳай, Абдукарим – бир қишлоқи деҳқон. Арз-додини кимга айтади-ю, ким унга қулоқ тутати? Аекин Насриддин Афанди масаласи, ҳозир уйлаб куришса, чатоқроқ. Насриддин Афанди арз-додини ҳеч кимга етказолмайдиган деҳқон ёки чўпон эмас. Уни оддий фуқародан тортиб беку амалдоргача – ҳамма билади.

Хижилликнинг илдизи шунда эди. Бу хижиллик икки миршабни ўтга солган бўлса-да, Нодир билан Содир мард кишилар эди. Сўз бердиларми, бас, уша ишни дундиришлари керак.

Яна бир томони, Муҳсин гуппининг бойлиги, қозикалон билан таниш-билишлиги, унадиган беш тилла уларга тасалли берарди. Боз устига найрангнинг силлиқ чиқишига, Насриддиннинг ҳеч нарса сезмай қолишига ишонч уларнинг батамом таҳликага берилиб «оҳ-воҳ» қилишларига йўл бермасди.

«Бўлар иш бўлди – бўёғи синди», деган фикр икковининг миясига деярли бир пайтда урилди. Шунинг учун Содир миршаб «бирпас пинакка кетиб, қулоқ босди қиламан», деганда Нодир миршаб, «мен ҳам» деди. Уйқу лашкарини турли ёқимсиз хаёлларга қарши ҳужумга қўйиб, миршаблар супага чўзилганча қўзларини юмишди. Мудроқ

энди ёмон хаёлларни қувиб, танлари оромга фарқ бўлганида кимдир қаттиқ овозда: «Ассалому алайкум!» деди. Миршаблар «А?» «Ким?!» «Қани?!» деганча чўчиб, ирғиб туришди.

Салом берган Абдукарим эди.

– Ердан чиқдингизми, осмондан тушдингизми? – деди сал ўзига келган Содир миршаб.

– Ҳа, нега келдингиз? Дарров сотиб келдингизми? – Нодир миршаб ҳам бу саволларни чучиганини хаспўшлаш учун берди.

– Бозорга бормадим! – деди Абдукарим тажанглик билан. – Ўттизта ҳандалакка овораи сарсон бўлиб юраманми?

– Хуш, бу ёққа нега келдингиз? – Содир миршаб айбларини дўқ билан йўқотмоқчи эди.

Абдукарим ҳам тулиб турган экан, бирдан бақира кетди:

– Ҳандалакни олдиларинг! Энди уйга бостириб кириб талашга ўтдиларингми? Қани хум билан кашкулим? Яна ичидаги тариқни шундай ҳовлига ағдариб кетибсизлар!

Бу гапларни миршаблар ростдан ҳам кутишмаганди. Чунки Муҳсин гуппи келишув бўйича улардан кейин Абдукаримникига кириб, идишларининг пулини ташлаб ўтиши лозим эди.

– Муҳсинбой ҳақини бермадими? Ташлаб ўтаман девди-ку! – дейишди бирин-кетин.

– Қайси Муҳсинбой? Қанақа ҳақ бериш керак эди? – ҳайрон бўлганча оғзини очиб қолди Абдукарим.

– Муҳсин-чи. Муҳсинбой-чи, – дейишди миршаблар Гуппининг қиёфасини қўл ҳаракатлари билан ифодалаб.

– Э, у Гуппидан бир чақа ҳам чиқмайди, – деди бу гал Абдукарим беҳафсала қўл силтаб. – Беринглар идишларимни!

Содир билан Нодир танг аҳволда бир-бирларига қараб олишди. Дарҳақиқат, айти пайтда бир томондан Насриддин Афанди келиб қолиши ҳам мумкин. Иккинчи томонда эса роса қайралган Абдукарим турибди.

Уларнинг Гуппидан тоза жаҳллари чиқди.

Аслида Муҳсин гуппи ўз назарида бир ўқ билан икки қуённи отмоқчи, яъни миршаблар қули билан ўзига тобе бўлишни истамаган Абдукаримни яна бир эзмоқчи эди.

Нима қилганда ҳам миршаблар томонидан Абдукаримга нисбатан ҳозир яхши муомала даркор эди.

– Менга қаранг, – деди Содир ишшайиб. – Гуппи деб кимни айтдингиз?

– Кимни булардим. Муҳсинбойни-да!

– Ростдан Гуппи экан! Тунка экан! Эшшак экан! – деди Нодир миршаб жиғибийрони чиқиб. – Курсам бир боппайин падар лаънатини!

– Менга қаранг, – деди Содир миршаб мулойимгина ёлгон сўзлаб. – Сиздан кейин бой иккита малайи билан келди. Бизга Абдукаримдан иккита идиш олиб келинглар, шу сардобадан сув олиб уйга юбораман, деди. Биз хизмат ҳақимизни олиб сиздан идиш келтирдик. Ўзи эса идишларингизнинг ақчасини ташлаб ўтмоқчи эди. Балки хотирасидан кутарилгандир. Балки қайтишда берар?

– Ҳеч қанақа хотира-потирасидан кутарилмаган! Гуппи билан орамиз чатоқ. – Абдукарим жуда эзилиб гапирарди. – Ўзларингдан кейин мени индамай қувиб ўтди. Хаҳ, ўшанда билганимда-я! Хуллас, ёки идишларимни ёки ҳақини беринглар! Гуппи бермайди, тонади.

– Беради, тонмайди! – деди куюниб Содир миршаб. – Бугун бермаса эрта берар, эрта бермаса индин берар. Шундай қиламан, деб ўз тили би-

лан айтувди-ку, кофирмасдир сүзидан қайтадиган?!

– Боринг энди, кетинг бу ердан! – деди Нодир миршаб шеригининг гапи тугаши билан.

– Сен жим тур! Мен ўзим гаплашаман! – Содир шундай деб Нодирни жеркиди-да, мулойим қиёфада Абдукаримга ўгирилди. – Жон биродар! Агар пулим бўлганда, ҳозир берворардим. Лекин ёнимда бир мириям йўқ, ёлғон айтсам, тил тортмай улай! – деди.

Қупол гап эшитганидан ҳайрон бўлиб оғзини очиб турган Нодир миршаб шеригига аччиғланиб сўз қотди:

– Ҳой, нас! Сен нега бу қўсқига ялинасан! Шарт оёқ-қўлини боғлаб ташлайлик! Икки соат бужмайиб ётсин, кейин билади миршабларга дўқ қилишни!

– Сен жим тур! Келиб қолди! – деб бақирди Содир миршаб ва секин Лайлак томон ишора қилди.

Сал ҳушёрроқ бўлган Содир миршаб Лайлак томондан яқинлашаётган қора нуқтани алақачон сезганди.

– Кеп қолди, деганингиз нимаси? – сўради Абдукарим ҳайрон бўлиб.

– Сизгамас, укажон, менга! – деди Нодир миршаб бирдан пис этган пуфакдек бўшашиб. – Мени кечиринг, қизишиб кетдим. Боринг, укажон, идишларингизнинг бадалини биз олиб берамиз! Олиб бермасак, боламизнинг юзини кўрмайлик!

Миршаблар чорасизликдан Абдукаримни икки қўлтиғидан олишди. Ялиниб-ёлвориб секингина судраб сардобадан четга торта бошладилар.

– Бу қанақа бедодлик! Мен қозига арз қиламан! – дея чийиллади Абдукарим.

– Арз қилинг! Биз ўзимиз сиз тарафдан гувоҳ бўламиз! – дерди Нодир миршаб.

– Ҳақингизни олиб бермасак, бола-чақамизнинг юзини кўрмайлик! – дерди Содир миршаб бир гапни такрорлаб.

Шу аҳволда миршаблар Абдукаримни эшаги билан бирга етаклаб, элик қадамча нарига олиб бориб қўйишди.

– Икки миршаб гувоҳ бўлса ҳақингизни ҳеч ким еёлмайди! Фақат ҳозир кетинг! – Нодир миршаб бу гапни хайр-маъзур ўрнида айтди.

Абдукарим ҳайрон эди. Миршабларнинг ялинишлари, қасам ичишлари астойдил-ку! «Бир гап бор-ов бу ерда, – деб ўйлади у. – Содир миршабнинг кеп қолди, дегани нима экан, а?..»

Абдукарим ўйланганича нари кетди-да, миршабларнинг унга эмас, қайтанга тескари томонга олазарак бўлаётганидан фойдаланиб, эшагини чап тарафдаги чакалакзорга ҳайдади. Ўзи эса орқага қарай-қарай билинар-билинемас дўнгликкача борди, чўнқайиб ўнг тарафга эмаклади. Гоҳ эмаклаб, гоҳ энгашганча яшириниб, то сардобанинг олдида ўсган чинорлар ўзи билан миршаблар ўртасида қолгунча юрди. Сўнг, уларни қора қилиб аста сардобага яқинлашди.

ЧИНОР КОВАГИ

Абдукарим мўлжаллаган дарахтларнинг энг чеккадагиси бўлиб, унинг танасида саккиз рақамга ўхшайдиган ғоваги бор эди. Фақат бу «8» бир ёққа сал қийшайтирилган ва тепасидан бир оз эзилганга ўхшарди. Ана шу икки бўлманинг ҳар бирига кирган одам тик туриб, яна оёқ-қўлини ёзиши ҳам мумкин эди. Биридан бирига ўтиш мумкин бўлган бу бўлмаларнинг ташқарига қараган тешиклари ҳам бор эди. Пастдагисининг те-

шиги сардобага тескари, каттароқ ва шундайгина оғзида ўсадиган бута билан тўсилганди.

Юқоридаги тешик эса ҳандалакдек келар ва бир оз қийшайиб, сардоба тарафга қараганди.

Шуни айтиш керакки, чинорда ғовак борлигини кўпчилик билмасди. Бундан уч йиллар муқаддам қайдандир келиб қолган ҳиндисифат гадой бу ғовакни маскан қилганди. Кейин у гадой қандай келган бўлса, шундай изсиз-нишонсиз йуқолганди.

Абдукарим юз эҳтиётини қилиб чинорга яқинлашди-да, пастдаги ғовакка, ундан эса тирмашиб, сиқилиб, юқоридагисига ўтиб олди. Шунда ўттизқирқ қадамларча наридаги миршаблар унга бемалол кўринадиган, гаплари эшитиладиган бўлди.

Нодир билан Содир Абдукаримни, айниқса, Муҳсин гуппини сука-сука эғни-бошларини қоқиб, салла-печларини тузатардилар. Насриддин Афанди хиргойи қилганча уларга яқинлашар эди.

– Асалидан мосуво бўлганидан беҳабар мулланинг ашула айтишини қара! – деди Нодир миршаб, икки оғайни кулишди. Одатда, бу тоифадаги одамлар кайфи чоғликни дарров тиклашга, хушчақчақликка мойил бўлишади.

– Ҳой, маҳкам бўлгин-а! – деди Нодир миршаб раҳбарликни қўлига олиб. – Туя кўрдингми?

– Йуқ, – деди Содир миршаб.

– Ўрага сичқон тушди.

– Гулдир-гуп!

Иккови яна қиқирлаб кулишди. Кейин супада ёнма-ён ўтиришиб, мўмин-қобил қиёфага киришди.

*Тошқин дарё, зўрман дебон кеккайма,
ҳо кеккайма!*

Саратонда томчи сув ҳам бўлади орзу...

Насриддин Афанди эшакдан тушгандагина хиргойисини тухтатди-да, беғубор киноя билан гап қотди:

– Яхши утирибсизларми, салтанат устунлари?

– Салтанат устунлари яхши утирибди, – деди Содир миршаб Афандининг киноясидан афтини сал буриштириб. – Узингиз омон-эсон бориб келдингизми?

– Шукур, бориб хужжатни олиб келдим. Мана!

Насриддин қўйнидан кичкина қоғоз парчасини олиб узатди. Қоғозни олган Нодир миршаб, у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрди, сўнг Содир миршабга узатди. Содир миршаб ҳам қоғознинг у ёқ-бу ёғини қараб, Насриддинга қайтарди:

– Муҳри жойида, имзоси бор, яхши! Ана, асалингиз турган ерида турибди. – Сўнг Нодир миршабга юзланиб, ўрнидан кўзгалди. – Ортишворайлик-а? Афандим анча овора бўлдилар, – деди.

– Албатта, – деди Нодир миршаб ҳам дик этиб ўрнидан туриб.

Шундан кейин икки ошна: «Сиз қўяверинг, Афандим, хуржунингизга узимиз солиб берамиз!» деган гапни бири олиб, бири қўйиб, хумларни хуржунларга солишди. Айёрлик билан шундай кутаришдики, кўрган одам хумлар ҳали ҳам тула ва оғир деб уйларди.

Насриддин Афанди: «Яшанглар! Раҳмат сизларга!» деганча жилмайиб кузатиб турди.

– Ана! – деди Содир миршаб қўлини қўлига уриб чангини қоққандек.

– Ана! – деди Нодир миршаб худди ўшандек кафтини кафтига уриб. – Эшакка мининг-да, жунайверинг!

– Шундайми? Жунайверайми? – Насриддин Афанди шундай деб хум солинган хуржуннинг бир томонини кутариб кўрди.

– Ия! – деди у ҳайрон жилмайганча. – Ҳа, бу енгил бўлиб қолибди-ку!

– Нега енгил бўлиб қоларкан? – деди Нодир миршаб ясама ҳайронлик билан.

– Қизиқмисиз, узидан узи енгил бўлиб қолаверарканми? – деди Содир миршаб ҳам ундан қолишмай.

Сунгра миршаблар уша хуржундаги хумни икковлашиб кутаришди.

– Зилдек оғир-ку, икковлон базур кутариб турибмиз, – дейишди улар хумни қўймай.

Насриддин завқланиб кулди.

– Э-э, қўйинглар, қўйинглар! Яна узилиб қолманглар! – деди.

– Ҳа, нега енгил бўлиб қопти дейсиз? – сурашди икки ошна ҳамон ҳайрон қиёфада.

Насриддин уларнинг гапига эътибор бермай нариги хумнинг боғлоғини шошилмай ечди-да, қопқоқ қилинган латтани кутарди. Хумнинг ичидан бир гала пашша ғувиллаб учиб чиқиб ҳар томон тарқаб кетди. Насриддин қўли билан елпина-елпина хумнинг ичига мўралади:

– Буш-ку!

Бу хитобдан кейин миршаблар хумли хуржунни қўйиб юборишди. Насриддин эшакнинг бериги томонига ўтди-да, иккинчи хумни ҳам очди. Яна бир гала пашша қутулганига шукур қилгандек ғувиллаб, ташқарига отилди. Уч-тўрттаси хумнинг четига, Насриддиннинг эғнига ҳам ўтирди. У яна елпина-елпина, хумнинг ичига мўралади. Шу қўйи икки киприк қоққунчалик турди-да, завқ билан қийқириққа ўхшатиб кулиб, миршабларга ўтирилди ва шундай деди:

– Насиб этса келар Шому Ироқдин,
Этмаса гар, кетар қошу қабоқдин!

Хафа бўлиш урнига Насриддиннинг кулгани, шеър айтгани миршабларни жуда қўрқитиб юборди.

– Нега бизга қарайсиз? Ҳа, нега бизга қарайсиз? – дейишди ранглари учганча.

– Асал осмонга учиб кетибди-да?!

– Биз қаердан билайлик! Қўлимизни учиниям теккизмадик! – деди Нодир миршаб.

– Кўз қирини ҳам ташламадик! Э, Худо, қуруқ туҳматга қолмасам яхшийди! – деди Содир миршаб надомат билан.

Насриддин энди аччиқроқ жилмайиб, гоҳ уни-сига, гоҳ бунисига қаради:

– Қўлларингдан бу иш келмайди! – деди у ўйчан қиёфада.

– Ие, нега одамга бундай қарайсиз? – деди Нодир миршаб.

– Ўзи бормиди асалингиз? Ёки бизни мазах қилмоқчи бўлдингизми? – сўради Содир миршаб даяллашиб.

Насриддин жавоб бермади. Кинояли, синчков жилмайганча салласини сал суриб, бош қашиганча супага бориб ўтирди. Бир нуқтага тикилганча зўр бериб нималарнидир хотирлай бошлади. Миршаблар диққат қилганларида унинг асалга ачинмаётганини, бошқа нарсани ўйлаётганини сездилар. У: «Қўлларингдан бу иш келмайди!» деган гапдан бениҳоя шодланганликларидан ўзларини йўқотиб қўйишди. Бир-бирига им қоқишиб, ҳамдард Насриддиннинг ёнига чуқишди.

– Тавба, сизларнинг қўлларингдан бунақа иш келмайди, – деди Насриддин такрорлаб. – Асал қаёққа кетдийкин?

– Тавба, – деди Нодир миршаб ҳам қўлини пахса қилганча. – Ҳа, бу оғзи боғлиқ бўлса! Қўл теккизилмаган бўлса! Қаёққа кетади асал, а?

Содир миршаб бирдан пешонасига уриб бақирди:

– Топдим! Асални ким гумдон қилганини топдим!

Насриддин индамай қараб тураверди. Нодир миршаб: «Ким? Ким?» деб сўради.

– Ҳалиги боғлоғини ечганда ичидан ғувиллаб учиб чиққан пашшалар! Ушалар еган асални!

– Йўғ-е! – Насриддиннинг юзига табассум до-риди.

– Тўғри! – деди Нодир миршаб. – Ақлингга балли!

– Бе-е, қўйсанглар-чи! – деди Насриддин содалик билан. – Шу уч-тўртта пашша икки хум асални ея оларканми?

– Йўқ, Насриддин ака! – деди Нодир дўстининг бу фикрига ёпишиб олиб. – Пашшалар уч-тўртта-мас, қирқ битта эди.

– Ҳо, ҳо, ҳо! Қирқ битталигини қаёқдан била қолдингиз?

Нодир миршаб каловланди:

– Мен, а... мен... ўзи ёшликдан зеҳним ўткир!

– Ҳа, – Содир шеригига ёрдамга ошиқди. – Бунинг ота-бобоси чўпон ўтган. Отардаги қўйни санайвериб ўрганиб кетган-да!

– Тўғри, – деди Нодир. – Олдимдан қанча пашша ўтганини ҳам шундоқ қараб айтиб беравераман.

– Ў! Зўр экансиз!

– Насриддин салласини боягидан бошқа томонга суриб, бош қашиб, уйга чўмди.

«Зўр экансиз, зўр экансиз»ни ғўлдираб такрорлаб ўтирди. Бу орада миршаблар севиниб имо-ишоралар қилишарди.

Насриддин туйқусдан тиззасига «шап» этиб уриб «хўп!» деди. Миршаблар сапчиб тушишди.

– Демак, асалимни пашша еган, шундайми?

– Шундай, шундай! – деди Содир миршаб.

– Қирқ битта пашша! – таъкидлади Нодир миршаб.

– Хўп! – деди яна Насриддин Афанди. – Мен ишондим. Энди-чи, салтанатнинг суянган тоғлари, менга ўша қирқ битта пашшадан қасос олишга ёрдам берасизлар! Ярайдими?

– Ярайди! Яраганда қандок, – деди Содир миршаб.

– Қирқ битта тугул мингта бўлмайдими? – Нодир миршаб шап этиб супага қўнган пашшани урди. – Мана, биттасини тинчитдим... Уҳ! Ҳа, падарингга лаънат қочиб кетди!

– Йў-ўқ, – Насриддин бош чайқади. – Менга бунақаси кетмайди.

Миршаблар, хўп нима қилайлик, дегандек ҳайрон қарашди.

– Ҳозир қозининг олдига борамиз, хўп денглар, мен асалимни еб кетган пашшаларни жазолашга ваколатнома сурайман, хўп денглар! Сизлар гувоҳ бўласизлар.

Бу гапни эшитган миршаблар хаҳолашдан ўзларини тўхтатолмай қолдилар. Бир-бирларининг кулишига, айниқса, Насриддиннинг соддалик билан жилмайиб туришига кўзлари тушган сайин кулгилари авжланиб, ўзларини тўхтатолмай қолдилар. Бора-бора нафаслари ичларига тушиб кетди. Букчайганча чийиллаб Насриддинга бармоқ нуққанча, «пашш... пашша... ўлдириш... ваколат», деб гапирмоқчи бўлардилар-у, кулгининг зўридан сўзломасдилар. Жилмайганча қараб турган Насриддин Афанди ҳам уларга қўшилиб кетиб аввал хаҳолади, сўнг у ҳам букчайганча овоз чиқармай, миршабларга бармоқ нуққанча «пашша, ваколат» деб, қолганини гапиролмай куларди.

Ниҳоят, учови укириб-букириб базур узларини тухтатиб қолишди.

– Оббо, Насриддин Афандим-эй! Ҳа, пашша ўлдиришга ҳам ваколатми? – дейишарди миршаблар, куз ёшларини арта-арта. – Мана, атрофингизда учиб юрибди. Ўлдираверинг! Кучимиз етганча биз ҳам ёрдамлашамиз, қиладиган ишимиз йуқ.

Шундай деб миршаблар супани айланганча пашша ўлдиришга тушиб кетишди.

– Ҳой, бунақаси кетмайди дедим-ку! – дея тухтатди уларни Насриддин.

– Ҳа, нима қил дейсиз?

– Қозига борамиз! Гувоҳ буласизлар, тамом-васалом!

– Бе-е, қўйсангиз-чи! – деди Содир миршаб.

– Мен сизни ҳазиллашяпсиз деб ўйлабман, – деди Нодир миршаб.

– Ҳазиллашаётганим йуқ! – Насриддин гўё дўстларига ҳасрат қилаётган одамдек, миршабларни ёнига ўтиришга даъват қилиб, аста гап бошлади. – Мен-ку пашша важига ишондим. Аммо... Бундан етмиш-саксон йиллар илгари эликбоши Болтавой тулак деган, салтанатнинг ҳамма душманлари зириллайдиган бир одам ўтган.

– Ҳуш, нима қипти? – сўради Нодир миршаб энсаси қотиб.

– Болтабой эликбоши шаҳаншоҳимизнинг болари – Отсиз ҳазратлари даврида ясовулбоши бўлган, ҳозирги қутлуғ шоҳимиз – Муҳаммад ҳазратларининг ҳам кўп ҳурматларига лойиқ эди.

– Ҳа, нима бупти? – яна сўради Нодир миршаб.

– Мен шу Болтавой эликбошининг набирасига уйланганман. Агар хотинимга борибми, мир-

шабларнинг тумшуғи остида турган асални пашшалар еб кетибди деб, қуруқ гапни айтсам, ула қолса ишонмайди. Қози-пози, бек-мек қилиб утирмай, туппа-туғри Урганчга хабар қилади. Кумушкентда ҳақиқат йуқ, аллақандай пулдорлар миршабларни ишга солиб, одамларни талайпти, дейди. Ана ундан кейин кўрасиз томошани!

Нодир миршаб бушашиб кетди. Насриддин насихат оҳангида давом этди:

– Шунинг учун гап чувалмасин-да, бориб ваколатни олайлик. Мен ҳам уни хотинга кўрсатиб тинчийман, сизлар ҳам ғалвага қолмайсизлар. Ярайдими?

Миршаблар кўзлари ола-кула бўлиб, дарров қозига боришга кўнишди. Содир миршаб шеригига астагина ғунғиллаб кўйди: «Айтувдим-а, Насриддин Афандига тегмаган одам фойда қилади, деб!»

Насриддин эшагига минди, миршаблар отига. Улжалар қолаётгани учун бир-икки орқаларига қараб кўйдилар-у, ноилож Насриддиннинг кетидан йулга тушдилар.

Улар олислаб кетгач Абдукарим ковақдан чиқди. Супага келиб утирди-да, ерга қараганча уйга толди. Ҳар замонда: «Оббо, ярамаслар-ей!» деб кўярди. Кейин бир қарорга келгандек ўрнидан турди. «Нима булса будди!» деб рўзғор ташвишларига кўл силтади. Эшагига ўтириб, Насриддин Афанди ва миршабларни қора қилганча шаҳарга йул олди.

ҚОЗИКАЛОНГА БҲҲЧА

Ҳам тижорат, ҳам саёҳат ибораси Муҳсин гуппининг бугунги шаҳарга тушишига туғри келмасди. Уники бугун фақат томоша-ю қози калоннинг суҳбатини олиш эди. Муҳсин гуппи шаҳарнинг

катта қозиси билан танишлигини жуда қадрлар, шароит мақтанишни тақозо этган жойда: «Кеча қозикалонникида зиёфатда бўлиб эдим...», «Эрта қозикалондан маслаҳат олай-чи...» сингари жумлаларни икки гапнинг бирида такрорлаб турарди. Қозикалон ҳам энг камида бир бухча кутариб келадиган бу қишлоқи бойни ҳеч қачон кукрагидан итармасди.

Қозихона бозор чеккасидаги қатор олти тимнинг учинчисига тиркашиб тушган бир қаватли иморатни эгаллаганди.

Олти тимдан кейин дон бозори, у нон бозорнинг чорагидан сал ортиқроқ қисмини эгаллар ва бу чорак қисмнинг ўзи ҳам майдоннинг бурчагида эди. Ўрта эса косиб, ҳунарманд, тикувчи ва ҳар хил майда-чуйда сотувчи ёймачиларники эди. Қовун-тарвузнинг сал чеккароқдалигини айтмаса мева-чева ҳам шу яланғоч майдонга ухшовчи ўрта бозорда сотиларди. Ўрта бозордан кейин яна бир – харсанг ётқизилган, эни эллик, бўйи юз қадамча келадиган, ёймачилардан холи томоша майдончаси буларди. Унда одамлар сайр қилар, дорбозлар, сайёҳ, машшоқ ва масхарабозлар шу ерда ҳунар курсатиб тирикчилик қилардилар. Томоша майдончасидан кейин, қиссамизнинг чапаниларга бағишланган бобида эслатилган пулдор ва узоқдан келган савдогарлар учун мулжалланган пешайвонли карвонсарой баланд қилиб қурилганди.

Бугунги бозор жуда қизғин ва қандайдир енгил, қувноқ эди. Паттачилар деҳқону косибга унчалик зуғум қилишмас, онда-сонда бир куринатган мисранг соқоли миршабнинг башарасида ҳам ялтоқланиш ифодаси бор эди. Боиси бугун бекнинг қадам ранжида қилиш эҳтимоли бор эди. Бундан фақат бозорбоши, паттачи, миршаб, кар-

вонсаройнинг эгаси-ю, унинг малайлари хабардор эдилар. Қозикалон ҳам, турган гап, шу хабардорлар тоифасига кирарди.

Муҳсин гуппи эса авом халқ қаторида бу гапдан беҳабарлардан бири эди. У вағир-вуғир ичра, қўлини орқасига қилиб битта-битта тасбеҳ ўгириб кетаркан, йўлида учраган деярли ҳар бир молнинг нархини суриштирар, бу кетишида ҳалибери қозихонага етиши гумондек кўринарди. Сирасини айтганда, Гуппи шошмасди ҳам. Бугун у Насриддин Афандини гўл қилгани учун ўзини бахтиёр сезарди. Айниқса, бир бурда нон учун ўлиб-тирилаётган бозордаги камбағал бечораларни, кўр, чулоқ, маймоқ ҳамда гудак-тиланчиларнинг узатилган қўлларини кўраркан, Худо ярлақанган банда эканлигига шукур қилиб ҳамдлар айтарди.

Гуппи бир жойда тўхтаб осмонга қаради-да, офтобнинг туришидан вақтни белгилади. Миршаблар билан учрашувни у қозихонага тайинлаган, бунга ҳали кам деганда икки соатча бор эди. Ўша ерда миршабларнинг бай қилинган тилласини бермоқчи, Насриддиннинг гўл бўлганига қозини ҳам гувоҳ қилмоқчи эди. Қози орқали гап шаҳарнинг казо-казолари доирасига ёйилишини, улардан «қани лайлаклик донишманд Муҳсин бой билан биз ҳам танишайлик», деган илтимослар чиқишини мўлжаллаган эди.

Қозикалон билан бўлажак учрашувни эсларкан, ўн-ўн бешта қатор ёйилган қандолатчига кўзи тушди. Сандиғи озодароқ, ранги заъфарон диккаккина қандолатчини узоқдан танлаб унга яқинлашди. Қандолатчи икки букилиб, даструмолидаги чақаларни санарди. Унинг ўзига ўхшаган жиккак, ўн ёшлардаги ўғли ликобчадаги озгина ҳолвани узатганча бийрон сайраб кетди:

– Келинг, амакижон, ҳолвадан бир еб кўринг! Мазасини бир кўринг!

Муҳсинбой озгина тотиниб, мазасини синагунча ҳам бола тинмади. Муҳсинбойга ҳолва ёқди. Ўхшовсиз овоз чиқариб, қўш белбоғларидан бирини – тоза дока рўмолни еча бошлади.

– Қанча тортай, амакижон? Мунақасини бошқа тополмайсиз. Асқартоғнинг кийик утлари, кунжутидан қилинган. Таъми оғзизда қолади, шифолиги ёнизда!

– Бас! – деди Муҳсин гуппи рўмолни тўрт бурчагидан ушлаб ҳалқа қиларкан.

– Қанча тортай, амакижон? Бунақасини Маккадан ҳам тополмайсиз. Шифоси ёнизда қолади!

– Бас қил-э, оляпман-ку, – жеркиди Гуппи. Сўнг бир чеккада уюлиб турган тўрт булак ҳолвага имлади. – Ана шуларни сол!

Қандолатфурушнинг бир қулоғи савдода бўлгани учун чақа ҳисоблашдан чалкашиб бошқатдан ҳисоб-китобга тушди.

– Пашмақдан сол! Ўн тўртта, – дея буюрди Муҳсин гуппи. Тузукроқ миждоз келганини англаб, қандолатфуруш саноқни йиғиштирди.

– Келинг, мулла ака! Новвотдан ҳам олинг. Қаҳраболигини қаранг!

– Солинг тўрт калласини!

– Хўп бўлади, мулла ака. Қай бирини дейсиз?

– Ўзингиз танланг, катта-катта тўкисидан! – қандолатфурушнинг «мулла ака»си Муҳсин гуппини тағин ҳам яйратиб юборган эди.

Ота-бола биргалашиб новвотни тугунга аста-аста қўйишди.

– Ушланг!

Гуппи тугунни болага берди. Сўнг шойи мурсагининг барини кутариб, қиммат ҳамёнини ушлаб қўйиб, арзон ҳамёнини олиб очди.

– Буладими? – сўради у қандолатфурушга икки тийинлик узатиб.

– Инсоф қилинг, мулла ака!

Гуппи кам берганини ўзи ҳам биларди, қандолатфурушнинг узатилган кафтига яна бир тийин ташлади.

– Куллуқ, мулла ака!

Гуппи бошқа тагин битта икки тийинлик олиб, болага берди:

– Мана бунга унта ширмойи олиб, қўшиб тугасиз-да, кейин мени қора қилиб қозихонага борасиз, тузукми?

Гуппи, «тузукми» деганини болага рухсат олиш учун қандолатфурушга қаратганди. Унинг розилиги билан яна болага юзланди.

– Агар мени йўқотиб қўйсангиз, қозихонага кириб ташлаб чиқаверинг, тузукми?

Бу сафарги «тузукми» сўроғи болага қаратилганди. Ундан ҳам розилик олгач, Гуппи қўлини орқага қилганча йўлга тушди.

Бир томонида ҳандалаг-у сабзи-пиёзу эртаги кўк олмагача, бир томонида эса косиб ҳунарманднинг моллари ёйилган қатордан кетаркан, диққатини сариқ кир халта устига терилган йигирматача пичоқ тортди. Бир-бир ярим қаричли хонаки пичоқлар ичида битта ханжар ажралиб турарди. Унинг оқ пулатдан қилинган узун тиғи, йўғон дастаси, сопига кийдирилган мис ҳалқачалари ярақлаб кўзни оларди.

Муҳсин гуппи чўнқайиб, ханжарни олди. Тиғини тирноққа уриб, сопини силаб узоқ қаради.

– Неча пул? – сўради Гуппи. Баланд буйли, чайир пичоқчи тош билан қўлидаги суякни йунаркан, Гуппининг афтига қарамаёқ жавоб берди.

– Чорак сўм.

– И-и! Бунча осмондан келасиз?

Пичоқчи индамай суяк йунишда давом этар, қорайиб кетган юзидан тажанглиги сезилиб турарди.

– Битта темирга ўлган ҳукиззи суягини тиқиб... Пул топиш ҳам осон буб кетибди-да!.. Тиғи ҳам утмасгина экан...

– Нимаси утмас?! – дея пичоқчи Муҳсин гуппига қараганда, ханжар унинг қулидан тушиб кетди. – Тиғни тушунасимизми ўзи? – Пичоқчи энгашиб ханжарни олди. Ёнида турган отининг думидан битта толасини шарт юлиб осмонга отдида, ханжарни бир силтаб толани иккига бўлди. Ханжар унинг қулида ўйнаб кетгандек эди. – Буни тиғ дейди! Ана уларни пичоқ дейди! Сизга ўшалар мос!

Муҳсин гуппининг кайфи чоғлигидан бунақа майда киноялар таъсир этмасди. У пичоқчини баттар қизитмоқчи бўлди-да, жилмайиб гап қотди:

– Мен ўн тийин берай, сиз ёнига битта кичкина пичоқ қўшинг! Кичигини болалар ўйнар, бунисида хотин-халаж сабзи туғрар.

– Ҳо-ҳо-о! Қаерда турасиз? – пичоқчининг бит кузлари янада кичрайди. – Айтинг, ҳаммасини бир халтага солиб ўйингизга обориб берай?!

Пичоқчининг вазоҳатидан Муҳсин гуппи илдам туриб индамай жунаб қолди.

– Ҳув, тақсир! – бақирди орқасидан пичоқчи. – Қайси қишлоқдансиз? Бунақа ақлли каллалар қаердан чиқишини билиб қўяйлик!

Гуппи қўл силкиб қадамини тезлатди. Бир оз нари кетиб, аста ҳиринглади-да: «Аччиғи тез экан, қисталоқ!» – деб қўйди.

Шу сонияда унинг олдидан бозорбоши ва мисранг соқоли миршаб ит қувган гадойдек ҳовлиқиб карвонсарой томон ўтиб қолишди. Муҳсин гуппи улар кетидан қараганда, карвонсаройнинг

баланд пешайвонидаги гивир-гивир ҳаракатга кўзи тушди. Ясанган туралар, қилич таққан навкарлар кўринди. Пешайвонга гиламлар, курпачалар тушаларди.

Атрофдан, «қадам ранжида», «бек келармиш», «халқни сурармиш», деган миш-мишлар эшитилди.

Муҳсин гуппи ҳовлиқиб, ўша томон юрганда ортидан боланинг овози эшитилди:

– Амакижон, мен келдим.

Муҳсин гуппи ўгирилди. Қандолатчи бола унинг нон қўшиб боғланган дока тугунини узатиб турарди.

– И-и! Бай қозихонагача эди-ю? – деди жилмайиб Гуппи. – Юр кетимдан.

– Бошқа ёққа кетяпсиз-ку! Олинг тугунингизни!

– И-и! Қисталоқ, бекни кўрмайсанми? Юр!

– Отамдан рухсат тегмаган. Уришадилар.

– Қайтимни бермайсанми? – муғамбирлик қилди Муҳсин бой.

– Вой, ановиларни! Хизмат ҳақим-чи? – Бола қўлидаги бир тийинликни орқасига яширди.

– Ҳа, қисталоқ! Бор бўлмаса, қозихонага ташлаб қўй! Лайлаклик Муҳсин бой бервордилар, ҳали замон ўзлари ҳам кирарканлар, дегин!

Бола, «хўп бўлади, амаки!» деганча ғойиб бўлди.

Бекнинг «қадам ранжидаси»ни эшитган беш-олтита бекорчи томоша майдонга тупланиб қолганди. Муҳсин гуппи тезроқ бориб жой олмаса томошадан маза қилмаслигини тушунди. Қозикалон ҳам шу ерга келиши аниқ. Шунинг учун қозихонага боришни кейинга суриб, майдончага шошилди. Пешайвон билан орасида йигирма-ўттиз қадамча жойни чамалаб, белидан яна битта чит белбоғни бушатиб, ерга тушади. «Бисмил-

ло» деб ўтириб олди-да, атрофдагиларга қариллаб корчалонлик қилди.

– Қани қаторимда чўқларинг! Олдинроқ ўтсанглар бари бир ясовулар суриб ташлайди.

Пешайвондаги тайёргарликка анқайиб турганлар бири илдам, бири иккиланиб, бири нарса тўшаб, бири тушамай унинг ён-верисига таппа-таппа ўтиришди.

ҚАДАМ РАНЖИДА

Орадан беш-олти сония ўтар-ўтмас, карвонсарой биқинидаги харсанг ётқизилган тор кучадан тақаланган туёқларнинг қуюқ чақ-чуқи, отларнинг кишнаши эшитилди. «Пуш-пуш» деганча семиз-семиз турт сарбоз, кетма-кет қуюндек бўлиб қирқ чоғлик хипча, новча навкар-ясовулар кириб келишди. Кучанинг тўғони очилган-у, ундан отлиқлар оқиб чиққанга ўхшарди.

Ясовулар илдам-илдам пиёдаланиб, отларни сайисларга топширишди-да, пешайвонни ўраб тизилишди. Муҳсин гуппи маррани тўғри танлаган экан. Қирқ ёшлардаги ясовулбоши унинг олди-дан ўтаркан, томошатабларни орқароққа суришни ҳам мўлжаллади-ю, ниятидан қайтди.

Бу пайтда мева-чева қаторидаги яккам-дуккам олди-сотдини ҳисобламаса бозор ҳувиллаб қолганди. Тижорат аҳли дўконларини очиқ қолдирганча карвонсарой чойхонасининг атрофига йиғилганди. Ҳатто заргар дўконлари ҳам эшигига чизимча боғлаганча ташлаб келинганди. Паттачи билан миршабгина ҳар эҳтимолга қарши, бозор ич-қарисига кирмай, бир чеккада кўз-қулоқ эдилар. У пайтларда сотувчиси бўлмаган расталарга биров кирмаслиги одат эди. Болаларга ҳам бемаҳал бозор ичидан ўтмагин, қўққис бировнинг нарса-

си йўқолиб қолса: «Бу ердан ким утувди – палончининг боласи утувди», деган гап чиқади, деб таълим беришарди.

Атрофдаги томлар, болохона, деворлар одамга тиқилиб кетди, баъзилар яккам-дуккам дарахтларгаям чиқиб олишди. Бекнинг қадди-қомати-ю, савлат-салтанатини куриш ҳар кимга ҳам насиб этавермасди.

Муҳсин гуппи саройдан олиб келишган кунгурадор суянчиқли курсининг шундоққина рупарасига – пешайвоннинг қоқ ўртасига қўйилганини куриб, севинганидан юраги ҳаприқиб кетди. Ахир, бекка шундоққина юзма-юз утиради. Айвонгача ўттиз, айвон чеккасидан курсигача яна ўн, борйўғи қирқ қадамдан бекни куриб туради! «Бугунги кунимдан ўргилиб кетай!» дерди Гуппи ичида.

Гуппининг ўзигина эмас, оломоннинг бари хурсанд эди. Ҳозирги замоннинг томошага тўйган одамлари буни ҳис этишлари қийин. Бироқ бек бераётган текин томоша – дор ўйин, кураш, яллагиларни, бекнинг ўзини кўриш, унинг ҳақиқат қилишига шахсан гувоҳ бўлиш у замон одамлари учун байрамнинг ўзгинаси эди.

Ҳадемай оломон гувиллаб, айвондагилар типирчилаб қолишди. Тор кучадан яна чақа-чуқ эшитилди-да, тифиз сафланган ясовуллар ва ясанган туралар қуршовида бек чиқиб келди. Ўттиз ёшлардаги, андак тўлиша бошлаган-у, бироқ қоматининг орасталиги бузилмаган, оқ юз, тўқ жигаранг соқоли, чағир кузли чиройли йигит эди у.

Бек отдан эпчил сакраб тушди. Зинапоялардан ҳам енгил қадамлар билан учиб чиқиб курсининг олдига келди-да, халққа таъзим қилди. Бу Муҳсин гуппидан бошқа ҳаммага хуш ёқди. Чунки Гуппи, бекнинг отдан вазминлик билан бировлар томонидан қўлтиқланган ҳолда тушишини,

пешайвонга ҳам битта-битта туралар қуршовида салобатли чиқишини истаб, кутиб турганди. «Бу обрӯ буларди! Ундан кейин халққа таъзими нимаси? Бир назар ташлаб, бош ирғаб қўйса бўлди-да!» Гуппи шундай ўйларди.

Таъби тирриқланган кўйи пешайвондаги казоказолар орасида қозикалонни кўргач, яна бирдан очилиб кетди. Ўзининг дўсти ўша ердалигидан мағрурланиб, кўряпсанларми, дегандек ён-верига қараб қўйди.

Таъзимдан кейин узоқ умр тиловчи дуолардан иборат бир гувиллаш кўтариб босилгач, бек фармонбардорга қисқагина нимадир деди. Пешайвондагиларнинг ҳаммаси жойига ўтирди.

Шундан сўнг одамлар яна бир мўъжизага гувоҳ бўлдилар. Бу тор кўчадан чиқиб келган жанговар фил эди. Бошдан-оёқ махсус совут кийдирилган, устига муҳораба учун мўлжалланган кўшк қўндирилган фил айқириб ўйин тушиб чиқиб келди. Оломон кўрқув ва ҳайратдан лол қолганди.

Бекнинг одамларни карахт қилишга мўлжалланган томошаси бошланганди. Тайёр турган жарчи филбонлар ёрдамида кўшкка чиқди-да, бозор майдони узра унинг кучли овози янгради:

– Э-эй-й! Одамлару одамлар! Тоғдан тушган, боғдан келган одамлар, шардан⁷ чиққан одамлар! Тоғдан бол обкелганлар, чўлдан мол обкелганлар, боғдан гул обкелганлар! Аллоҳнинг ердаги сояси шаҳаншоҳ Муҳаммад Хоразмшоҳнинг вилоятимиздаги беклари Арслонбек ибн Тўғрулбек ибн Дунанбек ҳазратлари бугун раиятдан ҳол сурашга қарор қилдилар. Кимда-ким бегуноҳ хўрланган, жабрланган, таъқибга олинган, қуруқ тухматга қолган

⁷ Шаҳардан демоқчи.

бўлса – бугун бутун мушкуллари кушод бўлмай!
Дунанбек жанобларига о-олқишла-ар!

«Олқиш! Олқиш! Олқиш! Иншоолло!» деб гувилади оломон. Жарчи давом этиб, бекнинг марҳамати ила, дарбозлар, яллачилар ҳунар курсатишини, полвонлар ўртага тушажагини эълон қилди. Биронта ҳам полвоннинг совринсиз қолмаслигини, бахти кулганлар бекнинг назарига тушиб, навкарликка олинисларини уқтирди.

Жарчи бу гапларнинг каштасини келтириб, орасига ҳамду санолар қўшиб узоқ гапирди. Бозор майдонининг салкам ярмини, атроф иморатларнинг тому болохоналарни, тимларнинг устини эгаллаган ўн беш мингдан зиёд одам, ўрта бўйли семиз жарчининг гавдасига хос бўлмаган баланд овозини бемалол эшитар ва ваъда қилинаётган текин томошаларни интиқ кутар эдилар. Шу асно, боя айтилгандек, мева-чева растасида сийрак савдо ҳам давом этарди. Ундан ташқари, оломон ўртасида туртиниб-суртиниб ақча ишлаётган иккита сувчигина ғимирлаб юрарди.

Оқариб кетган кўк яктакли бир сувчи «оби худойи», «оби худойи» деганча Муҳсин гушпининг орқасидан ўтиб қолди. Гушпи ўгирилиб ишора қилганди, «чашмаи Қопқанинг обизамзамидан» деганча, мешидан сопол пиёлага сув қуйиб берди. Муҳсин гушпи бекдан кўзини узмаган кўйи сувни сипқориб, пиёлани қайтарди. Мешкобчи тутам-тутам оқариб, олачипор бўлиб қолган соқолини қашиб, Гушпининг энсасига яшил кўзларини тикиб турди. Гушпидан садо чиқмади. Одамлар «ўт-ўт» дейиша бошлагач, мешкобчи Гушпига қарай-қарай ўзича сўкина-сўкина нари кетди. Агар Гушпи унинг кўзларини кўрганда, қўрққанидан анча чақа бериб юборган бўларди.

Нафсиламрини айтганда, Гуппининг айби йўқ эди. Чунки «оби худойи»нинг таомили – Худо йўлига одамларнинг ташналигини қондириш. Лекин битта чақа ташласа ёки ақалли, юзига фотиҳа тортиб, «раҳмат, Худодан қайтсин», деб қўйганда осакаси кетмасди. Яшил кўзлари қўрқинчли, олачипор соқоли таъмагир оби худойичига Гуппининг бу иши малол келди.

Томоша бошланди. Биз жарчи санаб ўтган томошаларни тасвираб ўтирмай, қиссанинг бошида, Шокир қизилнинг чойхонасида қолдирган иккита чапанимизга қайтамиз. Карвонсарой рўпарасида жойлашган бу пастак чойхона деразасидан майдондаги воқеаларни кафтдагидек бўлмасида, ҳар ҳолда бемалол кўриш мумкин эди. «Оч қоринга ноғора базм на даркор» деган нақл Тараша билан Абди оппоққа қараб айтилгандек эди. Бу одамларга ҳамённинг қуруқлиги қорин очлигидан баттароқ таъсир қиларди.

«Қадам ранжида» шу боис уларга ёқмади. Боз устига биронта мижознинг ахтариб қолишидан умидвор эдилар.

Аҳмад тараша деразага тирсакланганча майдонни лоқайд кузатар, томошага онда-сонда энсаси қотиб қараб қўяр эди. Абди оппоқ эса деворга бир кифтини суяганча кўзларини юмиб олганди.

Бу икки одам бир-бирларини яхши билишарди-ю, кўрганда кўнгил очиладиган дўст эмасдилар. Гаплашадиган гаплари ҳам йўқ эди. Шунинг учун эрталаб келганларича, бир-икки чойнак бўшатиб, индамай ўтирардилар.

Чойхонага олачипор соқоли мешкобчи кириб келди. Чойхоначи бола тўлдириб қўйган хумлардан мешига «обизамзам» соларкан, чапаниларга қараб-қараб қўйди. Нимагадир тараддудланаётганини, лекин ботинолмаётганини Абди оппоқ

ним юмуқ киприклари орасидан куриб турарди. Мешкобчи ғимирлаб Аҳмад тарашанинг олдига борди. Мешининг оғзини узоқ боғлади. Тараша эса деразага тикилгани учун мешкобчининг кирганидан беҳабар эди. Мешкобчи калта йўталгандан кейин Тараша унга ўгирилди. Мешкобчини куриб, гап борлигини фаҳмлади. Шошилмай ва индамай беш-олтита майиз, бир бўлак нон қолган лаганни мешкобчига сурди... Сопол чойнакдан сопол пиёлага чой қуйиб узатди-да, унга кўз тикди.

Мешкобчи чойни ичмасдан пастга қўйди-да, нонни олиб бир тишлам тишлади. Чойхона кимсасиз бўлса ҳам буйни оғриётгандек афтини бужмайтириб атрофга аста аланглади. Сўнг миифиллади:

– Юз тилло.

Тараша мешкобчи рад қилган чойни ҳўплади. Бу катта пул эди. Лекин Тарашанинг ташида ўзгарिश сезилмади. Мешкобчига қараб утираверди.

– Бештаси менга, – деди сувчи ўша-ўша товушда. – Гапир! – деди Аҳмад тараша дўқ аралаш паст овозда.

– Қосим қароқчи шу ерда, – мешкобчи ияги билан майдонга аста ишора қилди.

Аҳмад тараша «ҳаҳ» деб тиззасига урди. Мешкобчига лабини қимтиб, жаҳл билан узоқ тикилди. Сўкмоқчи бўлди-ю, лекин:

– Бор! Обизамзамингни тарқат! – деб деразага ўгирилди.

Мешкобчи Абдига қаради. Абди оппоқ ҳамон мудрарди. Мешкобчи йўталди.

– Тиллони ўзинг олавер! – дея сувчига «инъом» қилди Абди қузини очмай:

– Менга бештаси етади, – деди мешкобчи хунук ишшайиб.

– Ифлос! – деди тишини ғижирлатиб Абди ва кузини очди. – Йуқол!

Мешкобчи дик этиб турди-да, мешини қўлтиқлаганча чиқиб кетди.

Мешкобчи айтган юз тилло ўша пайтларда машҳур бўлган Қосим қароқчининг боши эвазига шаҳар савдогарлари томонидан белгиланган мукофот эди. Иккала чапани ҳам сотқинликни ўзларига эп кўрмадилар. Мешкобчининг ўзи эса бундай ишни гарданига олишга юраги дов бермасди.

Чойхонага яна сукунат чўкди. Бироқ у узоқ чўзилмади. Деразага қараб утирган Аҳмад тараша: «И!» деб ўрнидан қўзғалди. Ўғирликка кирган бола узоқда боғ эгасини кўриб қолгандек, ҳамон ташқарига тикиларди. Кейин яна, «И!» деди-да, дик этиб туриб, сўридан тушди.

Абди оппоқ кузини очди.

– Латта иси кеб қолди! – Тараша пўнғиллаб унга изоҳ берди. – Сенга тегмайди, утиравер!

Тараша чиқиб кетди. Чойхонада кўзини юмганча Абдининг ўзи қолди. Чунки чойхоначи ҳам, боласи ҳам томошага кетишганди.

Аҳмад тарашанинг майдонга қараб «И-и»лаб чиқиб кетганининг боиси қуйидагича эди:

Бу пайтга келиб дорбоз, масхарабоз ва яллачиларнинг томошаси тугаганди. Даврага тушган йигирма чоғли полвон ҳам хурсанд. Бирига гилм, бирига бузоқ, бирига ҳамён тегиб, биронтаси ҳам совринсиз қолмаган, иккита энг зури эса барой хизматига таклиф этилганди. Ниҳоят, «Қадам ранжида»нинг энг қизиқ қисми – раъиятнинг арзини сўраш бошланганди. Буни яна фил устига чиққан жарчи бошлаб берди:

– Эй, бандаи мўминлар! Қани, кимда-ким ўзининг ҳақ-ҳуқуқини поймол этган золим устидан,

қуруқ туҳмат ёғдирган ҳаромхўр устидан, подшога ичган ҳалоллик қасамини бузиб, ҳаромга юз тутган қози, миршаб, закотчи, котибдан арз-доди бўлса, чиқси-ин! Бек жанобларига айтси-ин!

Оломон ичида шувур-шувур бошланди-ю, аммо ҳеч ким чиқмади.

Жарчи юқоридаги мурожаатини иккинчи, учинчи бор қайтарди. Шунда, одамлар денгизининг бир чеккасида кичкина тўлқин кўтарилиб, олдинга силжий бошлади. Қандайдир бир тўда уриниб-суриниб пешайвон томон ўтаётганди. Шовқин, ғала-ғовур кучайди. Ҳадемай худди денгиз тўлқинига ўхшаб силжиётган тўда олдинги қаторга етди. Саёз соҳилга тўкилган тўлқинчадек, одамлар денгизидан майдонгача тўкилди.

Тўда бир хотин ва унинг тўрт боласидан иборат эди.

Шокир қизилнинг чойхонасида ўтирган Аҳмад тараша худди мана шуларга кўзи тушган пайтда «и-и»лаб чиқиб кетганди.

Оломон гувиллаб олдинга босди. Биринчи ва иккинчи қаторда ўтирганлар ҳам топталишдан кўрқиб, оёққа қалқишди.

Аёл ўрнидан туриб кетган Муҳсин гуппининг шундай олдида эди. Болаларнинг каттаси – ун уч ёшлардаги ўсмир қулоғини ушлаганча овоз чиқармай йиғларди. Бу ёққа чиқмайман деган-у, онаси қулоқ чўзма қилиб, бош-кўзига шапатилаб олиб чиққани яққол кўринар эди. Қизил чит кўйлак, қизил духоба дўппи кийган ун бир ва саккиз ёшлардаги икки қизалоқнинг юзлари ҳам офтобданми, орланишданми қип-қизариб кетганди. Улар бир оналарига, бир бекка қараб, мунгайиб турардилар. Беш яшар кенжатоёғи эса онасининг қўлидан тушгач, гилосдек чиройли

кўзларини қилич-қалқонли ясовулардан узмай, маҳлиё бўлиб қолганди.

Муллага ўхшаган нуроний юзли ёш мулозим пешайвон чеккасидан туриб юмшоқ овозда аёлдан сўради:

– Кимсиз? Қаердансиз? Нима дардингиз бор? Қисқа баён этинг!

Ўттиз ёшлардаги озғин бу хотин худди отасига упка қилаётган эрка қиздек шанғиллай кетди:

– Мен, жармаҳаллалик Арофиддин баққолнинг қизи бўламан. Ариқбоши маҳалласига, Ҳофизхўжа ўғли Аҳмадга никоҳланганман. Эримни Аҳмад тараша дейишади.

– Тўхтанг, – деди мулозим ва бекка қаради. Бек уста бош силкигач, мулозим таъзим қилди ва аёлга ўгирилди.

– Хуп. Дардингизни айтинг!

– Дардим кўп. Мана, беш йил кечдики, шу болаларнинг отаси биздан хабар олмайди. Чорбоғ қаровсиз. Маҳримга тушган беш таноб боққа қараб бўлмайди.

– Қисқароқ қилинг! – деди мулозим.

– Хуп. Шу чорбоққа мардикор олиб чиқиб ишлатсам, келиб уриб ҳайдайди, мени ҳам, болаларини ҳам уради. Аканг, уканг келиб ёрдамлашсин, дейди.

– Муддао? – деди мулозим.

– Муддаом шуки, болаларнинг отаси келиб бирга турсин ёки талоқ хатимни берсин! Бўлмаса...

– Бас! Болаларнинг отаси қаерда?

– Чўнқир кўчада бир катакдек ҳовли олган, яқин, ўзи шу бозорда юради ё уйида бўлади. Ахир қачонгача акам, укам қарашади? Уларнинг ҳам ўзининг тирикчилиги бор, бола-чақаси...

– Бас! – деб хотиннинг гапини бўлди мулозим ва бекка ўгирилди. Бек яна билинар-билинемас бош

ирғади. Мулозим таъзим қилиб айвон четидаги бошқа мулозимга, униси эса жарчига имо қилди. Яна жарчининг овози эшитилди:

– Ҳофизхўжа ўғли Аҳмадхўжа борми? Булса чиқсин! Қурқмасин! Ҳукм адолатли бўлади. Халойиқ, ён-верингизга қаранг! Курсангиз – курсатинг!

Турган гап ҳеч ким чиқмади. Жарчи яна бақирмоқчи бўлди, хотин унинг олдини олди:

– Уйидан обкелинг! – деди. – Шу бозорнинг биқинида. Одам қўшинг, мана, оборади!

Хотин шундай деб катта ўғлини олдинга туртди.

– Узоқ эмасми? – сўради мулозим.

– Шундоқ тимдан кейин икки юз қадам! – Хотин ишонмай қолишларидан қурқиб жуда қаттиқ бақирарди. – Худо урсин, яқин!

Яна бош ирғаш, имо-ишоралар тулқини пастдан юқорига бориб, қайтиб келди. Натижада икки ясовул отланди. Улардан бири ўсмирни азот кўтариб орқасига мингаштиргач, от қўйиб кетишди.

Халқдан ҳол сўраш давом этди. Мулозим паст ва мулойим овозда савол берар, жарчи карнайдек овозда унинг айтганини такрорларди.

– Раъиятнинг эмин-эркин турмушига зомин бўлаётган нарса йўқми?

– Бирорта маҳаллага ўғри-қароқчи оралагани йўқми?

– Бозорда қадоқ тошни чегиришганини ҳеч ким кўрмаганми?

– Баққол, аттор, сарроф, даллол, заргарлар томонидан ноинсофлик қилинмаяптими?

– Қози, мингбоши, эликбоши, миршаблардан арз-дод қилгувчи йўқми?

Жарчи суроқларнинг ҳар биттасидан сўнг уч-тўрт нафас пойлар, оломондан авж олган ғовурғувурдан бўлса садо чиқмасди.

Яна боягидек таъзиму бош ирғаш, имо-ишоралардан сунг жарчи охирги саволларни берди.

– Демак, шаҳарнинг турт даҳаси тинч? Демак, ахли раъиятнинг турмушига зиён-заҳмат етказиш йуқ?

Жарчи беш-олти нафас кутди-да, бекнинг буйруғини эшиттирди:

– Муҳаммад Хоразмшоҳнинг вилоятимиздаги устунлари Арслонбек ибн Тўғрулбек ибн Дунабек жаноблари буюрадилар: заргарлардан бир киши дорга осилсин!

Оломоннинг бир текис ғала-ғовурини «ув-в» деган хитоб босиб кетди. Бу мамнуният ифодасини билдирарди.

Заргарларнинг қаллобликлари, хотин-халажни йўлдан уришлари ҳақидаги миш-мишларнинг халқ орасида кенг тарқалгани, уларнинг бой-бадавлат яшаши натижасида туғиладиган кўролмаслик ҳам мамнуният ҳисобига катта улуш қушганди. Уша пайтларда охирида заргарлардан бирининг жазоланиши билан тугайдиган «халқни сураш»лар ўқтин-ўқтин такрорланиб турарди.

Буйруқдан кейин пешайвон остида заргарларнинг оқсоқоли билан мулозим ўртасида беш-олти дақиқалик муҳокама бошланди. Оқсоқолнинг нимагадир қаршилиқ билдираётгани (албатта, фармонга эмас), мулозимнинг эса сўзида қатъий туриб олганлиги аниқ сезиларди.

Гап жазога мустаҳиқ киши устида борарди. Оқсоқол мулозим айтган номзод ўрнига бошқасини ўтказмоқчи эди. Лекин мулозим бу таклифнинг «оқоридан» тушганини шама қилгач, оқсоқол индамай қолди.

Мулозим оқсоқолни «кўндириб» жарчига бош ирғади. Олдиндан тайинлаб қўйилган шекилли, жарчи дарров эълон қилди.

«Бек жанобларининг буйруқларига биноан тимнинг кунботар тарафидаги дўкон эгаси Барот заргар – қаллоблиги, бировнинг ҳақиғага бир неча бор хиёнат қилгани учун дорға осилади!»

Аллақачон оқсоқол билан ёнма-ён ўтирган заргарлар тўдасини ўраган навкарлар, бечора (шундай дейишга мажбурмиз)ни худди илгаридан танигандек, дарров ушлаб олишди. Барот заргар олтмишлар нари-берисидаги, мош-гуруч соқолли, бўйи пастроқ, ранги-рўйи қип-қизил соғлом одам эди. Майдончага чиққанда кутилмаган бу балодан тили калимага келмай, ихраб қолди. Қалт-қалт титраб, суяб турилмаса йиқилгудек эди. Қўлини бек тарафга мажолсиз кўтариб, «инг-инг» қилиб гапиролмади.

Унга бир оз сув ичиришгандан кейин тили айлана бошлади.

– Бегим! Гуноҳдан қочинг! Бегуноҳ банданинг қони тутмасин!

Бек қимир этмади. Икки жаллод арқон отиб ўтказиб дорбозларнинг томоша доридан жазо дори ясади.

– Растада мендан ҳалол заргар йўқ! Бегуноҳман! Гуноҳим йўқ!!! – дея бақирди заргар.

Лекин кўз олдида сиртмоқ чайқала бошлаганда бирдан ҳушидан кетди. Жаллод унинг юзига сув пуркай бошлади.

Шу пайт Аҳмад тарашани қидириб кетган навкарлар қайтиб келишди. Болани онасининг ёнига худди қўғирчоқдек енгил қўйишиб, топишолмаганини айтишди. Нуроний юзли мулозим бекнинг олдиға бориб қисқа маслаҳат олди. Сўнг уни жарчига англади.

– Халойиқ! – деди жарчи. – Шу ерга йиғилган аҳли жамоанинг олдида, бек жанобларига бир заифа ўзининг жуфти ҳалоли устидан арз-дод айт-

ди. Айбдор қочгани боис ушбу арз шаръан ҳал этиш учун қозикалонга топширилади. Мабодо, арзгўйнинг кўнглида қозикалоннинг тафтишу ҳукми жиндек норозилик пайдо этса, ҳузури муборакка истаган пайтда кириши рухсат этилади. Ушбунинг тасдиғи учун заифага ваколатнома берилади. Ҳақиқатпарвар бек жанобларига олқишлар бўлсин!

Халойиқнинг «Олқиш!» «Олқиш!» деб гувиллаши остида Аҳмад тарашанинг хотинига ваколатнома топширилади.

Бу пайтда заргар ўзига келиб ўрнидан турганди. Салласи чувалиб ерда қолса-да, уни олмади. Тақир бошида ёнғоқнинг ярмисичалик қизил шиш борлиги ҳаммага кўринди.

– Таҳорат олишни истайдиларми, тақсир? – сўради жаллодлардан бири ундан. Бу саволдан кейин заргарнинг эс-ҳуши яна ўзига келди.

– Вой дод, мусулмонлар! Бу қандай бедодлик! Бегуноҳдан бегуноҳга осилса одам! Мусулмонлар! Ахир нимага қараб турибсизлар? Эрта-перта ҳар биттангни шундай осиши мумкин бу ўзбошимча золим!

Гувиллаш тиниши билан заргарнинг нидоси эшитилди:

– Бек! Ҳаромхўр заргар осилиши лозим бўлса – Файниддин заргар осилсин! Тиллага мис аралаштиришда унга тенг келадигани топилмайди!

– Тухмат! – деди халойиқ ичидан Файниддин заргар.

– Қўшасан! Сен осилишинг керак! – деди Барот заргар чийиллаб.

– Бегим ўзлари яхши биладилар! – бақирди Файниддин заргар.

– Бирингни олиб бирингга урадиган! – чинқирди оломон ичидан яна кимдир.

Ғайниддин заргар дам кўкариб, дам қизариб турган ерига ўтириб қолди-да, одамларнинг ҳуштаклари, «қоч-қоч!», «қочиб қол!» деб мазах қилувчи бақирриқлари остида қаёққа кетаётганини ҳам билмай эмаклай бошлади. Эмаклаб кетаркан: «Худо хайрингларни берсин, йўл беринглар! Худо хайрингларни берсин, ўтиб олай!» деб инграрди.

Барот заргар қутуриб, тап тортмай тўппа-тўғри бекка қараб бақирарди.

– Золим! Сени шаҳаншоҳ адолат қилади деб юборган! Бегуноҳ жабрдийдаларнинг оҳи етиб борар! Оғзингдан қаро қонинг келсин!

Бек ўрнидан турди. Оҳиста юриб пешайвон четига яқинлашди. Майдонга шундай жимлик чўкдики, бу ерда минг-минг одам борлигига ақл бовар қилмай қолди.

– Бўйнингга ол, қаллоб! – Бек шундай деб дор остига билагузук отди. Билагузук заргарнинг оёқлари остига келиб тушди.

– Қўлимни ечинглар! – деди заргар силтаниб. Қўллари ечилгач, энгашиб билагузукни олди. Бирдан қўллари шалвираб, боши қуйи эгилди.

– Бўйнингга ол, манфур! – деди бек боягидан баланд-роқ овозда.

Заргар кўкка қаради. Ўлимдан қочолмаслигини тушунди.

– Ё Тангрим, даргоҳингга қабул эт! Гуноҳкор бандангман. Тирикчилик важдан жезни, мисли тилога ошно қилганман. Лекин илло инсоф билан!

Шу гапларни айта туриб Барот заргарнинг нигоҳи пастга тушиб бекка қадалди.

– Бек! Инсоф билан қилганман! Пиримнинг арвоҳи ҳақи, инсоф билан! Беайб ёлғиз Тангримнинг ўзи!

Ана шунда ҳеч ким кутмаган воқеа содир бўлди. Бек кийикдек чаққонлик билан одам бўйидан ба-

ланд айвондан сакраб тушиб, ўшандек тўкис ва энгил қадам босиб кўз очиб юмгунча заргардан икки қадам берига тўхтади. Билагузукни беринглар, дегандек қўл узатди. Ёнида ҳозир у нозир бўлган навкарлар билагузукни заргардан олиб унга узатишди.

– Эй қаллоб, манфур, қари кўппак! – деди у билагузукни қўлида узатиб тутганча. – Элга ўз кекирдагинг билан бўкириб тан олсанг, қонингдан кечишим мумкин!

Шу гапдан сўнг Барот заргар Тангри билан юз кўришишга тайёрланган мағрур инсондан бирдан чувалчангга айланди қолди. Ўзини ерга таппа ташлаб инграганча бекнинг оёғини ўпмоқчи бўлди. Бек чаққон тисарилиб пешайвонга қайта бошлади. Барот заргар тумшуғи билан ерга урилган бошини кўтарди-да, тиз чўкканча атрофга бақира бошлади:

– Мен қаллобман! Тиллони мисга қўшиб, бировларнинг ҳақиға хиёнат қилган қари кўппакман! Эй мусулмонлар! Туп денглар башарамга! Пирига қасамхўрлик қилган кофирга! Ўзимни оқ деб, подшоҳимнинг суюкли ноиби бўлмиш бек жанобларига бўҳтон қилдим!.. Ярми мис бўлган бу молларимни қишлоқларда сотганман.

Жиндек бўлса-да раҳми келиб турган оломон, заргарнинг ўлмаслигини билгач, лаънатлаб масхаралай бошлади.

Жарчи янги ҳукми эшиттирди:

– Барот заргар бировнинг ҳақиға хиёнат қилгани учун ўнг қўли кесилиши лозим эди. Кўз олдингизда муборақ зотга туҳмат қилгани учун ўлимга лойиқ эди.

Оломон узра: «Ўлдирилсин!» «Осилсин!» деган хитоблар эшитилди. Жарчи давом этарди.

– Лекин айбига иқрор бўлгани учун, қарилгини назарга олиб, бек жаноблари уни ўлимдан халос этади. Барот заргарга йигирма беш дарра урилсин! Ҳар бир калтақдан сўнг ўзининг қаллоб ва ўғрилигини ўзи айтиб турсин! Ўзини-ўзи маломат қилсин! Акс ҳолда дорга осилажак!

Ҳукм ўқиб бўлингач, бек ўзининг энг яқин мулозимларини эргаштириб бозордан халойиқнинг олқиши остида чиқиб кетди.

Пешайвонда қолган тўралар, миршаббоши, қозикалон ҳукмнинг ижросини кузатишлари лозим эди.

Жаллодлар бўзариб кетган заргарни тахтага тортиб боғлашди.

Барот заргар ҳар даррада: «Мен ўғрига бу ҳам кам!», «Вой мен мутгаҳамнинг жазоси шу!», «Вой жоним! Мен каззобга Худонинг жазоси бу!» деб бақирар, оломон эса куларди.

Барот заргар кейинги зарбаларда тавбага ўтгунча анча «вой-вой»лади. Унинг тавбасини кутиб турган жаллод: «Бўлинг, тавбангизни қилинг! Акс ҳолда дорга осиласиз!» – деб дўқ урарди. Шунда заргар яна ўзини маломатлашга тушарди.

Заргар учун бу жазо ўлимдан ҳам қаттиқ эди. Зероки, у ҳамма заргарларнинг сирини очди. Кейинчалик албатта улардан кўрадиганини кўрарди, эшитадиганини эшитарди. Иккинчидан, дўст-душман олдида ўзини энг ёмон сўзлар билан ҳақоратларди. Энди истаган одам унинг ўзига ўзи ёғдирган ҳақоратларни юзига солиши мумкин, заргар учун она шаҳрини тарк этишдан бошқа илож қолмасди.

Шундай бўлди ҳам, калтак заҳмлари битгач, Барот заргар Кумушкентдан кўчиб кетди.

«Қадам ранжида» шундай тугади. Муҳсин гуппининг таъби жиндек тирриқ бўлди. Айниқса,

заргар калтак еяётган пайтда оломондан чиққан: «Бировнинг молига хиёнат қиладиган, ерини, сувини тортиб оладиган заминдорларни ҳам шундай қилиш керак!» деган қичқириқлар унга ёқмади. Қозихона томон аста кетаркан: «Одамларда меҳр-шафқат қолмабди ўзи. Тавба қилдим! Тавба қилдим!» деб такрорларди.

Бозор бирпасда яна ғала-ғовур бўлиб, қайнагандан қайнади. Муҳсин гуппи йул-йўлакай қирқта кўфта кабобни⁸ сихи билан лаганга қўйдирди. Уни кабобпазнинг боласига кўтартириб қозихонага кирганда кун қоқ пешинга келган эди.

ВАКОЛАТНОМА

Насриддин Афанди миршаблар билан қозихонага кириб келганда, қозикалон билан Муҳсин гуппи кабобни еб, устидан боя биз кўрган бўхчадаги ширинликлар билан чой ичардилар.

Балки яна ейилар деб, бир чеккага суриб қўйилган беш-ўнта кабобни эса пашша талай бошлаганди. Икки ҳамсуҳбат чой ичиш асносида онда-сонда уни қўриб қўйишарди.

Суҳбат жуда мароқли кечмоқдайди. Очиқиб қайтган қозикалонга Муҳсин гуппи ўзининг бўхчаси ва бир лаган кабоби билан жуда яхши кўришиб кетганди. Насриддин Афандининг асали, миршаблар ҳақидаги ҳангомаси эса қозини роса кулдириб, ҳазми таомга хизмат қилди. Муҳсин гуппининг ақду заковатини мақтаб, қотиб-қотиб куларкан, шундай луқмани ташлади:

⁸ Кўфта кабоб – майда қиймага данакдек-данакдек думба тикилган кабоб.

– Ростдан ҳам Насриддин Афандини лақиллатдингизми, а? Охирги эшитган латифам унинг кимгадир сув ташитиб, боғини суфоргани эди.

Муҳсин гуппи ялт этиб қозига қаради. Аммо қозининг афтидан бу саргузаштнинг бош қаҳрамони рўпарасида ўтирганини хаёлигаям келтиролмаганлиги сезилди.

Шундай бўлса-да, Муҳсин гуппи қизишди:

– Ҳа! Сиз ҳам одамларни лақиллатиш фақат Насриддиннинг қўлидан келади, деб ўйлайсиз-да?! Мана, ҳозир иккита миршабингиз келади! Мен уларга ҳақини тўлайман. Қолганини ўзларидан эшитасиз! Хўпми?

Дўстона зарда билан айтилган шу гап тугаши билан остонада миршаблар кўринди.

Гуппи «ана!» деб юборди-ю, миршаблар орқасида Насриддин Афанди ҳам борлигини кўриб андак капалаги учди. Қози ҳам бундан бир оз мулазам бўлди. Чунки қози бўла туриб, фирибгарликдан, боз устига миршаблар аралашган фирибгарликдан завқланиб ўтирганди.

Кирганлар катта танобий хонанинг чеккасида туриб салом беришди. Қози бир кекириб, «балого қолдирмасангиз яхши эди», деб қўйди-да, алиқ олди. «Қўрқманг, сизнинг ҳеч бир алоқангиз йўқ!» деди Гуппи ҳам аста ғўнғиллаб.

Қози ўрнидан туриб Насриддин Афанди билан жуда илиқ сўрашди. Гуппининг бундан баттар жаҳли чиқди. Айни чоғда у ҳам шундоқ қилишга мажбур эди. Акс ҳолда челақда сув ташиш ҳангомасининг қаҳрамони эканлиги уч бериб қолиши мумкин эди.

– Хўп сезгирман-да, бой ака, – деди Насриддин жуда самимий равишда Гуппига. – Шу ерда бўлсангиз керак-ов, деб кўнглимдан ўтказиб келаётгандим.

– Ҳа, энди, қозикалон билан эски қадрдонмизда, – дея базур жилмайди Муҳсин гуппи.

– Келинг, Насриддинбой. Қандай шамол учирди? – қозикалон Насриддинни кўриб, чин диадан бир завқланса, унинг чув тушишига гувоҳ бўлажагидан икки завқланарди.

– Бу, – дея салмоқлаб бошлади Насриддин гапни чўзмаслик ниятида. – бизнинг мусулмонобод замонда ўғрилар жазоланиши шарт-а?

– Албатта, албатта! – деди қозикалон катта гавдасига ярашмаган чаққонликда жойига ўтириб, дастурхон четларини пашша талаётган ош-овқатнинг устига ёпаркан. – Биринчи карра қўлга тушган ўғрининг ўнг қўли кесилади, иккинчи каррасида чап қўли!

Қозининг жавобидан миршаблар типирчилаб қолишди.

– Бизни бошқа нарсага чақиргандиз-ку, Насриддин ака! – дейишди баробар.

– Нега қўрқасизлар? – ҳайрон бўлгандек гап қотди уларга Насриддин. – Асални гумдон қилган сизлар эмас-ку, тўғрими?

– Тўғри, тўғри, бизлар эмас! Бизлар эмас!

Қози, жим бўлларинг, дегандек ишора қилдида, Насриддинга юзланди:

– Хўш, Афандим, ўзи нима гап?

– Ҳа, гапиринг, гапиринг! – дея луқма ташлади Гуппи ўта қизиқсингандек ва ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқдек кўрсатиб.

– Майли, лўндасини айтаман, – деди Насриддин Афанди қўлини силтаб. – Мен бозорга икки хум асал олиб келаётгандим. Бу миршаблар йўлда тўхтатиб, асал ўзимники эканлигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишди. Асалимни буларнинг олдига қўйиб, оқсоқолдан ҳужжатни олиб келсам,

оғзи бойлоқ хумларим бўш! Боғлоғини ечгандим, ичидан бир гала пашша учиб чиқди...

– Э, қизиқ бўпти-ку! – Гуппи қижиллаб кулди.

– Қирқ битта! – деди Нодир миршаб.

– Э, пашша қурсин! – деди қози пашша қуриб.

Шу уч луқмадан кейин Насриддин Нодир миршабни кўрсатиб давом этди.

– Бу кишининг зеҳнлари жуда ўткир экан, қирқ битталигини дарров санаб қўйибдилар. Мен, турган гап, миршабларни ўғри қилдим. Лекин булар асални пашшалар еган, дейишди. Подшоликнинг одамлари шундай дегандан кейин ишонмай иложим йўқ, ишондим!

– Ҳа, қирқ битта пашшайам ейман деса анчамунча нарсани еб қўяди! – деди Нодир миршаб ақлли гап айтаётгандек кўзларини лўқ қилиб.

– Тўғри! Қирқ битта! Балки кўпроқ ҳамдир? Лекин менга қирқ биттаси ҳам етади. Энди, қозикалон, сиз менга шу икки миршаб гувоҳлигида, шу қирқ битта пашшани жазолашга рухсат берадиган ваколатнома ёзиб берасиз!

Насриддиннинг бу гапидан кейин сардоба ёнида миршаблар қандай кулишган бўлса худди ўшандай кулги бошланди. Унга худди боягидек Насриддиннинг ўзи ҳам қўшилди. Фақат, ҳали уч киши кулган бўлса, ҳозир беш киши эдилар. Ҳаммаси думалаб, қорнини ушлаб, «пашша...» «ваколат» деб, давомини айтолмай, қижиллаб қолишарди.

– Оббо, Насриддин-эй! Оббо тушмагур-эй! Баъзан хўп соддасиз-да! – деди ниҳоят қози тили зўрға айланиб. – Ҳа, ваколатсиз шундай ўлдиравермай-сизми?

– Шундай қилсам ҳам бўлаверади, – деди Насриддин ўша-ўша жилмайган кўйи. – лекин одамлар жиннига чиқаришлари мумкин...

Яна узоқ кулги бўлди. Насриддин ҳам жилмайганча кутиб туриб, мавриди келгач, давом этди:

– Ундан кейин, бу қоғозингиз хотинимга кўрсатиш учун керак. Уни эшитгансиз. Отаси Шоҳбонинг севимли эликбошиси бўлган. Эликбошининг довуғи ҳали ҳам сўнмаган. Шу хотинга асални иккита миршабнинг тумшуғи тагида пашша еб кетипти десам, қуруқдан-қуруқ ишонадими? Йўқ, миршабларга тўнкайди. Миршабларнинг орқасида яна биров бор, дейди-да, Ургангдаги қариндошларига хабар қилади. Миршабларни қўяверинг! Куппа-кундуз куни одамларни миршабларга тунатиб қўйибсан деб, сизга-да, бегимизга-да гап тегаети. Хўш, ваколат бўлса-чи? Мен уни хотинимга кўрсатаман, кўзининг ўнгида бир-иккита пашшани ўлдираман, тамом-вассалом! Ҳаммаёқ тинч, олам гулистон!

Насриддин Афандининг даъволаридан кейин иккала миршаб ва кутилмаганда Муҳсин гуппининг ёнини олиб гап уқтира бошлашди. Муҳсин гуппи ҳам гапирар, ҳам киши билмас қош қоқиб қозини кўндиришга уринарди. Хуллас, Насриддиндан кўра миршаблар билан Гуппининг тазйиқи туфайли, иккиланаётган қози ҳам рози бўлди-да, қаламни олиб, довотни олдига сурди.

Миршаблар билан Гуппининг тазйиқига сабаблар турлича эди. Нодир ва Содир тезроқ беш тиллани қўлга киритиб, тезроқ сардобанинг олдида қолган ўлжалари томон ошиқардилар. Гуппининг ўлар-тириларига боис шу эдики, агар ваколатнома ёзилса-ю, Насриддин Афанди уни кўрсатгудек бўлса, фириби яна кучаяр ва ҳужжатлашган бўларди. У ўзининг найранги мумкин қадар овоза бўлишини жуда-жуда истарди.

Қози дўрилаган овозда ёзганларини қайтариб, ваколатномани яримлатган пайтда, «ассалому

алайкум» деб, қозихонага Абдукарим кириб келди. Унинг саломига Насриддиндан бўлак ҳеч ким алик олмади. Қози ғўнғиллаб ваколатнома ёзарди. Гуппи энсаси қотиб тескари ўтирилди. Миршаблар эса бир сесканишди. Сўнг иккови аста Абдукаримга яқинлашиб: «Бор, чиқиб тур, навбати билан келасан!» деб шивирлаб ташқарига турткилашди. Лекин Абдукарим бир силтаниб жойида қолди.

– Миршаблар тўғри айтаяптилар, бўтам, тегирмон навбати билан! – деди қози кўзларини қоғоздан узмай ўзига-ўзи гапиргандек.

– Мени ишим ҳам ҳозирги ишга боғлиқ, – деди Абдукарим.

– Ундай бўлса, майли, – жавоб қилди қози гапга тузук аҳамият бермай ёзувда давом этаркан.

Ноилож қолган миршаблар Гуппини чеккага тортишди:

– Асалини шунинг идишларига солганмиз. Тезроқ ақчасини беринг! – дейишди тишларини ғижирлатиб. – Тўполон чиқаради!

Муҳсин гуппи истехзоли кулди:

– Менга шуниси керак-да! Қанча кўп тўполон кўтарса, шунча яхши!

– Керакмас ақчангиз, миршаб ака! – деди уларнинг гап-сўзларини эшитиб турган Абдукарим. – Ҳеч нарсани билмаганимда, бошидаёқ тўлаганларида олардим. Энди олмайман!

– Нега? – ҳанг-манг бўлганча сўради Содир миршаб.

– Насриддин акамга фириб бермоқчилигингларни сезиб қолдим. Ҳаммасини ҳозир айтаман!

Ғапини тугатар-тугатмас миршаблар ростакамига ёқасига ёпишиб қозихонадан чиқариб ташламоқчи бўлдилар. Лекин қозининг шарақлатиб муҳр босгани миршабларни чалғитди. «Ана, бит-

ди!» деди қози. Сўнгра энгашган кўйи қовоғи остидан кулиб қараб қоғозни узатди:

– Мана Насриддинбой!

Насриддин ваколатни олиш учун бораётганди, қози ҳиринглаб қўйди-да:

– Шошманг! Аввал ўқиб берай, – деб, йўғон овозда ўқий бошлади: «Ваколати, берилди шул ҳақда-ким, ушбунни кўрсатувчи мулла Насриддин Афанди, асалларини еб кетган қирқ битта ўғри пашшани қаерда ва қачон кўришидан қатъи назар жазолашга мутлақ ҳуқуқи бор. Кимда-ким бу ишда унга монеълик қилатургон бўлса, ул кимса-да, ҳаромнинг ҳомийси сифатида, бамисоли ўғри каби, ўнг қўли кесилишга маҳкумдир.

Шаъран мувофиқдир, деб: қозикалони шаҳри Кумушкент Садриддинхўжа Идрисхўжа ўғли.

Имзо. Муҳр».

– Мана, мулла Насриддин, энди пашшаларингизни ўлдираверинг, – кулди Муҳсин гуппи.

Насриддин қозига бир қараб қўйиб, қўлидан ҳужжатни олди-да, Абдукаримнинг олдига келди. Унга энгашиб паст овозда тайинлади.

– Мени деб ақчангиздан кечганингиз учун раҳмат! Энди ёрдамингиз керак! Шу қоғозни олиб чиқиб, яхшилаб яширинг!

Абдукарим гапирмоқчи бўлган эди Насриддин оғиз очирмай кескин ва сирли қилиб таъкидлади:

– Шу қоғоз буларнинг таъзирини беради. Яхшилаб яширинг. Биров топадиган бўлмасин! Кейин ўзимга қайтарасиз!

Абдукарим ҳужжатни олиб, чиқиб кетди.

– Хўш, ана энди пашшаларни қиришга киришамиз, – деди Насриддин орқага қайтаркан.

– Киришинг-киришинг! – деди Муҳсин гуппи мазах оҳангида. Шу сония у сирни очмоқчи бўлди.
– Биласизми...

Гуппи шундай дейиши билан қўққисдан қулоқ чаккасига шапалоқ тушди. Бехосдан калтак егани учун Гуппи ҳатто «вой» деёлмай гандираклаб бориб ағдарилиб тушди. Қози ва миршаблар ҳайрону лол қолиб: «Ҳой-ҳой, бу нима қилганингиз?» дейишди.

– Бу биринчи пашша! – деб жавоб берди Насриддин ва ҳамон оғзини очиб турган Нодир миршабни ҳам қулочкашлаб солди. – Бу иккинчи пашша!

Нодир миршаб, «вой жағим», деганча энгашиб қолганди. Насриддин Содир миршабга юзланди. Содир миршаб қочди. Насриддин Афанди орқасидан етиб олиб: «Бу учинчи пашша!» деганча кетига бир тепди.

Воқеанинг бу йўсин, тескарисига айланиб кетишини кутмаган қози сўрида ўтирган жойида: «Чатоқ иш бўпти-ку!», «Қизиқ иш қилиб қўйибмиз-ку!» деб фўлдиради.

Иккала миршаб сал ўзларига келиб қиличларини «шиғ» этиб қинидан чиқаришди.

– Қани тегиб кўринглар-чи! Ўғри пашшанинг ҳимоячиси сифатида қўлларингни кесишади! – деди Насриддин қўрқиб ўрнига аста бостириб бориб.

Зарба еганларнинг учаласи: «Бу нима деган гап, қозикалон?! Кўз олдингизда шундай иш бўляпти. Буюринг, зиндонга солишсин!» – деб қозига зорланишди. Насриддин Афанди яна пайт пойлаб туриб Муҳсин гуппини иккинчи марта тушириб қолди. «Вой дод! Агар менга яна битта пашша қўнса, ўлиб қоламан!» – деб бақирди у.

Шу пайт Абдукарим қайтиб келди-да, остонадан туриб эълон қилди:

– Бошлаб беркитиб қўйдим. Насриддин ака!

– Яшанг! – деди Насриддин. Сўнгра қозига юзланди: – Қани, қозикалон, берироқ келинг-чи! Битта пашшам саллангизга ўтириб қолибди!

Насриддин шундай деганча сўрига чиқа бошлади.

Қози икки қўлини олдинга чиқариб сўрининг тўрига тисариларкан: «Ҳой, ҳой, Насриддинбой! Ўйлаб иш қилинг! Шарманда қилманг!» дея ялинарди. «Қимирламанг, қимирламанг, учириб юборасиз!» деб, Насриддин уни сўри бўйлаб таъқиб қила бошлади. Қози қўлини боши узра силкитиб, кейин яна олдинга чиқариб муҳофазаланиб: «Ана ҳайдавордим. Учиб кетди. Бу бошқа пашша!» деганча сўрида гир айланиб чекинарди. Насриддин барибир унга етиб, қулочкашлаб гарданига бир урди. Лекин қозикалон бақувват одам бўлгани учун «ҳиқ» деди-ю, билдирмади. Насриддин яна бир қулочкашламоқчи бўлганди, қози чаққонлик қилиб унинг қўлини ушлаб, ўзини кучоқлаб олди.

– Сизни ўғри деб жазолаш керак! Ўзингиз ёзган ваколатга қарши чиқяпсиз! – деркан, Насриддин қозининг кучоғидан чиқмоқчи бўлиб силтана бошлади. Қози Насриддинни кучоғида маҳкам қисганча қимирлатмас: «Инсоф қилинг!» «Инсоф қилинг! Шарманда бўлмай!» деб ялинарди.

– Майли, қўйворинг, – деди Насриддин қозининг «кучоғида» турганча, ҳозирча қозини душман қилмасликка қарор қилиб. – Лекин ана уларнинг бошидаги пашшаларни уришга қарши бўлмайсиз!

Қози: «Мени урмайсизми? Менга қўнган пашшани ўлдирмайсизми?» деб қайта-қайта сўраб тасдиқлатиб олгандан кейин уни қўйиб юборди.

Насриддин сўридан туша солиб миршаблар билан Гуппини навбатма-навбат қувди. Лекин улар ҳам ҳадисини олволишгани учун усталик билан

чап бериб, қозихонанинг ичида гир айланишарди. Кўчага қочишарди-ю, Насриддин орқамиздан чиқиб баттар шарманда қилиши мумкин, деган фикр ушлаб турарди.

Бу аҳволни кузатиб турган Абдукарим эса қотиб кулар: «Оббо, Насриддин Афанди-ей! Яшанг! Бопладингиз! Сопини ўзидан чиқардингиз!» – деб маза қилиб луқма ташлаб қўярди.

Ниҳоят, қозикалон пастга тушиб, яна Насриддинни ушлади-да, ялиниб-ёлвориб тинчитди.

– Келинг, мулла Насриддин, бир тўхтамга келайлик! Ахир ҳамма пашшаларингиз қозихонага йиғилиб қолмагандир?!

– Ие! – деди Насриддин қизишиб. – Асалимни еган пашшаларни сиз танийсизми, менми?!

– Нима, ҳаммаси бизнинг бошимизга қўнадимми? – йиғламсиради Муҳсин гуппи.

– Қўнса мендан сўраб қўнадимми? Ўзи билади-да!

– Сал инсоф қилинг-да, ахир! – Муҳсин гуппи шилқ этиб бурнини тортиб қўйди.

– Тўғри-да, – деди Насриддин учовига қарата. – Мен инсоф нималигини тушунмайман! У ариқнинг бошига ўтириб олиб, ёшу қари кўз тикиб ўтирган экинни қуритиш эмасми? Деҳқонни хонавайрон айлаш, ерини тортиб олиш, беватан қилиш эмасми? Ёки сардобани олдида қароқчилик қилиб, ўтган-кетганни шилишми, а?

Миршаблар индашмади, кўзларини лўқ қилиб ерга тикишди. Муҳсин гуппи қўл силкиб ўрнидан туриб кетди. Насриддин ирғиб бориб, унинг бўйнига яна бир туширди.

– Мана, бу бешинчи пашша! – деди биринчи марта жаҳди чиқиб. Насриддиннинг аввалги шапалоқлари шарманда қилиш ниятида бўлса, кейингиси ғазаб билан урилганди. Чунки Муҳсин гуп-

пи – қози, миршаблардан фарқ қилиб, отдан тушса-да, эгардан тушмаган, батамом мағлуб бўлганлигини тушунишни истамасди.

– Вой! Бу қандай бедодлик, ҳеч нарса қилолма-сам, а? – деди Муҳсин гуппи қозига қараб ёлворганча.

Қози алаал-оқибатда ўзи ҳам шармандаи шармисор бўлиши мумкинлигини ўйлаб, унинг гапиниям эшитмади.

Қузи Абдукаримга тушди.

– Сиз нима қилиб турибсиз? – сўради ундан.

Бу сўроқни шундай дағдаға билан айтдики, Абдукарим довдираб, чиқиб кетгудек ҳолга келди. Яхшиямки, Насриддин Афанди жонига ора кирди.

– Бу киши мен тарафдан гувоҳ! – деди у қозига қасдма-қасд дағдаға қилиб.

– Ҳа, ҳа, мен гувоҳман, – деди дадилланиб Абдукарим.

– Асални қандай ўғирлашганини, қаерга яширишганини кўрганман. Менинг хумларимга солиб қўйишипти. Миршабларингиз зўравонлик қилиб тортиб олишди хумларимни.

– Қани, беринглар хумларининг бадалини, – буюрди қози миршабларга ўқрайиб.

– Беринг! – Содир миршаб ўз навбатида буйруқни Гуппига ўтказди.

Гуппи ўтирган ерида вой-войлаб: «Майли, берсам бера қолай. Қаердан билибман, ишнинг бунақасига айланишини», деб қўлини ҳамёнга юборди.

– Э, ўла қолсангиз бўлмасмиди? – ачитди Содир миршаб. – Бошида ташлаб ўтиш керак эди! Ростдан ҳам «гуппи» дейишганча бор экан! Паст! Аҳмоқ!

Содир миршаб Гуппига гапира туриб, бирдан Насриддиннинг олдига тиз чўкди-да, кўксини очиб, бошини эгди:

– Уринг, Насриддин ака! Ҳамма пашшангизни шу бошимда уриб ўлдилинг! Сизга қарши Гуппи билан шериклашган бу аҳмоқ бошимни ўлдилинг!

Насриддин унга бир сония қараб туриб, сўнг нари кетди.

Содир миршаб шарт турди-да, қўлини қилич сопига юборди. Гуппига юзланди. Унинг кўзлари совуқ йилтирарди:

– Беринг тезроқ!

Гуппи шоша-пиша иккита оқ тангани олиб унга узатди. Содир миршаб Абдукаримга яқинлашди.

– Олмаيمان, деб айтдим-ку, – деди Абдукарим ундан четлашиб.

– Ол буни, хумпар! Иккита оқ танга! Кучада ётмайди! – Содир миршаб дўқ билан тангаларни Абдукаримга тутқазишга уринди.

Бу тортишувни қози тўхтатди.

– Бас! – деди у бақриб, – Ҳозир ваколатномани ҳал этайлик! – Қози Гуппига юзланиб, дўқини давом эттирди: – Бу ёққа келиб ўтиринг! Жим турасиз! Насриддин Афанди билан мен гаплашаман! Булар нима деб шарт қўйсалар, кўнасиз! Ким қўйибди сиздақа ипирисқи заминдорга Насриддин Афанди билан беллашувни. Ажаб бўпти! Хўб бўпти! Ўзингиз пиширган олп, қанақасига хоҳласангиз, шунақасига ичасиз!

– Хўш, мулла Насриддин Афанди! – қози туйқусдан жилмайиб Насриддинга юзланди. – Нақдини гаплашаверайлик. Ваколатномани Муҳсинбойга ниманинг эвазига топширишингиз мумкин?

Насриддин бир зум ўйлаб турди-да, эълон қилди:

– Юз тилло эвазига!

Гуппи «воҳ» деб ўрнидан туриб кетди.

– Юз тилло! – кўзлари чақчайиб, бошини ушлаганча вой-войлаб қозихонанинг у бошидан-бу бошига бориб кела бошлади.

– Мен бу тиллаларни, – давом этди Насриддин воситачи сифатида қозига қарата, – Муҳсинбойнинг ўзига қайтиб бераман. Фақат у кейинги ўн йил мобайнида ерларини тортиб олган жами одамларини, жами қарздорларини чақиради. Менга битта-битта айтиб туради, мен уларнинг қанча қарзи борлигини тўлайман. Ундан кейин ўқ ариқдаги хўжайинчилигидан ҳам кечдим деб, қишлоқ аҳли йиғинида эълон қилади. Қарабсизки, юз тиллоси икки-уч кунда ўзига қайтиб боради! Олам гулистон!

– Ажаб савдо! – деди қози севиниб. – Жуда мардона савдо! Офарин! Сиз ҳам офарин денг!

Қози сўнгги жумлани ўртада халоқунинг итидай юрган Муҳсин гушпига қаратди. Нигоҳини ҳам қаратаркан, «ия!» деб юборди. Унинг кетидан қараган бошқалар ҳам «ия!» деб юборишди...

Муҳсин гушпи чиқиб қочган эди.

– Ушла! – бақирди қози миршабларга қараб.

Иккала миршаб югуриб чиқиб, уч-тўрт дақиқадан сўнг шалпайиб келишди. Улар Муҳсин гушпини топишолмаганди.

– Сен аблаҳларни зиндонга буюраман! Шундоқ бир аҳмоқ одамнинг найрангига учиб юрибсизлар! Сардобанинг бошида сенларга пишириб қўйганмиди? – бақира кетди қози сўшпайиб турган миршабларга.

– Қозикалон, қозикалон! – деди Насриддин қозининг ўзини четга тортаётганини англаб. – Буларингизни кейин уришаверасиз. Ваколатномани гаплашайлик. Уни жуда донолик билан ёзгансизки, агар бек жаноблари ўқиғудек бўлсалар,

мартабангизни янада кутариб, ўзларига маслаҳатгўй қилиб олармикинлар, дейман-а?

– Бунинг аҳмоқлигини қаранг! – деди қози гапни буриб. – Қочиб қаёққа борардинг, денг?! Ростдан ҳам гуппи экан! Шу ақли билан сиздек зукко одамга тош отмоқчи бўлганини қаранг!

Насриддин бетоқат бўлиб ўрнидан турганди, қози ҳар эҳтимолга қарши ўзини орқага ташлади. Лекин Насриддиннинг уриш нияти йўқ эди.

– Майли, бойни кейин топиб тергайверасиз. Лекин у қулоғингиз билан ҳам, бу қулоғингиз билан ҳам эшитиб қўйинглар! Мен пашшаларимни бозорнинг қоқ ўртасидами, тўю томошадами, ҳузури олиядами ўлдираверишга ҳаққим бор!

– Хўп, хўп, хўп, хўп! – дерди қози. – Мен ўзим шу ишни кўнглингиздагидек амал бўлишига киришаман!

Насриддин Абдукаримга имлади-да, бошини баланд тутиб чиқиб кетди.

Орага узоқ жимлик чўкди. Учовлон нима қилишни, нима дейишни билишмасди. Миршаблар сўппайиб, елкалари осилган кўйи туришар, қози эса қовоғи уюлганча ерга тикилганди.

Ниҳоят, қози миршабларга ўқрайганча гап қотди:

– Ернинг остидан бўлса ҳам, осмоннинг устидан бўлса ҳам топиб келларинг ўша аҳмоқни! – деди ижирганиб. – Асалу хумларни эга-эгасига топшириб, жи-им юринглар!

Миршаблар: «Хўп, бўлади, тақсир! Хўп бўлади!» деганча бу ерни тарк эта бошлашди. Аммо... уларга қозихонадан чиқиб кетиш насиб қилмади...

ЯНГИ ФИТНА

Ҳа, миршаблар қозининг олдидан чиқишга улгурмадилар. Остонага етганларида уларни икки ёққа суриб ўқдек отилиб Муҳсин гуппи қайтиб кирди.

– Хоҳласангиз зиндонга буюринг! Хоҳласангиз дарра урдиринг! Лекин у шайтонга юз тилло бермайман! Шартларига кўнмайман! Битта келгинди туфайли шарманда бўлайми?!

Муҳсин гуппи кира солиб бу гапларни қаторлаштираркан, таъна-дашномларнинг олдини олганди.

– Шарманда бўб бўлдингиз, – луқма ташлади Содир миршаб.

Муҳсин гуппи унга жавоб бермай тўғри сўрининг олдига борди-да, учта ҳамёнчани чиқариб қўйди.

– Мана! – деди у, бири каттароқ, иккитаси кичикроқ қизил духоба ҳамёнларни кўрсатиб. – Бунисида элик тилло, бошқаларида эса йигирма беш тиллодан.

Қозикалон билан миршаблар юз тилланинг учга бўлиниб кимга мўлжалланганини тушунардилар-у, Гуппининг мақсади нималигини билмасдилар.

Гуппи ҳамёнларни қайтадан қўлига олиб тарқатиб чиқди:

– Бу элик тиллоси сизга – қозикалон, бу йигирма бешталиклари сизларга. Менга ваколатномани ўша келгиндидан олиб беринглар! Фақат пулни унга берманглар! Илтимос, шарманда қилманглар шу келгиндининг олдида.

Ҳозиргина ҳеч иккиланишсиз тўғри йўлга тушиб турган подшоликнинг учала кишисига пул ўз кучини кўрсатди. Қўлларига битта қўрғон солиб олса бўладиган пул тушганди. Қози қўрғонни

ўйлаб, дили энтикса-да, ичидагини сиртига чиқаролмай:

– Юз тиллони Насриддинга бериб қутулмасангиз бўлмайди. Муҳсинбой! Икки ўртада менинг юзим қора бўлиб қолади, – деди.

– Тўғри, – Содир миршаб ҳамёнчадан беш тиллани ажратиб олди-да, қолганини сўрига қўйди. – Беш тилло менинг ҳақим.

– Наҳотки, шу одамнинг қўлидан битта ҳужжатни олишга кучи етадиган иккита йигит топилмаса?

– Топинг ўзингиз, – деди Содир миршаб ҳақини белига тутиб.

– Ахир мен юз тилло беряпман! – Муҳсин гуппи бирдан ўзгариб, мулойим аврашга ўтганди. – Йигирма беш тилло-я! Каттакон ер сотиб олиб заминдорлик қилса бўлади. Ишқилиб ўша келгиндининг айтгани бўлмаса бас!

Подшоликнинг учала одами яна қаттиқ саросимага тушишди. Сирасини айтганда, қўлларидаги пул унча-мунча эмасди. Муҳсин гуппи зардаларини давом эттирди.

– Қозикалси, ахир сиз бошини қай тешикка тиқишни билмай юрган қаланғи-қасанғиларнинг минг-мингини биласиз. Битта тиллога бажариб беришади. Мен шаҳарни билмайман, бўлмаса сизларга ялиниб ўтирмасдим...

– Гуппининг гапи шу ерга келганда, қози пешонасига шап этиб урганча хитоб қилди:

– Аҳмад тараша!

– Ақлингиздан айланай! – Гуппи шундай деб қозини қучоқлаб ўпмоқчи бўлди. – Худди ўзи! Боз устига ажримини бек сизга топширдилар.

Қози Гуппи қучоғидан ўзини опқочди-да, ҳамани сўрига имлади.

Савриниса мита тушган гуручини эрталаб ёйиб қўйганди. Йиғиб ола қолай деб, хумчага ярмини солиб улгурмаган эди ҳамки, эшикдан эри кириб келди. Савриниса дик этиб туриб пешвоз чиқди. Насриддиннинг юзлари ҳорғин, лекин юзларидан ним табассум аримаган эди. Савриниса ана шу табассумни кўрган заҳоти бутун чарчоқлари, Журжондан узоқда яшаётганидан туғилган аламлари бир зумда тарқаб кетарди.

– Яхши келдингизми? Дамингизни олиб тулинг, чойга ўт ёқиб юбораман.

– Ҳа, бир оёқни узатай. Бозорда тоза ҳангома бўлди.

– Тинчликми?

– Э, бутун подшоликнинг ўғриси бугун бизга йиғилган эканми, биров ҳамёини олдирган, биров қопини, биров хумини.

– Вой, тавба! Ўзингиз тинчмисиз?

– Э, биринчи бўлиб биз олдирдик-да хумларни!

– Вой! Ўзингизга зиён етмадими? Қандай қилиб?

– Билмай ҳам қобман. Абдукарим билан гапга алаҳсиб бир вақт қарасам, ҳеч вақо йўқ!

– Келган бало-қазо ўшанга урсин.

Насриддин обдастада юз-қўлини ювди. Артинди. Хотини эса хуржунга Абдукарим қўярда қўймай солиб юборган ҳандалакни эшикнинг ёнгинасига бўшатди.

– Ҳой, – деди Насриддин қумғонга ўт ёқа бошлаган хотинига. – Эски бир чарим қопчиқ бўлгучийди. Ўшани обер-чи!

Насриддин супага чиқиб ёнбошлади. Хотини қопчиқни топиб чиқиб, чангини қоқиб-суқиб узатаркан, ҳазиломуз гап қотди:

– Ҳа, фаниматга учрадингизми? Ўзингиз-ку чув тушиб кебсиз.

– Э, кўявер.

Савриниса яна ўчоққа уннади. Насриддин қозидан олган ваколатномани кўйнидан чиқариб яна бир ўқиб мароқланди. Сўнг сурнай қилиб ўради ва қопчиққа солди. Хотинига бир қараб олиб аста ўрнидан турди-да, бўғотнинг остидаги тешикка тикиб кўйди.

ТҲЙДАГИ ВОҚЕА

Эртаси кун Насриддин Афандининг кўшниси Мутал бобоникида суннат тўйи эди. Турган гап, бундай кунда ҳовлидан сув оқиб турмаса, тўй тўйдек ўтмайди. Гуппи эса ўзимнинг ҳовлимдан сув оқмаса димикиб кетаман деб, ариқни боғлашга рухсат бермаётгани.

Эрталаб Насриддин Мутал бобони эргаштириб ариқ бошига борди. У ерда келишилган бўйича Абдукарим етагида етиб келган Гуппининг малайлари Турсунали билан Алимшо ҳозир эдилар. Яна ўн-ўн беш чоғли томошатаблар ҳам йиғилгани.

– Муҳсинбой келишни раво кўрмадиларми? – сўради Насриддин.

– Йўқ, – деди Абдукарим.

– Бизни ўзларининг номларидан юбордилар, – деди Алимшо қошларини чимириб.

– Жуда яхши. Бўлмаса, менда ўзлари биладиган ваколатнома ҳам борлигини айтгандирлар?

– Хўш? – деди Алимшо, гарчи Гуппи айтмаган бўлса-да, ўзини хабардор кўрсатиб.

– Ана шу ваколатнома бўйича бу ариқдаги сув энди қишлоқники ҳисобланади. Кўнмаган одамнинг қулоқ-чаккасига чучвара қайнатишим мумкин!

Насриддиннинг гапи йиғилганларни ҳанг-манг қилиб қўйди.

– Йўғ-э?! Йўғ-э?! – деди Алимшо.

– Ҳа! Хўжайинингиз бунга ишонмаганди, қозикалоннинг олдида уч-тўрт тарсакининг мазасини татиб кўрди.

– Йўғ-э?! Йўғ-э?! – деди Алимшо. Йиғилганларнинг, айниқса Турсуналининг оғзи ланг очилиб қолганди. Одамлар орасида бир-иккита завқли қийқириқ ҳам эшитилди.

Йиғилганлар барибир Насриддиннинг гапларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай турардилар.

– Хўш! – деди у Алимшога кесатиқ билан. – Нега бўлмаса хўжайинингиз келишга кўрқди. Тарсакимни еди! Гапим рост. Мана, Абдукарим ҳам гувоҳ.

– Каломулло урсин, мен гувоҳман! – деди Абдукарим ва қозихона эсига тушиб қотиб-қотиб куларкан, гапиролмай қолди. Ўзлари ҳам, Муҳсин бойни айтаман, онтарилиб-онтарилиб тушдилар. Битта ўзларимас, миршаблар ҳам еди, қозикалон ҳам едилар...

Йиғилганлар Абдукаримнинг кулгисига жўр бўлишди.

– Хўш! – деди Насриддин Мутал бобога қараб. – Қани, очинг сувни ариғингизга қараб.

Мутал бобо кулгининг зўридан ёшланган кўзларини арта туриб, йиғилганларга қаради-да:

– Э, жуда зўр келса Гуппидан бир сўкиш эшитаман-да! – деб сув очишга киришди.

Турсунали «нима қилай?» дегандек Алимшога қаради. Алимшо эса Насриддин Афандининг нафақат Кумушкентдаги бек, балки Журжондаги сарой билан ҳам алоқаси борлигини эшитганди. Боз устига тарсаки еб шармисор бўлишдан жуда кўрқарди.

– Қани, биз бой акам билан бир маслаҳат қилайлик-чи, – деди минғиллаб. Кейин Турсуналини эргаштириб пилдираганча жўнаб қолди.

Қаҳқаҳа авжга минди. Одамлар сувниям унутиб, Насриддин билан Абдукаримдан қозихонадаги воқеани суриштиришга тушиб кетишди. Бу ердаги қувончли ҳангома эса Алимшо билан Турсуналини анча жойгача қувиб борди.

Иккови Муҳсин гуппининг олдига бориб воқеани айтиб беришди. Пойинтар-сойинтар, ҳовлиқиб гапиришаркан, Муҳсин гуппи гоҳ гезарар, гоҳ қизарарди.

– Хўжайин, нима қилай? Бориб ариқни очиб юборайми?

Гуппи анчагача индамай турди-да, сўнг сулҳпарвар оҳангда тўнғиллади:

– Ариқни қўя тур. Бошқа зарил ишларинг йўқми? Бугун тўй экан, майли, раъиятга ёмон кўринмайлик.

Алимшо билан Турсунали офизларини очиб қолишди.

– Бор отни эгарла! – деди Гуппи Турсуналига. Турсунали кетгач, Алимшодан секин сўради. – Хўжатни кўрдингларми?

– Йўқ, – деди Алимшо нафаси ичига тушиб. Чунки Гуппининг бу саволи Насриддиннинг гаплари тўғри эканлигига тасдиқ эди.

– Бор, девонингни олиб чиқ! – деди Гуппи унга, миясида бир режа тузиб.

Алимшо шеър девонини ҳамиша ёнида олиб юрарди, дарров уни чиқариб берди. Бу гапнинг устига Турсунали отни етаклаб чиқди.

– Мен буни бугун котибларга бераман. Йигирма нусха кўчиришлар дейман, – деди Муҳсим гуппи девонни хазар қилгандек оларкан, – бугун

ҳамма тўйда бўлади, сенлар эса Насриддиннинг уйига кириб ваколатномани қидирасанлар!

– Қ-қанақа ваколат? Қ-қаерда қидирамиз? – сўради Алимшо ўғрилик билан тенг бўлган бу топшириқдан юраги чиқиб.

– Қозихонанинг ваколоти-да! – жеркиди Гуппи жаҳл билан. – Бундоқ най қилиб ўралган. Қоғоз дарров чиқади-ку! Уч-тўртта китоби бор, ўшаларнинг ичини қаранглар. Тахмон, токчаларни титинглар! Ҳа, дарвоқе! Меникида шунча хизмат қиласанлар. Ҳақларингни бераман деб эсимдан чиқади. Ҳозир бериб қўяй.

Гуппи ҳамён титкилаб иккита кумуш танга чиқариб улашди.

– Гап шу! – деди отга ўтириб қамчи босаркан.

Турсунали-ку майли, Алимшо кучли иккиланишда қолганди. Аммо Гуппи унинг нозик жойидан – девонидан ушлаб, ноилож аҳволга қўйганди.

Иккита малайининг олдида жаҳдини босиб турган Гуппи от елдириб қишлоқдан чиққач, бор овозда сўкиниб кетарди. Шу аҳволда у яна юз тилло сарф қилса ҳам ваколатни олишга қарор қилганди. Бугун Насриддин Афандининг уйи титилишидан наф чиқишига унчалик ишонмагани учун қозикалон билан тузилган режани тезлатишга қарор қилганди.

ТАРАШАГА ИШ ТОПИЛДИ

Уч кундан бери Аҳмад тараша миршаб ёки қозихона одамларини кўрса, йўлини тескари солиб юрарди. Бекнинг амридан кейин қозикалон уни бунчалик ҳафсала билан қидиртиришини у ҳеч хаёлига келтиролмасди. Қани энди ҳозир беш-олтита ақчаси бўлса-ю, бошқа шаҳар ёки қишлоққа кетиб, уч-тўрт ой йўқ бўлиб кетса.

Шу кунларда Тараша ҳар қанақа иш қилишга ҳам тайёр эди. Ҳатто энг сўнгги чора – Қосим қароқчига ёлланишгаям жон-жон деб рози бўларди.

Аҳмад тараша ошиб-тошиб ётмаган бўлса-да, ўзига тўқ оиланинг ёлғиз фарзанди эканлигидан талтайиб кетган, узоқ кунт талаб қиладиган ишни эплотмайдиган бўлиб ўсганди. Бора-бора бу нуқсон патталаб шоҳона ҳаёт ҳақидаги пуч хаёллар тузоғини тўқиганди. Оила ташвиши, бола-чақа боқиш – кўнгли шоҳона сарой, боғи эрамларни кўмсайдиган Тараша учун жаҳаннамнинг ўзгинаси эди.

Шу хаёл ва ташвишлар чангалида баттар қотиб кетган Тараша қандайдир илнжда Шокир қизилнинг чойхонасидан узилолмасди. Ҳозир ҳам йўлдаги гадойваччадан хабар олдириб, чойхонадан ўтгиз қадам нарида ўтирадиган иккинчисини эса қоровулликка қўйиб кириб келганда шу кезларда ҳамтовоғига айланган Абди оппоқ ўша ерда эди. Худди ўтирган жойига ёпиштирилгандек, деган тасаввур туғилди Тарашанинг хаёлида.

– Сенга қойилмасман! – деди Абди оппоқ Тараша унинг ёнига келиб чўккач. – Қўрғонинг бор, бола-чақанг бор. Тинчгина яшамайсанми? Менку, билмадим қайси гуноҳим учун Худо уриб қўйибди, бўлмаса бунақа қилиб юрмасдим.

Аҳмад Тараша бир қараб қўйиб жавоб бермади. Абдининг бу гапи чапани зотида камдан-кам бўладиган бир-бирининг ишига аралашиш эди.

– Ўғлимни оёққа қўйсам, кетардим қаландар бўлиб, – давом этди Абди. – Шу ўғлим деб юрибман.

Орага сукунат чўкди.

– Менга бола-чақа ташвиши ёқмайди, – деди ниҳоят Аҳмад тараша секин. Чапаниларнинг

нигоҳлари учрашганда икковининг кўзидан бе-қиёс қайғу акс этарди. – Ғужурлашиб юрганини ёки улар учун эгилиб ишлашни ўйласам... ўзимнинг жанозам аъло кўринади... Хуллас, шунақаман-да!

Тараша қўл силтади. Кейин яна жимлик чўкди.

– Лекин йилида уч бўлмаса ҳам, икки кириб сарифидан ташлаб тураман. Тушган-тушганда. Манжалақи айтгандек, жуда қорамни кўрсатмай кетганим йўқ...

Чойхонада кўк яқтакли олачипор соқоли мешкобчи пайдо бўлиши билан Аҳмад тарашанинг гапи оғзида қолди. Кирган-чиққандан огоҳ бўлиб ҳушёр ўтирган Тараша мешкобчи кира солиб унга бир кўз ташлаганиданоқ, иш борлигини сезди.

Ўйлаганидек, мешкобчи нарироқда туриб имо қилди.

– Бир киши қозихонада сизни сўраяпти. Қозикалон, кўрқмасин, деб айтдилар, – деди мешкобчи иккинчи гапини тезликда илова қилиб.

Лекин бу иловаси кор қилмади. Пастак шифтга тегмасин деб бошини энгаштириб турган Аҳмад тараша қўлларини белига тиради.

– Пучакмас, – деди шошиб мешкобчи. – Бошим гаров! Топиб, шуни айт дейишди.

– Мени қозихоналик ишим йўқ!

Тараша ғазабини босганча шундай деб жойига қайтди.

– Дармон дорингдан ол-чи! – деди Абдига кўзлари ёниб қараганча.

– Муни шўрваси пишсин, кейин. Шокир, овқатинг бўб қолдими? – Абди бирваракай икки кишига мурожаат қилди.

Мешкобчи кўзини узмай турарди. Аҳмад тараша унга қараб пичирлаб сўкингандан кейин чиқиб кетди.

Чойхоначи тумшайиб келтириб қўйган шўрвани ичиб, устидан бир кафт кукнори кепагини отиб, хузурга берилишганда бўсағада яна мешкобчи пайдо бўлди.

Шуни айтиш керакки, гиёҳвандликка кейинги пайтларда, айниқса, Аҳмад тараша ружу қўйганди. Абди оппоқ эса уни онда-сонда, овқат билан истеъмол қиларди.

Мешкобчи кўрингач, Аҳмад тараша тескари ўтирилди. Мешкобчи унинг назар ташлашини узоқ кутгач, туриши бефойдалигини тушуниб, аста ўзи яқинлашди. Сўрининг чеккасига омонат ўтириб, у ёқ-бу ёққа қараб олди-да, бир тилла тангани чиқариб шолчага қўйди, сўнг уни аста лаганнинг тагигача суриб, Тарашага кўринадиган қилиб қистирди.

Аҳмад тараша кўзлари чақнаб бир тангага, бир атрофга, бир мешкобчига қараб ўйга толди. Тежаб-тергаса бу танга уч-тўрт ойлик тирикчилигига етади. Учови миқ этмай хийла чўзилган жимликдан сўнг Тараша пулга аста қўл юборди. Мешкобчи енгил нафас олди. Ўрнидан туриб, Тарашага энгашган қўйи: «Лайлак қишлоғи, Муҳсинбой. Бугун», деди-да, чиқиб кетди. У жуда секин гапиргани учун шундай ёнгинасида ўтирган Абди оппоқ ҳам ҳеч нарсга эшитмади.

Аҳмад тарашанинг кайфи бирдан чоғ бўлди. «Шокир», деб чойхоначини чақирди. Ўн-ўн беш кундан бери Аҳмад тарашанинг емак-ичмағи қарзга эди. Чойхоначи тумшайганча келганда Тараша бояғи тангани ташлади:

– Мана бундан инсоф билан ҳақини ол! Оқшом бунга (Абдига имлади) битта ош дамла! Ҳозир икки тугун дорингдан келтир.

– Э, отангизга раҳмат! – деди чойхоначи кўзлари ёниб тангани ушлаб у ёқ-бу ёғини ағдариб

қуаркан. – Бизнинг қўлга ҳам бунақаси тушаркан-қу!

Бир оздан сўнг чойхоначи қайтиб келиб беш-олтита кумуш танга билан иккита тугунча қўйди. Унинг бояги тундлигидан асар ҳам қолмаганди.

Аҳмад тараша тугунларнинг бирини олиб, Абдига хайр-маъзурни ҳам насия қилиб чиқиб кетди.

Абди оппоқ ёлғиз қолди.

Абди оппоқнинг ҳақиқий отини ҳам, насл-насабини ҳам ҳеч ким билмасди. Кумушкентга олис тоғ қишлоғидан икки ярим яшар ўғлини етаклаб келганига мана роппа-роса бир мучал вақт ўтганди. Афтидан, ўзининг юртида жанговарликда машхур бўлса керак, бировдан ғазоби қайнаганда бир-икки марта: «Ўв, мен тоқчи уруғиданман!» деб қўйганини одамлар эшитишган.

Икки-уч яшар боласи билан одам бекорга бегона юртга бош олиб келмайди. Абди шаҳар чеккасидан кичкина ҳовли сотиб олганди, қўни-қўшнилар орасида шу саволга жавоб олишни истовчилар анчагина топилди. Лекин Абдидан: «Хотиним ўлган. Ундан кейин юртим кўзимга ёмон кўринди», – деган гапдан бўлагини ололмадилар.

Хотини жуда гўзал бўлганини, ўғлини ташлаб бир бойвачча билан қочганини, уларни топиб бойваччани ўлдирганини, хотинини эса уч талоқ қилиб ташлаб келганини ҳеч кимга айтмасди. Инчунин, ўғлига ҳам. Ҳалол, серҳунар, айниқса, кучли йигит бўлгани учун тез орада элга қўшилиб кетди.

Унинг фавқулодда кучлилигини қўшнилар бир қўни қўшни маҳалладан қутурган буқа қочиб келганда билишганди. Буқа йўлда бир-иккита одамни эзғилаган, маҳалла «қоч-бекин» бўлиб турган пайтда, Абди оппоқ тўғри буқа қаршисига чиқиб келган, буқанинг икки шохидан ушлаб: «Ё пирим!»

деганча ерга йиқитган-да, ҳаллослаб-ҳансирашган эгалари етиб келгунча шундай ушлаб турганди.

Буқа боғланиб, Абди оппоқ ўрнидан турганда одамлар унга бошқача қарай бошлаганди. Ўртадан сал баландроқ, бир оз тўлишган гавдасида шунча куч борлигига лол қолишганди.

Кумушкентда бир пирсиённинг мактаби бўлгучи эди. Унда таълим оладиган ўртамиёна бойларнинг болалари ҳар томондан мукаммал киши бўлиб етишардилар. Ўн икки ёшда бу мактабга кирган ўспирин ўн етти ёшида ҳам ҳарбийдан, ҳам арабу форсийдан, ҳам мирзоликдан, ҳам сиёсату давлат тузилишининг шажарасидан хабардор бўлиб чиқарди.

Ўғли ўн иккига яқинлашаркан, Абди оппоқ шу мактабни орзу қилиб қолганди. Иттифоқо бир куни унинг олдига бир савдогарвачча келиб, севган қизини олиб қочиб, бошқа шаҳарга, тайинли жойга қўйиб келишни илтимос қилди. Иш кўнгидагидек амалга ошса, элик тилла беришиниям қистирди. Мактаб илинжида юрган Абди оппоқ обдан суриштириб, қиз ҳам розилигини, фақат оналар ўртасидаги можаро туфайли бахти қаролик юз бериши мумкинлигини аниқлади. Сўнг бу ишни жуда усталик билан амалга оширди.

Қарабсизки, ўғлигаям пирсиённинг мактаби эшиклари ланг очилди-қўйди. Унинг ўзи одамлар наздида бирдан ўзгарди-қолди. Устачиликни ташлади, отидан ташқари мол-ҳолини сотди, томорқасига қарамай қўйди. Аслида Абдунинг кўнгли дунёдан совуганига анча бўлганди. Ўзини базўр ушлаб юрарди. Карвонга қўриқчи сифатида ёлланиб, бир Бағдодга, бир Деҳлига бориб келганди, орадан уч йилга яқин вақт ўтиб кетди.

Бу йилни у Кумушкентда ўтказишга қарор қилганди. Бир томондан, чарчаган, иккинчи томон-

дан, ўғлини кўриб туриш истаги туфайли баҳорда карвонбошилардан келган «совчи»ларга раджавобини берганди.

Ҳозирги кунда эса жемирисизлигидан ташқари, пирсиённинг мактабига ҳақ тўлайдиган вақти ҳам ўтиб бораётганди.

Хуллас, у Аҳмад тарашадан ҳам кўпроқ ақчага зорикқанди. Шу сабабли Шокир қизилнинг чойхонанишинига айланган экан, ҳар куни икки-уч маҳал бозордаги бошқа чойхоналарга ҳам кўришиб, учраган танишларига ўзининг паккасини тайинлаб қайтарди.

АҲМАД ТАРАША ИШ БОШЛАДИ

Абдукарим янги қўрғонидаги чала битирган чархпалагини синаш учун ишга туширган, ҳали охирги михлар қоқилмаган, новлари ҳам омонат ўрнатилган чархпалак бир ариқ сув бера бошлаганди.

Абдукарим яқинда қазилган ариқлардан шўх югургилаб кетаётган сувга маҳлиё бўлиб, экинзорнинг нариги чеккасига бориб қолганини сезмай қолди. Сўнг беҳуда исроф бўлмасин деб, сувни янги бедазорга бурди.

Ҳа, бу ерда ҳамма нарса янги ва Абдукаримнинг ўз қўли билан яратилган эди. У камдан-кам одамга насиб қиладиган мароқ билан сувнинг оқишини кузатиб, гўзал орзуларга чўмди.

Шу пайт икки юз қадамларча орқада қолган уй тарафдан хотини чақираётганини элас-элас эшитди. Азбаройи маза қиладиганидан қимир этмади. Лекин олдига етти ёшлардаги қизчаси югуриб келди-ю, унинг бахтли дақиқасига чек қўйилди.

– Дадажон, ойижонимга уч киши дўқ уряпти!

Зухра қизча бу гапни беқиёс ваҳима билан шундай оҳангда айтдики, ҳуши бошидан учган Абдукарим кетмонни ола солиб уйига югурди.

Хотини Зубайда чақалоқни бағрига босганча бир чеккада дағ-дағ қалтираб турар, айвон тахмонидаги кўрпа-тушаклар ағдар-тўнтар қилинганди. Буларнинг барига кулоҳ кийиб, юзининг ярмига мато боғлаб олган уч киши сабабчи эди.

Босқинчиларнинг баланд бўйли бир қотмаси алланарсаларни бақриб сукинганча ичкаридан катта хумдаги мошни бир ўзи кўтариб чиқди-да, шундай ҳовли саҳнига ағдарди.

– Ҳой, мусулмонлар, сизларга нима керак? – сўради Абдукарим кўрққанидан тутилиб-тутилиб.

Босқинчилар Абдукаримни кўриб, тинтувни қўйишди-да, чўқморларини қўлга олишди. Учовининг белида ханжар осиглиқ эди.

Хумдаги мошни ағдаргани Абдукаримга яқинроқ келди. Бу – қовоғигача кулоҳ бостирилган, юзи танғилгани учун фақат яшил кўзлари кўриниб турган Аҳмад тараша эди. Сирасини айтганда, агар юзи очиқ бўлганда ҳам Абдукарим уни танимасди.

– Ҳа, товламачи, ваколатнома қани? – бақирди Аҳмад тараша.

Абдукарим ҳеч нарсани тушунмади.

– Қанақа ваколатнома?

– Ҳо! – деди Аҳмад тараша ўртоқларига қош қоқиб. – Юз тиллоли ваколатномани ҳам билмайди-я! Пашша! Насриддин Афандининг пашша ҳақидаги ваколатномаси! Билиб қўй, мол-жонинг, боланг керак бўлса, топиб берасан!

Аҳмад ханжарини чиқарди-да, Зухра томон йўналди. Қизча отасидан кейин етиб келиб, онасининг яқинида бармоғини оғзига тикқанча турганди.

Тарашанинг ҳаракатидан Зубайда чинқириб қизига, Абдукарим эса кетмон билан Тарашага отилди. Лекин уриш-сўкишнинг ҳадисини олган қароқчи унинг ҳамласига чап бериб, шериклари ёрдамида бирпасда боғлаб ташлади.

– Айт, қаерда? – деди Тараша ерда ётган Абдукаримни тепиб.

Абдукарим инграб, жавоб беролмади.

Унинг аҳволдан Зубайда ва Зуҳра бақириб йиғлаб юборишди. Бундан чўчиган чақалоқ ҳам уларга жўр бўлди.

– Ўчир овозингни! Итваччаларингникини ҳам ўчир! – бақирди Тараша Зубайдага қарата. Гапи кор қилмагач, Абдукаримнинг бўйнига ханжар қадаб, қўшимча қилди. – Ҳозир сўйиб ташлайман эрингни!

Бечора она-бола қўллари билан оғизларини беркитишди.

Тараша яна Абдукаримга ўтди. «Айт!», «Кимга бериб қўйгансан?», «Қаерга яширгансан?», «Насриддин Афандидами?» деган сўроқ ва қистовларни такрорларкан, ора-сира тепиб қўярди.

Она-боланинг бўғиқ хўнграши, чақалоқнинг бириллаши, Тарашанинг дўқлари олис-олисларга тараларди. Лекин тушдан кейинги жазирама кунда узоқда кичкина бўлиб кўринаётган сардоба чинорларидан бўлак бу тўполонга садо бериши мумкин бўлган қимирлаган қора кўринмасди. Мабодо биронта ўткинчи кўринганда ҳам ёрдам беришга ожиз эди.

Тараша тепишдан чарчаб, Абдукаримда ростдан ҳам ваколатнома йўқлигини тушунди. Лекин ўрганган кўнгил ўртанса қўймас дегандек, ҳамма чораларни синаши лозим эди. Шерикларига Зубайдани ушлаб туришни имо қилиб, Зуҳрани бўйни, елкаси аралаш чангаллаб ўзига тортди-да,

каттакон ханжарини унинг бўғзига тўғрилади. Қизча кўзлари шокосасидан чиқиб кетгудек биғиллаб, бақриб типирчилади-да, ҳушидан кетди. Тараша эса парво қилмай Абдукарим билан унинг хотинига қараб бақирди:

– Айтларинг, ҳужжат қаерда, бўлмаса боланинг жонига жабр қиласан!

– Айтинг! Беринг ўша ҳужжатни билсангиз! – бақирарди хотин жонҳолатда.

– Билмайман! Кўрганим йўқ қозихонадан кейин! – титраб-қақшаб ишонтирмоқчи бўларди Абдукарим.

Тараша қизчани ерга қўйди-да, бошқа йўлга ўтди. Бир қучоқ пичанни ўзи олиб, шерикларини ҳам шундай қилишга ундаб, чархпалак томон юрди. Учала босқинчи каттакон ҳолда титраб айланиб сув чиқаётган чархпалакни тўхтатишди. Кейин қайтиб, бири Абдукаримни суяди, бири яна пичан олди. Тарашанинг ўзи эса хокандозга чўғ солиб олди. Бу пайтда Зубайда йиғлаб-сиқтаганча Зухранинг юзига сув сепиб, атрофида парвона бўларди.

– Мана, қара! – деди Тараша Абдукаримни чархпалакка қаратиб ётқизишгач. – Фирромлик билан юз тиллони тортиб олмоқчи бўлган кишининг жазоси шу.

Аҳмад тараша гапини тугатиб чархпалак тагига таҳланган пичанга ўт қўйди. Ҳўл шимиб кетган чигирни батамом ёқишга камлик қилишини сезгач, Тарашанинг шериклари рўзғорга ғамланган ўтиндан келтириб ташлай бошлашди. Тарашанинг ўзи эса Абдукаримга: «Айт! Топиб бер!» деб ҳамон зуғум қиларди.

Боғланганча ётган Абдукарим эса инграб йиғлар: «Ҳой мусулмон! Билмайман! Кўрганим йўқ. Ўтни ўчиринглар! Хонавайрон бўлдим!» деб зорланарди.

Намиқиб кетганлигига қарамай, ярим-ёрти ёниб битган улкан филдирак сувга қулаб тушди. Ерда қолган новнинг ва устунларининг бўлаклари ярим-ёрти тутаб ётарди.

Чархпалак ҳақиқатан ҳам катта эди. Филдирагининг баладдиги ўн-ўн беш қадам келарди. Чунки у сув олаётган жарнинг ўзи чуқур ва кенгина эди. Абдукарим токи қирғоққа олиб келадиган узун новларни ясагунча ҳам озмунча ёғоч ва меҳнат сарф қилмаганди.

– Бу калтаклар, чифирнинг⁹ ёнгани ҳали ҳолва, – деди кўзлари совуқ йилтираб Тараша. – Агар паколатноманинг кимда ва қаерга яшириб қўйилганлигини билиб бермасанг, жонингдан умидингни узавер! Болаларингдан айриласан! Хонумонингга ўт қўяман!

Тарашанинг кўзлари айтганларини оппа-осон бажо этиши зуҳурлантириб турарди.

– Билиб қўй, – деди у дағдағасининг охирида секин ва мудҳиш овозда. – Менинг учун одам пашшачалик гап! Эшитдингми?

Меҳнатига, ўтган аламларига ёш боладек увлаб, кўзини чархпалакдан узмаётган Абдукарим бош ирғаб қўйди. Шу дақиқада у қозихона можаросига аралашиб қолганлигига ўзини ич-ичидан дукарди.

Тараша билан шериклари Абдукаримни ётган ҳолида ташлаб, отланиб кетдилар. Увлаб ётган Абдукарим анчагача уларнинг ортидан қараб ётди.

Хотини шоша-пиша уни ечиб олгач, Абдукарим ўрнидан турди-да, оқсоқланиб, букчайиб белини ушлаганича чархпалакнинг олдига борди. Юм-юм шиллаб, кўзларини тикканча анчагача турди.

⁹ Чифир – чархпалак.

– Ўзингиз тузукмисиз? – сўради Зубайда бунинг акси бўлишидан жуда қўрқиб.

– Зухра қалай?

– Кўзини очди. Лекин гапирмаяпти.

– Ярамаслар, – деди Абдукарим тишларини гичирлатиб.

Кейин хотинига инграниб, эшак келтиришни ва мингаштириб юборишни сўради. Хотини тушунмай анграйганча: «Ҳасандан хабар олай!» – деди.

– Вой, ўлмасам! – деди Зубайда мол боққани кетган тўнғичи эсига тушиб.

Эшакни олиб келди-да, эрининг минишига кўмаклашар экан, яна умид билан сўради:

– Болага тегишмас?

– Бу ярамасларнинг қўлидан ҳар бало келади. Ўлдираман! – деди Абдукарим биқинини ушлаганча инграниб.

Лекин Абдукаримнинг чўлга чиқишига ҳожат бўлмади. Тўртта қўй ва сигир-бузоқни олдига солганча Ҳасаннинг ўзи кириб келди. Боланинг кўзлари даҳшатли саволдан ола-кула эди. Ёнидаги бўрибосар «Нима бўлди?» дегандек ташвиш билан «Вов!» деди.

* * *

Мутал бобо неварасининг суннат тўйи куни Гуппи томонидан Насриддиннинг уйини ҳам тинтув қилиш ҳақида гумашталарига буйруқ берилгани ўқувчиларга маълум. Бу буйруқ аъло даражада бажарилганди. Бутун дон-дун идишлардан ағдарилган, кўрпа-тўшак, китобларнинг тит-пити чиқариб ташланганди.

Насриддин хотиннинг оҳ уришларига қарамай, тўғри келди-да, бўғот тешигига қўл солиб ваколлатноманинг жойида эканлигини кўрди. Саври-

ниса эса дарров шам ёқиб сандиқларидаги бұхчаларни ечиб, санаб чикди. Ҳамма латта-пугтаси жойида эди. Бу эса Насриддин «ўғрилар»нинг асосий мақсадини тўғри тушунганлигини тасдиқларди. Эртасига Насриддин ҳар эҳтимолга қарши бугот тешигини яхшилаб сувади-да, кечгача нима қилиш кераклигини ўйлади. Тўғрисини айтганда, бутун қишлоқ ҳол сўрашга келавериб ўйлатгани ҳам қўймади.

Муҳсин гушпининг таслим бўлишни истамаётганлиги аниқ. Фақат қозикалон қайси фикрдалиги ноаниқ эди. У ҳам Гушпига қўшилиб олганмикин?

Бу савол кеч қоронғида Абдукаримнинг кириб келиши билан ўзининг аҳамиятини йўқотди. Бечора деҳқоннинг инграниб, оғриқ азобидан афтларини буриштириб айтаётган ҳикоясини эшитаркан, Насриддин жойида ўтиролмасди. Абдукарим эса гапининг охирини ваколатномани қозикалонга қайтариб бериш ҳақидаги илтимос билан тугатди.

Насриддин дик этиб ўрнидан турди-да, боягина суваган тешиқдан ваколатномани олиб Абдукаримга узатди:

– Мана, олинг! Агар яна келишса, қўлларига тутқазинг! Бойлар билан, арбоблар билан тенг келиб бўлмас экан, денг! Хоҳласа, деҳқонларни беватан қилади! Хоҳласа, кулини кўкка совуради! Биз эса индамай қўл қовуштириб турамиз, денг!

Абдукарим ўзини ваколатномадан олиб қочди.

– Мен ўзимни ўйлаганим йўқ! – деди у оғриқларини ҳам унутиб. – Бўларим бўлди, чифирим ёниб кетди, энди уни тиклашга қурбим етадимми-йўқми, номаълум. Мен сиздан хавотирдаман. Сизга бирон заҳмат етказишмасин дейман!

Насриддин бирдан «Алининг аламини Валидан олаётганини» тушуниб, аччиғини босди.

– Менга жин ҳам урмайди, – деди у ҳужжатни олган жойига яна яшириб. – Келиб айтганингиз яхши бўлди. Энди сизнинг ҳам битта тукингизга биров тегиб кўрсин-чи! Мен қозикалоннинг гапига учиб юриб, шу касофатга қолдирдим сизни! Қўрқманг, чиғирингизни ҳам шу кўппакларга тутатирамиз! Лекин қаерда деб сўрашса, мана шу жойдалигини айтаверинг, – деди Насриддин бўғотини кўрсатиб. – Ҳа, айтмоқчи, ҳозир кўрғонингизга қайтасизми, кеч бўлиб қолди-ку?!

– Йўғ-е! Келинингиз ўлсам ҳам қолмайман деди. Ҳаммамиз келганмиз. Эртага қайниларимдан бириккитасини олиб қайтамиз! – Абдукарим шундай деб кетиш тараддудида қўзғалди. Насриддин уни эшиккача кузатаркан, яна кўнглини кўтарди:

– Яхши. Лекин энди ҳеч хавотир олманг! Энди мен уларни бошқача оҳангга соламанки... Ўзлари бош уриб келишади!

Эртаси кун азонлаб Насриддин дарғазаб кайфиятда шаҳарга жўнади. Душманларининг босқинчиликкача боргани, уни деб Абдукаримнинг заҳмат чеккани, қизчасининг гапиролмайдиган бўлиб қолгани Насриддинни шу аҳволга солганди.

Ҳозир бориб қозикалонни, миршабларни чунонам шарманда қилсинки!

Бозорнинг ўртасига олиб чиқиб уради. Бек саройининг ичига олиб кириб уради. Шундай таъзирини берадики, ўзлари Гуппининг оёқ-қўлини боғлаб келтиришади! Ўзлари бош бўлиб Лайлакдаги қарздорларни Гуппининг исканжасидан қутилтиришади!

Насриддин ана шундай хаёллар билан Кумушкент бозорига кириб келди. Шаҳд билан қозихона томон кетаркан, Содир миршаб ва Нодир миршаб кўриниб қолармикин деб атрофни кузатиб борарди. Улар кўринмади-ю, аммо ғуж-ғуж одам-

лар ичида унга тикилган яшил кўз йилт этиб кўри-
ниб кетди. Насриддин дарров аланглаб шу кўзнинг
эгасини қидирди. Йўқ, улар яширинган эдилар.
«Менга шундай туюлгандир», деган хаёлда қози-
хонага ўтди.

Қозихона берк эди. Семиз, дамқисма касали-
дан пихиллаб гапирадиган барзанги хизматкор
эшик олдини супурарди.

– Қозикалон йўқлар, қачон келишлари номаъ-
лум, ишингизни менга тайинлаб кетаверинг, оқиз-
май-томизмай етказаман! – деди барзанги.

Насриддин унинг афтига қараб ёлғон гапира-
ётганини сизди. Нима қилишини билмай атроф-
даги ғуж-ғуж одамларга кўз югуртирди-ю,
ҳақиқатан ҳам кимдир уни кузатаётганини сез-
ди. Ўша кўзлар яна йилт этиб ўтиб кетганди. Нас-
риддиннинг миясига нимадир, урилди-да, бир-
дан ҳушёр тортди. «Демак, уни кузатишяпти. Де-
мак, дарвозадан киргандаёқ қозикалонга хабар
стиб келган! Демак, ҳатто, Абдукаримнинг куни-
ни унинг бошига ҳам солишлари мумкин! Демак,
иш йириклашиб кетибди!»

Насриддин йилт этган кўзларнинг эгасини то-
пиш учун чумолининг инидек гивирлаган бозор-
ни кузатаркан, шунчаки сўради:

– Қаерга кетган эканлар қозикалон?

– Саройга, – деди хизматкор ёлғондан. Бу би-
лан у ҳам мақтанмоқчи, ҳам пўписа қилмоқчи эди.
Насриддиннинг аччиғи яна юзига тепди.

– Яхши! Бўлмаса айтиб қўйинг! Мен қозикалон
билан битадиган ишимни бекнинг олдида ҳам гап-
лашавераман!

Насриддин ўзини таъқиб қилган кўзнинг эга-
сини тополмади. Қозихонадан узоқлашаркан,
ўзига ясовул топиш кераклигини ҳис қилди. Йўқ,
у қўрқмасди. Қилич, таёқ, қамчи уриш сабоқла-

рини яхши билар ва ҳеч бўлмаганда икки кишини дабдала қилиб ташлаши мумкин эди. Бирок кўпчилик келса-чи?

Эҳтиёт чоралари зарар қилмайди. Душман олдида мулзам бўлмаслик керак.

Насриддин масалани дарров ҳал қилди: заҳарни заҳар кесади, ёлланма одамга ёлланма бас келади. Фақат унинг топгани номард бўлмаслиги лозим!

Насриддин шундай деб ўйлаши билан узоқдаги олачипор соқоли оби худойчига кўзи тушди. Тўғри мешкобчига қараб юрганди, кузатувчилар эсига тушди. Шунинг учун йўл-йўлакай икки-уч одам билан савдолашди. Кейин бошқа оби худойчини топиб, ундан сув ичиб, узоқ чақчақлашди. Сўнг яна бозор оралаб, олачипор соқоли мешкобчига яқинлашди.

– Менинг бир журжонлик савдогар дўстимга танқоровул керак. Номард бўлмасин. Мени била-сиз-а! – деди Насриддин кулиб туриб.

Мешкобчи Насриддиннинг кулгиси ниқоб эканлигини тушунди. Сув қуяркан, худди чақчақлашаётгандек гапирди.

– Биламан. Мен билмайдиган нарса кам.

– Яшанг! Менбоп бўлсин.

– Худди сизбопи бор-у, ҳозир йўлга юрмайди-да!

Насриддин йўл юриш шартмаслигини атай гапирмади. Сув ҳақидек қилиб, аста йигирма чақа узатганидан кейин суҳбат авжланди. Улар шу аҳволда яна уч-тўрт оғиз гап отишди. Кейин Насриддин сўради:

– Туя кўрдингизми?

– Ие! Қанақа туя!

Бу луқмалар ҳам ниқоб ўрнини ўйнагани кучли қаҳқаҳа остида айтилдики, четдан қараган-

да, одамлар тақдири ҳал бўлаётгани ҳеч билинмасди.

Насриддин мешкобчидан узоқлашди.

НОЗЛИНИСА

Насриддин мешкобчи билан гаплашиб бўлиб, икки-уч соат бозорда кўринмай қолди. У яна пайдо бўлганида фақат ўта зийраклик билан кузатган одамгина кетидан, киши билмас қилиб бир қаландар суркалиб юрганини кўриши мумкин эди. Каттакон кулоҳини кўзигача бостирган, сапсариқ патак соқоли юзининг пастини беркитган бу кимса гавжумликка қараб гоҳ йигирма-ўттиз қадамча яқинлашар, гоҳ юз-икки юз қадамча қолиб кетаркан, бари бир худди боғлаб қўйилгандек Насриддиннинг кетидан қолмасди. Қаландар – ҳам Насриддиннинг, ҳам Абдукаримнинг муҳофазасини бўйнига олган одам эди.

Бу қўриқчи Насриддинга жуда қимматга тушса-да, кайфи чоғлигини бузмади. Чунки қаландар билан келишаётгандаёқ пул топишнинг йўлини ўйлаб қўйганди. Ҳозир шу режасини амалга ошириш учун йўл олди.

Кумушкент ҳокими Дўнанбек ўттиз ёшга кирган бўлса-да, шаърий никоҳ бўйича ҳали уйланмаганди. Умри салтанатнинг чекка жойлари – Ҳиндистон ва Румда¹⁰ ўтган бу жангчининг ўрдадаги таниш-билишлари орага тушиб, ниҳоят Журжонга чақирди. Маъмурийми ёки ҳарбийми бир лавозим, шунинг билан бирга уйланиш учун ҳукмдор бир одамнинг қизини, ўша юқоридаги орқайинлари ёрдамида излаб юрганда тўсатдан

¹⁰ Рум – ҳозирги Туркия.

саройда ўзгариш юз бериб, унинг ҳомийлари шоҳнинг эътиборидан тушди. Алоҳа, уни яна Журжондан четлатишиб, асли туғилган жойи бўлмиш Кумушкент вилоятига жўнатишди.

Кумушкентга келгач, Дунанбек Журжонга қайтиш, Журжондаги қойилмақом зотларга куёв бўлиш ниятидан кечмаганди. Бу ерда Нозлинисани учратди-ю, Кумушкентдан уйланиб, кейин Журжон лавозимларига ўрмаласа ҳам бўлади деб, ниятининг ярмини ўзгартирди. Айниқса, Нозлинисадан рад жавобини олгач, шу кунларда оташин муҳаббат ўтида ёниб юрарди.

Дунанбекнинг ишқи тушган Нозлиниса Кумушкентдаги энг бой оиланинг якка-ёлғиз қизи эди. Унинг отаси Бароқхон катта заминдор ва савдогар бўлиб, Бағдод, Хонбалиқ¹¹ ва Журжонда қўша-қўша қўрғонлари бор эди. Нозлинисадаги димоқ-фироқ ҳам шунга яраша эди. Дунанбек билан Нозлиниса ҳозирча мурасага келолмаётган бўлсалар-да, Журжонда яшаш истагининг кучлилигида бир-бирларига ўхшар эдилар. Ана шу мутаносиблик Дунанбекнинг муродига етишида катта тўғаноқ бўлаётганди. Нозлиниса хаёллар оғушида ўзини шаҳзодалар, жуда берироқ бўлса, Журжондаги саркарда ёки бошқа бирон олий табақанинг ёнида кўрарди.

Қизнинг қистовлари билан икки йил муқаддам Бароқхон Журжондан уй сотиб олган ва улар у ерда олти ой яшаб ҳам қайтгандилар. Олти ой ичида у ерда кўп зиёфатлар, сайллар уюштирилди, имкони бор қадар юқорироқ насабдаги меҳмонлар чақириб, уларнинг орасига киришга ҳаракат қилинди-ю, аммо Нозлинисанинг орзуси да-

¹¹ Хонбалиқ – ҳозирги Пекин.

ражасидаги одамлар уларни назарга илмади. Бароқхон қизининг тантиқлигига кўниб Журжонда қолса, итнинг кейинги оёғи бўлиб юришини тасаввур қилди-ю, Кумушкентга қайтди. Лекин Нозлинисанинг юзидан ўтолмай, Журжондаги унчалик катта бўлмаган болохоналик уйи, икки таноб ҳовлиси бўлган қўрғончани сотмаганди.

Дўнанбекнинг ишқи ана шу Нозлинисага тушганди. Нозлиниса эса Кумушкентдаги биронта йигитни гаплашишга арзийди деб ҳисобламасди. Яккаш бекка жиндек рағбат билдирганининг босиси унинг Журжон кўрганлиги, уч-тўрт марта бўлса-да ўрдага кириб-чиққанлиги эди. Журжондаги воқеалар, аслзодаларнинг муносабатлари ҳақидаги миш-мишлар Нозлиниса учун мутаассиб диндорларга пайғамбарлар ҳақидаги ривоятлардек, ёш болага паҳлавонларнинг саргузаштларидек сеҳрли кучга эга эди. Оғзини очганча соатлаб эшитиши мумкин эди.

Журжон тафсилотлари туфайли Насриддин Афанди ҳам Нозлинисанинг ўртоғига айланганди. Насриддинни меҳмонга чақириб, дугоналари ва канизлари даврасида Журжондаги байрамларнинг ўтиши, шоҳ ва шаҳзодалар, вазиру саркардалар, шоҳнинг онаси Туркон хотин, бошқа маликалар, намоёишларда йигирма битта мамлакатнинг байроғи пастга туширилиб ўтиши ҳақидаги ҳикояларни маҳдиё бўлиб тингларди.

Ана шу суҳбатлар асносида Нозлинисанинг аслзода бекни ёқтириб қолганини, аммо отдан тушса ҳам эгардан тушмаслик қабиллида иш тутиб, қамон бекни азоблаш, уни янада кўпроқ ялинтириш, ҳар турли қилиқлар билан жаҳлини чиқаришни яхши кўришини Насриддин сезиб қолганди.

Ҳозирги ўзига зарур бўлган пулни топишда ана шу муносабатдан фойдаланмоқчи эди.

– Ўртоқжон, менга ақча керак. Ёрдам берадиларми? – сўради жилмайиб Насриддин Нозлининг дугоналари чиқиб кетгач.

Нозлиниса гап-сўзсиз бармоғидаги узуклардан бирини еча бошлади.

– Йўқ, йўқ! – Насриддин уни тўхтатди: – Менга бекни гаровда ютиб оладиган ақча керак. Шунга ёрдам бера оладиларми?

– У гаровда бой берса, бекнинг роса жаҳди чиқадими?

– Жуда, жуда! Соқолини юлиб ташлаши мумкин.

– Ўлсин! Нима ёрдам керак?

– Йўқ, аввал айтинг-чи, шаҳарнинг казо-казолари олдида, менга ичиш учун булоқдан бир коса сув олиб келишга ўртоқжонимнинг бўйни ёр берадиларми?

– Ўртоқжон юз-қўлингизни ювиш учун қуйиб туриши ҳам мумкин. – Нозлиниса бир оз ўйлаб туриб сўради. – Шунда роса аччиғи чиқадими?

– Жуда, жуда чиқади-да. Энди битта гап сўрасам майлими?

Нозли майли дегандай қаради.

– Нега ўртоқжоним бекнинг ҳадеб аччиғини чиқаришни яхши кўради-ю, хурсанд қилишни хоҳламайди?

Нозлиниса чимирилиб юзини бурди. Насриддин бу гўзал қизни сингласидек яхши кўриб қолганди. Ўта тантиқ ва такаббурлиги билан бахтсиз бўлмас деб кўрқарди. Нозлинисага бекдан кўра яхшироқ умр йўлдоши чиқмаслигига ишонарди.

– Бек яхши одам...

– Кўрқаман, – деди Нозлиниса Насриддиннинг гапини бўлиб. – Ҳамиша шундай қолармикин? Нега шу пайтгача уйланмаган? Бу ҳақдаги ўзининг гапларига ишонмайман.

Ишонаверинг, оддий суворийликдан шу мартабага эришган...

– Мақтанг-а, мақтанг! – деди Нозлиниса. – Агар яна битта мақтасангиз, сизни у орага қўйган деб ўйлайман!

Насриддин қип-қизариб кетиб, ҳар қандай саройда ҳам бир гапнинг остидан иккинчи гапни излашларини ўйлади. Аммо Нозлини у дарров кечирди.

– Аччиғини қистатадиган гап нима эди? – давом этди Нозлиниса ўзининг фусункор табассуми билан Насриддиннинг кўнглидаги ғуборини тозалаб.

– Ўртоқжон, сиз эртага саҳар билан пешиннинг ўртасида Боғибаландда сайрда юрсангиз ва ҳаминша Қўш дарвозадан огоҳ бўлиб турсангиз. Эртага пайшанба, бек дарвоза ва шаҳар деворларини кўриқдан ўтказади. Қўш дарвозага келганда Боғибаландда юрганингизни кўрса бас.

– Хуш, кейин-чи? – сўради Нозлиниса икки бармоғи билан иягини ушлаганча қизиқсиниб.

– Бекни кўргач тушиб келасиз. Дарвоза олдида булоқ бор...

Нозли қийқириб кулиб чапак чалди-да, қолғанини гапиртирмади. Бекнинг аччиғини чиқариш унга жуда ёқарди.

* * *

Эртасига бек шаҳар қўрғонини айланаркан, Насриддин унга Қўш дарвозанинг олдида «тасодифан» йўлиқди.

Қўш дарвозадан юз қадамларча нарида Боғибаланд бошланарди. Турли-туман дов-дарахтларга чулғанган бу баланд хушманзара тепалик шаҳарнинг сайлгоҳ ва томошабоғи бўлиб, унда асосан бадавлат одамлар истироҳат қилардилар. Те-

паликда ҳамиша ғир-ғир шабада эсиб турар, унга кўтарилган одам шаҳарни ва шаҳар ташқарисини олис-олисларгача кўриб турарди. Бу ерга бир-биридан кўринмайдиган қилиб ўн-ўн бештача сўри ва беш-олти чоғли иморат ҳам қурилганди. Ёғин-сочинли кунда истаган одам тунаб қолаверса бўларди.

Бек Насриддин билан ҳол-аҳвол сўрашиб турган пайтда, тепаликдан қий-чув қилиб бир тўда отлиқ зодагон қизлар тушиб кела бошлашди. Йиғилганлар ҳаммаси бу қизларнинг эркатойи Нозлиниса эканлигини дарров билишди. Бекнинг ранги бир бўзариб, бир қизариб турган жойида қотиб: «Шу соҳибжамол бир кулиб қарармикин?!» деб шивирлаб қўйди.

Насриддин Афанди димоғини бир қириб олди.

– Хоҳласам, – деди у бекка ва ён-верисидаги уч-тўрт кишига эшиттириб. – Шу соҳибжамол менга булоқдан сув олиб беради.

Бек истеҳзо ва қаҳр билан ўтирилиб, сўкиб юборишдан базўр ўзини тийиб қолди. Сўнг яна Нозлиниса томон қараркан, овози хириллаб гап қотди:

– Сизни ҳурмат қиламиз. Лекин жуда от суриб кетманг, Хўжа Насриддин!

– Бек жаноблари билан баҳс бойлашим мумкин! – деди Насриддин жилмайиб.

Бек тутақиб кетди:

– Мана шу бутун усти бошим билан отимни тикаман-да, қолган дарвозаларни яёв кўраман!

Насриддин бекнинг қизил шойи мурсагига, тўқаси тилла камарига, отига кўз югуртириб, жилмайди:

– Бўпти! Лекин бек жаноблари Нозлинисага бўлган ҳурматларини ўзгартирмаслиги шарт!

– Мулла Насриддиннинг ўзлари нима тикадилар? Ўзлари? – деди бир мулозим қийшанглаб.

Унинг бу гапидан кейин қулги кўтарилди. Чунки бекнинг сарупосига тенг бирон бойликни топиш амримаҳол эди.

Ниҳоят қулги босилди.

– Баҳснинг бу палласига бир йил давомида бекнинг содиқ қуллари бўлиш мажбуриятини тикаман! – жавоб берди Насриддин.

– Маъқул! – бақриб юборди бек қувноқ жазавада ва қўлини узатди.

Арғумоқ минган қизлар бу пайтда анча яқинлашиб қолгандилар. Отларини гоҳ калта-калта елдириб, гоҳ йўрғалатиб, ўнг-сўлга ҳайдаб, қийчувлашиб келардилар.

Нозлиниса бек ва унинг қуршовини кўргач, бошини мағрур кўтарганча, гўё кўрмай ўтиб кета бошлади.

– Ассалому алайкум, бегойим, – деди Насриддин виқор билан.

Нозлиниса аввал отнинг жиловини тортиб аста тўхтади. Кейин хийла вақт ўтказибгина бошини бурди. Насриддинга кўзи тушиб, ўзигагина хос гўзал табассум қилди.

– Оҳ, сиз шу ердасиз? Бир чеккада қолиб кетган ўртоқжонингиздан ҳол сўрай ҳам демай-сиз?

– Айбдорман, бегойим! Аммо ҳозир жуда чанқадим. Қўлингиздан бир сув ичсам дегандим...

– Менинг қўлимдан? – қошлари кўтарилганча кулиб сўради Нозлиниса.

– Ҳа, булоқдан бир коса сув келтиринг! Илтимос.

– Ҳўп бўлади, Афандим! – Нозлиниса отдан енгил сакраб тушди. Анвойи атирлар таратиб, оҳудек чиройли қадам босиб, бек билан Насриддиннинг олдидан булоқ томон ўтди. Булоқ бошида турадиган мис жомни икки-уч чайиб ташлаб, тўлдириб сув олиб келди.

Насриддин сувни шошилмай ичаркан, Нозлиниса билан бекни кузатди. Қиз бек томон ақалли бир маротаба ҳам қарамади. Бек эса эҳтиросли кўзларини ундан узмасди.

– Янами? – сўради Нозли косани олиб ноз билан.

– Бас! Қондим!

Нозлиниса косани қўйиш учун бурилганда ҳамда қайтиб оти томон кетаётганда Насриддинга жилмайиб қараб ўтди.

– Бахтли бўлинг, бегойим! Ниятингизга етинг! – деди Насриддин. Нозлиниса текис одимлаб отига етди-да, чаққон минди. Яна бир карра Насриддинга жилмайиб қараб, отини йўрттириб кетди.

Бу воқеадан ҳамма лол ва гаранг эди.

– Ютдингиз, Афандим! – деди бек, ниҳоят маъюс кулиб ва аввал камарини ечиб узатди.

– Бегим! – Насриддин қўл ишораси билан уни тўхтатди. – Ана шу сарупо ва отингизга ўзингиз қанча нарх белгилайсиз?

Бек саволга ёрдам сўрагандек мулозимларга, сўнг ёнидаги чухрасига¹² қаради. Ёш бу навкар Насриддиннинг ниятини тушуниб: «Элик тилло!» деди.

– Менга шу керак, – деди Насриддин. Сўнг қўлини кўксига қўйиб давом этди: – Шоҳона сарупо, отингиз, боз устига мен томондан шартга қўйилган камина ҳам сизники.

Бек мамнун жилмайиб, камарни тақди-да, бояги ёш навкарга им қоқиб Насриддин билан қолишни буюрди. Кейин мулозимларини эргаштирганча Боғибаланд томон от чоптирди-да, юз элик қадамларча бориб, кескин тўхтади. Насрид-

¹² Чухра – подшо, хон, султон ва олий табақа кишиларининг шахсий қўриқчиси.

диннинг ёнидаги чухра унинг олдига елиб борди. Бек унга икки оғиз гап айтди-да, Боғибаландни айланиб кўздан йўқолаётган мулозимларининг чўзиқ тўдаси кетидан от қўйди.

Чухра булоқ олдига келиб мис жомни олди-да, шойи қийиқчага авайлаб ўради. «Юринг, Афандим! Эртага намози шомни бекникида ўқиркансиз. Базмга таклиф қилдилар!» деганча сарой томон йўл бошлади.

– Бош устига, – деди Насриддин Афанди базмга таклифдан севинишни ҳам, куйинишни ҳам билмай.

НАСРИДДИН АФАНДИНИНГ АЧЧИҚЛАНИШИ

Бекдан ютиб олинган элик тилло танга қаландарга тўланадиган пулдан анчагина ортиб қоларди. Насриддин бу пулни ҳам Муҳсин гуппи ва қозикалонга қарши сарф қилиши керак эди. Икки тиллани Абдукарим учун ажратиб, эрталаб Муҳсин гуппиникига келди.

Гуппи кеча шаҳарда қолган экан. Бунни айтиб чиққан Алимшо билан Турсунали ҳам уйини тинтув қилганларидан уялиб, унинг кўзига тик қаролмасдилар, ҳам шапалоқ тушиб қолишидан хавотирланиб ҳушёр турардилар. Чунки бу пайтга келиб Насриддиннинг пашшалари дув-дув гап бўлиб кетганди.

– Биродарлар, – деди Насриддин улар кутмаган дўстона оҳангда. – Абдукаримнинг ёнидан ер очиб, иморат солиш учун, бу ердаги чордеворларингни сотсанглار яна қанча ақча керак бўлади?

Биронта найранг борлигидан хавфсираган икки ҳамтовоқ болохонага кўзи тушган саҳройидек анграйишди.

– Ҳа, нега ҳайрон бўласиз? Гапиринглар!

– Ўзи бўларканми? – тўнғиллади сал ўзига келган Алимшо.

– Ҳа, қийин, – деди Насриддин янада меҳрибончилик билан. – Лекин бекорга Гуппи деган лақабни олмаган бир тўнканинг ювинди, малайи бўлгандан кўра яхши эмасми? Сармоя мендан. Янги ер очган киши подшоҳликнинг фармонига кўра беш йил солиқдан озод. Бу ёқда ҳовлини сотасизлар. Хўш, инсоф билан айтинглар, қанча керак?

Алимшо билан Турсунали бир-бирларига қарашди. Турсунали қўйнидан нон олиб чайнашга тушди.

– Менга тўрт тилло етиб ортади, – деди у нонни ютиб, тўпорилик билан. – Уйланиб ҳам олардим.

Насриддин савол назарида Алимшога қаради. Алимшо ўзини кўп қийнамай:

– Менга ҳам шу-да! – деди.

Насриддин ҳамёнини очиб саккиз тиллони ажратди. Уларга бераркан, бармоғини бигиз қилиб уқтирди:

– Битта шарт! Ҳозироқ, Гуппиникидан кетиб, эртага Абдукаримнинг ёнидан қапа тикасизлар. Бўптими?

Биринчи марта тилло танга ушлаган икки малай анчадан кейин жавоб қилишди.

– Маъқул! Маъқул!

Насриддин Афанди эшагини буриб йўлга тушди. Алимшо билан Турсунали ҳамон эслари оғиб туришаркан, Насриддин нарироққа борганда унга қандайдир чиқиб келган қаландар эргашганини кўришди.

Йўл-йўлакай Абдукаримга ҳам пул ташлаб ўтганига қарамай, Насриддин шаҳарга анча барвақт – саҳар билан пешиннинг ўртасида етиб келди.

У шаҳарга кириши билан олача чопон кийган бир барзанги кимса дарров отланиб қозихона томон елди. Бошқа икки киши эса унга соядек эргашди. Бу икки кишидан биттаси Аҳмад тараша эди. Ҳа, энди у бемалол қозикалон билан мулоқот қилар ва ундан Насриддинни пана жойда биқинини эзиб, ваколатномасидан айириш вазифасини олганди. Чунки Абдукаримни силкитиб кўрган, Насриддиннинг уйини тинтув қилган ғаним тараф ваколатномани Насриддин ўзи билан бирга олиб юради, деган қарорга келганди.

Тарашанинг бир шериги билан дум бўлиб олганини эса қаландардан бўлак ҳеч ким, ҳатто Насриддиннинг ўзи ҳам сезмасди. Унга шипшитиб кўяй деса, қаландар ўзини ошкор қилиши мумкин эдики, бу қайтага кўпроқ зарар бўларди. Бир гапни айтиш керакки, Насриддиннинг барвақт етиб келгани ғаним тараф учун кутилмаган воқеа эди. Кеча шаҳарда бўлгани учун, улар уни бугун келмас, келса-да, пешиндан сўнг келар, деб ўйлаганлари сабабли қозикалондан бошқаси ғафлатда қолган эди. Шунинг учун Насриддин қозихона томон ошиқиб, гилам бозоридан ўтаркан, узоқдан Гуппига кўзи тушиб, ўзи ҳам шошиб қолди.

Гуппи аввалдан даллол ёллаб олган шекилли, икковлашиб бир туркмандан гилам савдолашишар ва савдолари энг қизиган пайт эди. Четдан қараган одамга Гуппи билан даллол гилам эгасини талаётганга ўхшаб кўринарди. Даллол: «Бор барака, хўп денг!» деб, туркманнинг бир қўлини суғуриб олгудек силкиб, бир ёққа тортса, Гуппи кўлди ўшандай деб, гиламдан иккинчи ёққа силкиб тортарди. Туркман бечора бетўхтов силкитишайётгандан на оғзи билан «йўқ» дея олар ва на бошқа ишора билан. На қўлини, на гиламини бўшата оларди. Жуда чарчаб таслим бўлармиди-

йўқми номаълум, лекин шу пайтда жаранлаган шапалоқ овози, кетма-кетига эса: «Ҳа, падарингга лаънат, тутилдингми?» деган сўкиниш эшитилди-ю, туркман силкинишдан тўхтади. Шапалоқ еган Гуппи мункиб кетиб эмаклаб қолганди. Ҳеч нарса тушунмаган одамлар ҳанг-манг эди. Лекин бойнинг: «Ҳой, инсоф қилинг», деб тисарилаётганини, Насриддиннинг унинг устига бостириб бо-раётганини кўриб, ўз-ўзидан кулги кўтарилди.

– Тўхтанг, тўхтанг, яна биттаси ўтирибди, – дерди Насриддин одамлар орасидан туртиниб Гуппини таъқиб этаркан. Лекин Гуппи шундай чаққонлик билан туриб қочдики, буни кўрган оломоннинг қаҳқаҳаси авжига чиқди. «Нима гап, Насриддин Афанди, бир мусулмоннинг отасини лаънатлаб урдингиз, у индамай қочди?» деб сўрашди кулги орасида одамлар.

– Э, мен унинг отасини эмас, пашшани сўкдим. Унинг гарданига ўтирган пашшани ўлдирдим!

Қаҳқаҳа яна авжига чиқди.

– Асалимни еб кетган ўғри пашшаларни кўрган жойимда ўлдиришга ҳуқуқ берадиган ваколатномам бор. Буни ҳалиги одам билади!

– Раҳмат, Насриддин Хўжа! Сал қолди – гиламимни текинга суғуриб олай дейишди!

Бу гилам эгаси эди. У оғриб кетган елкасини уқаларкан, қўшиб қўйди:

– Илоё шунақаларга ўтирсин пашшаларингиз!

– Қани энди менда шунақа ҳужжат бўлса! Ўзим билардим-а! – деди кимдир орзу билан.

Насриддин Афанди у одамнинг дардини сўрамоқчи бўлди-ю, иши зарил эканлиги эсига тушди. Шунинг учун қаландарга киши билмас бир қараб олиб, қозихона томон юрди. Омади келган экан, мева бозорига бурилишда ўттиз-қирқ киши томошаталаб бўлиб турган можаро устидан чиқ

ди. Буки қарангки, можаронинг бош сабабчиси Нодир миршабнинг ўзларида! Насриддин одамларни ёриб аста ўртага ўтди. Нодир миршаб бешолти қоп нарса ортилган арава қўшилган эшакнинг жиловидан ушлаб олганди. Араванинг эгаси бўлса керак, тожик йигит жиловни унинг қўлидан чиқаришга уриниб фиғон қиларди:

– Бомайман қозихонага! Текширсанг, шу ерда текшир! Агар бо битта қурут чехса туршакимнинг ичига, ҳаммаси сизга!

Оломон аралашиб, инсофга чақирган шекилли, Нодир миршаб ҳаммага қарата гапирди:

– Ўтган сафар бундан туршак сотиб олиб, ҳаммамиз юрак буруғи бўлдик. Ўлай дедик! Юр, бу ёққа!

– Бомайман! Туршакни сотиб олмагон! Пулини бермагон! Шу учун юрак буруқ бўлгон!

– Э, сен ҳали туҳмат ҳам қиласанми? Нақд икки мирини олиб-а? Олмадим деб, мени шарманда қияпсан! Юр бу ёққа!

Шу пайт яхши кийинган ўрта ёшлардаги бир одам гапга аралашди.

– Ҳой, биродар, – деди у араванинг эгасига. – Подшоликнинг кишиларини изза қилиш ярамайди. Сизни дорга эмас, қозихонага тортяпти. Боринг, ҳаммасини тушунтиринг!

– Шу ерда текширсин. Мана сиз гувоҳ! Якта қурут чехса ман кафел! – деди тожик йигит. – У ёққа бординг, тамом! Буд-шуд кетди! Бомайман!

– Ҳой, ҳой, ҳой! Қозихонани ёмонотлиққа чиқарманг, миршабни ҳам пул тўламаган дедингиз. Тўлагандир, эсингиздан чиққандир?

Ғала-ғовур бошланди. «Миршаб бозорда пул чиқарарканми?», «Жони чиқар!» деган хитоблар эшитилди.

– Ким! Ким шунақа деди? Бу ёққа чиқ қани? – Нодир миршаб гўддайиб атрофга еб қўйгудек кўз югуртираётганди:

– Мен! – деди Насриддин Афанди, гарчи у айтмаган бўлса-да.

– Бу ёққа чиқ!

– Ҳозир! Ҳозир! Фақат кетиб қолманг! – Насриддин шундай деб даврага тушди-ю, аравани айланиб ўта бошлади. Нодир миршаб бирдан: «Йе!» деди-ю, жиловни ташлаб, ўзини оломон ичига урди.

Оломонга бу тилсимотдек эди. Оддий одамни кўрганда миршабнинг ура қочиши ҳеч қачон бўлмаганди. Баъзилар уни кийиниб олган бек деб ўйлашди. Лекин бир-икки киши «Насриддин, Насриддин Афанди» дегандан кейин қотиб қолган оломонга жон кирди. Насриддин сеҳрли бир қиёфа кашф этди. Ҳамма келиб унинг қўлини сиқар, этак ва енгларидан ушлаб-ушлаб қўйишарди. Уни ҳазрати Хизрга ўхшатаётганлар ҳам йўқ эмасди.

Насриддин одамларнинг қўлини қисаркан, бундай фикрнинг туғилмаслиги учун пашшаларни ўлдиришга ваколатнома борлигини айтишга мажбур бўлди. Кейин қўшимча қилиб: – Биродарлар, пашшаларимнинг қизиқ хусусияти бор. Нуқул фирромлик, ҳаромилик қилаётганларнинг устига қўнишади! Шунинг учун қозикалондан тортиб миршабгача ҳозир кўрганингизлардек мендан қочиб қолади.

– Сиздан ҲАММА қўрқар экан-да! ҲАММАни уриш қўлингиздан келар экан-да? – деган кучли кесатиқ эшитилди.

Бу бояги ясанган киши эди. Бу ғаламис одамнинг ҲАММА деган сўзини Бек ва шоҳга тикаётганини Насриддин тушунди. Секин у томонга бора бошлади.

– Сиз бу гапингиз билан ҲАММАни фирромлик, ҳаромилик қилади демоқчимисиз? – сўради унга мос заҳарханда ва таҳдидона оҳангда. – Қани, қимирламай туринг-чи, ёқангизда битта пашшам ўтирганга ўхшайди.

Кулги кўтарилади. Ясанган киши кўзлари чақчайиб тисарила бошлади.

– Ҳой, йўқолинг! Саройга яқинман мен!

– Қимирламанг, учириб юборманг! – деб Насриддин таъқиб этди.

– Қани, қани? Йўқ пашша! Ҳаддингиздан ошманг!

Ясанган киши елкасига, бўйнига шапатилаб, «пашша ҳайдаганча» ўзини оломоннинг ичига урди. Бориб отига ўтириб олгач, дўқ ура бошлади.

– Кўрсатаман сенга, безори! Подшоликнинг одамларини беобрў қилганинг учун миянгнинг қатигини чиқараман! Ёлғончи! Қозикалон сендан кўрқарканми?! Қани, юр, олдига борамиз! Думингни қисиб қоларсан?!

Насриддиннинг миясига бир фикр келиб таққа тўхтади.

– Юр! – давом этди ясанган киши. – Мана шу жумлаи мўминнинг бари борсин! Ўзининг лақма қилинаётганига бир гувоҳ бўлсин!

Бу нарса эрталабдан бери аччиқланиб юрган Насриддиннинг режаларига айнаи мос эди. Энди у қозикалоннинг юз-хотирини йиғиштирган ва шарманда қилишни ният қилганди. Боз устига, ҳозирги можарони саройга етказиши аниқ бўлган бу олифтанинг у ерга кўпроқ гап олиб боришини истарди.

– Биродарлар! – деди у йиғилганларга қарата. – Кимники имкони бўлса биз билан юрсин! Насриддин Афанди ёлғончими, йўқми – кўради!

Оломоннинг талайгина қисми таклифга қўшилди. Ҳазил-ҳузул, қийқириқлар остида қозихонага қараб оқишди. Йўл-йўлакай Насриддин билан ясанган кишининг гап талашлари давом этгани эса вазиятни янада қиздирар, янги-янги ҳангоматалабларни оқимга қўшарди.

Шундай қилиб, қозихонага элик-олтмиш кишилик оломон етиб келди. Бозорнинг гавжумлигида унчалик билинмаган бу оқим қозихона олдида яхлитгина бўлиб назарга ташланди. Кепчик хизматкорнинг кўзи чиқиб кетди.

Турган гап, қози йўқ эди.

– Ҳаммани қўйиб, қози ўзини урдириб қўярканми? – деди истеҳзо билан кепчик оломон бошидаги Насриддинга.

Насриддин ғолибона суратда олифтага ўгирилди. У миқ этмас, нафаси ичига тушиб кетганди.

Кечагина Насриддин билан кепчик хизматкорнинг баҳслари ниқобли, пардали ибораларда рўй берганди. Бугунга келиб эса гап тарқалиб, яширишнинг ҳожати қолмаганди. Кепчикнинг очиқ-ойдин гапиришига сабаб ҳам шу эди.

– Айтиб қўйинг, ҳурматли Садриддинхўжа қозикалонга, – деди Насриддин бақриб. – Битта пашша билан қутулиб кетаман деб хомтама бўлмасинлар! Хоҳлаган жойимда, хоҳлаган пайтимда гарданларига қўндиришим мумкин!

– Одам деган кечиримли бўлади-да, афандим! Қозикалон ҳурматли одам. Битта ҳазилларига ота гўри қозихонами? – деди кепчик мурасага чақирмоқчи бўлиб.

Насриддин қизишди.

– Мени алдаб калака қилсалар майли, а? Абдукаримга ўхшаган бир камбағал деҳқонни хонавайрон қилсалар, қизчаси қўрққанидан гапирол-

майдиган бўлиб қолса майли, а? Битта ҳазилларига шунча қурбон! Ҳо!

Кепчик индамай туриб қолди. Масаланинг бу томонини эшитган оломонда ҳам кулги, ҳазилмутойиба йўқола бошлади. Бу вазиятни кўрган ясанган киши отига қамчи уриб жўнади.

– Ҳой, тўхтанг! Пашшангизни кўриб кўяй!

Насриддиннинг бу хитобидан кейин яна кулги кўтарилди.

Кун тиккадан сал пастга оққан эди. Насриддин куёшга бир қаради-да:

– Энди бир қоринни алдаб қўймасак бўлмас, – деб, ўртаҳол ҳисобланувчи Муллақовоқнинг чойхонасига томон йўл олди. Ўн-ўн беш чоғлик унга эргашган одамнинг сира ажралишни истамай, ниятлари бирга тамадди қилиш эканлиги кўришиб турарди.

Тўда шовқин-сурон билан Муллақовоқнинг чойхонаси ташқарисидаги сўрилардан жой олганда, улардан кўз узмай келган қаландар қўшни – Пирмат пирсиённинг чойхонасига кирди. Бир коса шўрва, бир даста кабоб олиб зўр иштаҳа билан овқатланишга тушди. Бугун кун қийин ўтишини алақачон билганди. Чунки Аҳмад тараша бошлиқ уч киши ҳам Муллақовоқнинг чойхонасига кириб кетишганини кўрди.

Оқшом Насриддин бекникига зиёфатга боради. Ўша ерда ётиб қолса-ку, хўп-хўп. Кечаси чиқиб, бирон ёққа бораман дегудек бўлса, қаландарнинг якка ўзи уч кишига бас келмоғи лозим эди.

Ҳозирча эса ўзининг панада қолиб, рақибларини аниқлаганидан бўлак ютуғи йўқ эди.

Қизиқ, у нимасига ишонаркин?

ҚОЗИКАЛОННИНГ БУЙРУҒИ

Насриддин кун ботишига бир терак буйи қолганда саройга кириб кетганди. Орадан бир соатдан ортиқроқ вақт ўтиб кун ботди.

Дарвоза олдидаги соқчилар майдондан онда сонда ўтиб қолувчи йўловчиларга аҳамият беришмасди. Уларнинг нияти – тепадаги буржларга чиқиб ёнбошлашса. Ҳар замонда улар тепадаги шерикларидан «Шўрва пишдимми?» деб сўраб қўйишарди. Чунки буржлардан бирида сепоя остига ёқилган аланга узоқдан ҳам кўринарди.

Сепояга эса қозон осилганди. Замона тинч, подшоҳнинг бегига таҳдид соладиган куч йўқ эди. Агар замона нотинч, соқчилар эса синчков бўлишганда, улар сарой олдидаги майдончада боядан бери гунғиллаб уч-тўрт карра у ёқ-бу ёққа ўтган қаландарни албатта бундай қўйиб қўйишмасди.

*Соямдан ўзга ёр йўқ кимсадин етган кун гам,
Лек қоронғи тунларимга қилмагай тоқат у ҳам.*

Қаландар шу байтни такрорлаб хоҳ саройнинг у тарафига ўн-ўн беш дақиқа узоқлашиб кетсин, хоҳ бу тарафига; бари бир дарвозадан диққатини қочирмасди. Ҳар бир кираётган ёки чиқаётган қора кўз остида эди.

Соқчилар сергаклик қилишганда қаландардан ташқари яна уч киши сарой эшигини кузатиб тургани маълум бўларди. Булардан бири: қотма, офтобда куйгандек қоп-қора юзли одам – дарозлиги ва кўзларининг чақнашиданоқ ярқ этиб ажралиб турар, тўда бошлиғи эканлиги сезиларди. Икки шериги ҳам гавдали бўлишларига қарамай, унинг олдида кўримсизгинага ўхшарди.

Аҳмад тараша бошлиқ бу уч киши майдонга кирадиган кўчалардан бирига биқиниб олгандилар. Қаландар эса сайрини давом эттираркан, дарвоза билан иши борлигини шундай усталик билан яширардики, бир томони қаландарлиги учун бўлса керак, Аҳмад тарашанинг тўдаси ҳам шубҳаланмасди.

Ҳикоя қилинаётган пайтдан сал аввал икки навкар ўқдай учиб чиқиб, бир оздан сўнг беш отлиқ бўлиб қайтиб келишганди.

Улар билан келганлар қозикалон ва унинг икки хизматкорлари эди.

Майдондаги тўрт хуфия одам ҳам қозикалоннинг кириб кетганини кўришди. Тарашанинг тўдаси ҳаяжонга тушди. Улар тарафдан ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилиб турди. Қаландар буларнинг барини сизди.

Шундан кейин хийла вақт ўтди. Майдонга ғирашира қоронғилик тушди. Дарвозанинг икки четига тикилган машъалага ўт ёқилгач, қаландарнинг у ёқ-бу ёққа юргани ҳам кўринмай қолди. Аллақаерлардан ғўнғиллаган овози ўқтин-ўқтин эшитилиб қоларди.

*Соямдан ўзга ёр йўқ кимсадин етган кун гам,
Лек қоронғи тунларимга қилмагай тоқат у ҳам.*

Бу байтдан кейин қаландар, «ҳой мусулмонлар, бугун жинлар қўзийдиган кун!» деб қўярди.

Қоронғилашаётган жимжитликда унинг сўзлари ваҳимали туюларди.

Шаҳар уйқуга кетмоқда эди. У пайтда одамлар кун билан туриб, кун билан ётардилар ва жиннавластиларга ишонардилар.

Орадан бир соатча муддат ўтгач, тўрт хуфия бир сесканиб тушишди. Дарвозахона олдида

бўғриқиб чиққан қозикалон пайдо бўлди-да: «Тезроқ!» деб бақирди. Хизматкорлари отини олиб чиқиб беришди.

Қози шу заҳотиёқ отга қамчи босгудек жаҳлда эди-ю, сарой хурмати бунга йўл қўймасди. У ҳатто отланишга кириб кетган хизматкорларини ҳам кутмай йўлга тушди.

Соқчилардан тўрт қадам узоқлашгач, отга қамчи босиб, чоптирди-ю, энг яқин кўча бошига етганда бир нарса эсга тушиб, шартта жиловини тортди. От олд оёқлари билан кўтарилиб орқага бурилди. Қози кимгадир қўл ишора қилди. Шу асно дарвозадан қозининг икки хизматкори чиқиб, у томон шошилишди. Ташқаридан, қози хизматкорларини эслаб тўхтади, қўли эса кескин бурилганидан силтаниб кетди деб ўйлаш мумкин эди. Лекин қозининг жилов тортган жойи қаландардан уч қадам нарида эди. Қозининг дарғазаблигини ҳам, унинг ищораси билан Тарашанинг дик этиб қўзғалиб текис, катта қадамларда яқинлаша бошлаганини ҳам қаландар кўрди. Дарров биқиниб бир эшикка қапишиб олди.

Қозининг хизматкорлари ҳам, Тараша ҳам бир пайтда етиб келишди.

– У шу ерда. Бўғиз-зланг! – деди қози ғазаб билан Тарашага.

– Лаббай, – деди хизматкор гапни ўзига тегишли деб ўйлаб.

– Кетдик! – деди қози хизматкорига ва илгаригидек шаҳд билан от чоптириб кетди. Хизматкорлар унга эргашди.

Маҳмуд тараша кутилмаган бу буйруқдан ҳангманг бўлиб қолди. Уни қаландарнинг ғўнғиллаган қўшиғи ўзига келтирди.

– Ҳей, Худонинг бандаси, тун зимистонга айлангунга қадар бошпана топсанг-чи! – деди Тараша. Қаландар жавоб қилмай узоқлашди.

– Ма, уч-тўрт чақа садақа берай!

Тараша ҳамён жиринглатди.

– Қарғишимга қолма, гуноҳкор банда! Бугун жинлар қўзиган кун. Тонггача ҳайдаб чиқаман, – деди қаландар шерга монанд ва ўзига-ўзи гапиргандек узоқлашди.

– Ҳе, нафасинг ўзингга урсин! – деди Тараша секин.

– Ҳой, мусулмонлар, бугун жинлар қўзийдиган кун, жинлар қўзийдиган кун! – Қаландар узоқлашиб худди ерга киргандек ғойиб бўлди.

Тараша шериклари олдига қайтгач, дарвоза олдаги ўн-ўн беш қадамча жойни ҳисобламаганда майдон зимистон бўшлиққа айланди.

Унинг бир томонида қаландар, иккинчи томонида эса Тараша бошлиқ уч киши бор деб ҳеч ким айтолмасди.

Хуфтон намозига азон айтилди.

ЗИЁФАТДАН ҚОЗИ НЕГА ҒАЗАБЛАНИБ ЧИҚДИ?

Дўнанбекнинг зиёфатига шаҳарнинг мингбошисидан тортиб, раису¹³ имомигача йиғилганди. Турган гап, қозикалон ҳам чақирилган ва бўлиши шарт эди. Лекин Насриддин Афандининг иштирок этишини эшитиб, ўзини бетоб деб пйттириб юборганди. Мабодо зиёфат устида йўқлангудек бўлса, бир-икки оғиз гап билан ва-виятни юмшатишни имомга ва раисга ҳам та-йинлаганди.

¹³ Раис деб ўша пайтларда халқнинг ва мансабдорларнинг гуриш-турмушини назорат қилиш учун тайинланган махсус мансаб эгасига айтиларди.

Меҳмонлар каттагина ариқнинг бўйида ҳамда шариллаб ётган фавворанинг атрофларида сочиб ташлаган ўн-ўн беш чоғлик сўриларда тўрттадан-бештадан бўлиб ўтирардилар. У ер-бу ерларга ёқилган фонуслардан атроф чароғон эди. Боғнинг ичкарироғида ўрнашган машшоқларнинг куй ва қўшиқлари жуда оҳиста эшитилар ва гап-сўзга халақит бермасди.

Яхши деҳқоннинг хўжалигида ҳеч нарса чиқитга чиқмай, барисидан фойдаланилгани каби, мартабалининг зиёфатида ҳам кўзланган мақсад кўп бўлади.

Дўнанбекнинг меҳмондорчилиги расман бек қилиб тайинланганига йил тўлиши муносабатига бағишланган бўлса-да, асосий мақсад-муддао гап териш эди. Дастурхон устида одамнинг бўшашиши, кўп валақлаши қадимдан маълум. Эртасига эса булардан ҳеч бўлмаганда ярмиси бекка чақимчиликка келиши ҳам тайин. Овқат ташувчи ва май қуювчи малайларнинг қулоқлари бундан мустасно.

Кечаги эллик тилла ютқизилган баҳсдан кейин бек яна Нозлинисанинг кўнглига қўл солиб, совға-саломлар билан раиснинг хотинини юборганди. Раиснинг хотини Нозлиниса томонидан мойиллик нишаби пайдо бўлгани ҳақида хабар келтирди. Бу мойилликка Насриддиннинг ҳам улуши борлиги, у ҳақда илиқ гаплар айтилгани ҳам эшитилди.

Шундан Дўнанбекнинг кайфи жуда чоғ эди. Ўзининг сўрисида ўтирган раис, имом, Насриддин Афанди ва айниқса, бўлажак қайнотаси – Бароқхонга тинмай такаллуф қиларди.

Суяқ ош асносида имомдан ташқари сўрида ўтирганлар бир-икки пиёла май ҳам ичгандилар. Май қуйилаётганда ва ичилаётганда имом кўзи-

ни ва қўлини таомга югуртириб, кўрмасликка оларди.

Ниҳоят, меҳмонлар парранда кабобию димланган кийик гўштидан ҳам бир-икки тотинишгандан кейин, бек ўтирган жойида қоматини ростлаб, нарироқдаги чухрасига қараб қўйди. Бекнинг чухраси илдам юриб келиб, най қилиб ўралган қоғоз берди. Бек қоғозни имомга узатиб имо қилди. Имом қоғоз билан сўридан пастга тушди.

– Аҳли жамоа! – деди у янгроқ ва чиройли овозда. – Бир нафасга, таомдан узилмаган ҳолда диққатингларни тортмоқ истаймиз!

Говур-гувур овоз, машшоқларнинг куйи тинди.

– Замона зайли билан вилоятимиздан оламга машхур Насриддин Афандим истиқомат қиладилар. Олампаноҳнинг вилоятимиздаги устунлари бўлмиш Дўнанбек ҳазратлари ул кишининг шаҳардан ташқарида, бир қишлоқда яшашларини жами вилоят шаънига номуносиб деб ҳисоблайдилар.

Чор-атрофдан «Олқиш! Олқиш! Тўғри!» деган хитоблар эшитилди. Сирасини айтиш керакки, хитобларнинг бари ҳам самимий эмас эди.

– Ушбу ҳужжат, – имом қоғозни кўрсатди, – бек ҳазратларининг болохоналик уйи, икки таноб ҳовлиси бўлган бир қўрғончани сотиб олганлари ҳақидадир. Уни Насриддин Афандига илтифот этажаклар!

Бу нарса Насриддин учун ҳам кутилмаган воқеалиги учун у анграйиб қолди. Бек пурвиқор жилмайиб, ташаккур кутарди. Раис ва Бароқхонлар: «Туринг, олинг!» деб шивирлашганидан кейин шошиб турди-да, қўлини навбатма-навбат пешонасига, сўнг эса имомнинг қўлига текказиб ҳужжатни олди. Бекка таъзим қилиб: «Давлату мартабангиз зиёда бўлсин!» деб жойига ўтирар-

кан, шу заҳотиёқ қозикалонни эслаб қолди. Қозини чақиртириб, қасос олишнинг жуда пайти келганди.

– Бек жаноблари, бир қошиқ қонимдан кечиб, яна бир эркалигимни кўтарсалар мумкинми?

– Мумкин. Сизникини кўтарамиз-да!

Ана шундан кейин қозикалонга чопар кетди. Насриддин бекнинг илтифоти билан қўрғонча олганини қози ҳам ҳужжатлаб беришини сўраганди.

Бекнинг мурувват кўрсатиши сабабларидан бири ўзига ҳар лаҳза зарур Насриддиннинг Журжонга қайтиб кетишидан хавотирланиши эди. Пойтахтнинг ҳавосини олган ҳар бир кишидек Насриддин ҳам бу жойларда узоқ туrolмаслигини биларди. Иккинчидан эса, Нозлинисанинг мойилдек кўринишига ҳам Насриддиннинг ҳиссаси бор деб ўйларди.

– Бек жанобларига мен эслатган эдим, – деди имом хижолатга тушиб. – Қозикалон анчайин бетоб бўлиб, узрларини мен орқали ҳам айтиб юборган эдилар.

Бек бир оз қовоғи солиниб, бош ирғади.

Аслида бек қозикалоннинг тоби йўқлиги ҳақидаги узрни эшитганди. Лекин тепасида Азроил турмаса, бу таклифдан воз кечолмаслиги аниқ эди. Қози албатта келади, деб ўйлаганди. Боз устига бек, пашша ҳақидаги ваколатномани билмаса-да, Лайлак қишлоғидаги икки фуқаронинг келишмовчилиги юзасидан (Гуппи ва Абдукарим) қозикалон билан Насриддин Афандининг ўртасида қандайдир ҳангома ўтганини, бояги бозордаги машашаларни ҳам хуфиялари орқали эшитганди. Ҳеч нарсадан беҳабардек бўлиб қозикалон билан Насриддиннинг юзланишларини ўз кўзи билан кўрмоқчи эди.

– Бегим, сиз билан яна бир гаров ўйнашим мумкин, – деди Насриддин кулиб туриб.

– Йўқ, сиз билан энди гаров ўйнамайман. Қани, айтинг-чи, нима гап?

– Қозикалон мени кўриб қочиб кетадилар.

Дунанбекнинг қошлари андак кўтарилиди:

– Не ваздан?

– Қозикалоннинг ўзларидан сўрайсиз.

– Йўқ, айтинг! Сабрим етмайди.

Насриддин секингина гап бошлаганди, бек буюрди:

– Йўқ, Афандим. Булар ҳам эшитсин!

...Пашша ҳақидаги ҳангомани эшитиб, сўридагиларнинг бари хўп кулишди. Насриддин зийраклик билан бек ва раисдан фарқли равишда имом ва Бароқхоннинг кулгиси замирида қозига ачишиш ётганлигини илғаб олди. Ўйлаганидек, имом билан Бароқхон кулгини калтароқ қилишди.

– Наҳот, қозикалон ...га пашшангиз ўлтирган бўлса?

– Шундай соддагина найрангга учганини қаранг!

Бу икки жумлани Бароқхон билан имом жилмайиб турсалар-да, ачиниш билан айтдилар.

– Умрининг охиригача аскиядан қутулмас? – деди раис мароқ билан.

Унинг завқига бек ҳам қўшилди. Лекин шу заҳотиёқ иккови Бароқхон билан имомнинг кайфиятини сезиб қолишди: «Ҳамшаҳар қозикалон келгинди олдида изза бўляпти?!»

– Энди Насриддин хўжам, қозикалонни кечириб қўясиз! – деди бек жилмайганча, кейин ёнидагиларга қош қоқди. – Биз шуни илтимос қиламиз, шундайми?

– Ахир, у киши мени калака қилмоқчи бўлдилар! Сопини ўзидан чиқардим, холос!

Тўртовлон яна беихтиёр кулиб юборишди. Ўзларини аранг босишгач, Раис ҳам «ўзини кўрсатди»:

– Ҳай майли, бизнинг илтимос: қозини бошқа қувмайсиз, майлими?

Бек ҳам бош ирғаб, гап тамом дегандек қўлини товоққа чўзди.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, сизнинг олдингизда бир марта исбот этай, – деди Насриддин бекка.

Бек савол назарида бўлажак қайнотаси билан имомга қаради. Улар кўзларини олиб қочишди.

– Сўнгги марта, фақат сизлар учун? Бўлак одам сезмайди? – деди Насриддин ҳаммага қарата.

Ўтирганлар рози бўлишди. Орадаги хийла вақт таом билан ўтди.

– Ҳа, айтмоқчи, боя бозорда миршабни қувиб, хоҳлаган одамни уравераман деб керилибсиз! Шу ваколатга суянганмидингиз? – сўради бек.

Насриддин сергак тортди. Дарров гапга ҳазил оҳанг бериб, воқеанинг аслини гапира бошлади. У гапини тугатар-тугатмас боғ тарафдан қозикалон кўринди.

Қозикалон бекнинг сўрисиغا яқинлашгач, хасталигини айтиб, минг узрлар сўради. Насриддин Афандига хавотирли қараб-қараб, уни янги уйлижойли қилаётган ҳужжатни ростлади-да, шу заҳотиёқ қайтишга ижозат сўради. Сўридагилар ним кулгиларини аранг яшириб ўтирардилар. Чунки, қози алам ва хавотирини минг яширмасин, қараш ва хатти-ҳаракатларида кўриниб қолаётганди.

– Ҳа-а. Бир тишлам гушт тотинмасангиз бўлмас, – деди бек ҳеч нарса билмайдиган оҳангда.

– Майли, – деди қози. – мен чеккадаги сўриги борай. Агар ўзимни беҳузур сезсам, изнсиз кетишга рухсат берсангиз!

Бек рози бўлиб бош ирғади. Қози ўзи ҳақда ҳеч гап йўқлигига ишониб энди кета бошлаганди Насриддин: «Қозикалон!» деб уни тўхтатди:

– Сиз бир оз тотининг, сўнг олдингизга ўтаман, бир маслаҳат бор эди!

Қози каловланиб, изтиробда сўридагиларга боқди. Лекин улар бунини пайқашмай, «ҳафсала» билан таомга берилгандилар.

– Чироғим, мазам йўқроқ. Эртага қозихонага ўта қолинг? – ялинди қози жуда пачоқ овозда.

– Бир оғиз гап, холос!

– Ихтиёрингиз! – деди қози сир бой бермаслик учун.

Қози энг чеккадаги, йўлакка яқин турган сўрига бориб ўтирди-ю, кўзини Насриддиндан узмади. Орадан бир оз вақт ўтгач, Насриддин Афандининг бекдан ижозат сўраганини, қолганлар эса мийиқларида кулганларини, сўнг эса Насриддиннинг қўл артаётганини кўрди-ю, ёнидагиларга: «Узр, мен беҳузур бўлаяпман», деб апил-тапил жўнаб қолди.

Жўнаркан, бекнинг сўрисидагилар унга қараб кулаётганларига ҳам кўзи тушди. Уларнинг пашша ҳангомасидан хабардор эканликларини тушунди. Саройдан дарғазаб отилиб чиққани, Тарашага: «Бўғизланг!» дегани ана шундан эди.

Бир тарафга қаландар, иккинчи тарафга шериклари билан Тарашани яширган зимистон жимжитлик бир соатлардан кейин дарвозадан тўрт отлик чиқиши билан бузилди. Қоронғида иш кўришга ўрганган кўзлар буларнинг учта ясовул қуршовидаги Насриддин Афанди эканлигини дарҳол илғашди.

Аммо Тараша ўйлагандек, улар карвонсарой тарафга эмас, қозикалон кетган тарафга бурилишди. Ваҳоланки, Насриддиннинг карвонсарой хўжаси билан хўжра хусусида келишяётганини

Тараша ўз қулоғи билан эшитганди-ку! Демак, режаси ўзгарибди-да? Боз устига Насриддин эшак эмас, от минган эди.

Саройдан чиққанлар машъаланинг хира ёғдусидан чиқиб, кўчага бурилишганда олдиларида бир қора пайдо бўлди:

– Бугун жинлар қўзийдиган кун! Ҳой мусулмонлар, тоат-ибодатингни саришта қил! – деди у ғўнғиллаб.

– Ҳожи Абдусаттор, сизми? – сўради Насриддин Афанди кўп йиллик танишини энди учратгандек оҳангда. Насриддин хаёлига келган биринчи номни айтган ва сўроғи билан ясовулнинг: «Қоч йўлдан, қаландар!» деган ҳайқириғининг олдини олганди.

– Лаббай, тақсир! – деди қаландар.

– Мингашинг! Уйга обкетаман. Сизни бу юртларга қандай шамол учирди?

– Худонинг бари даргоҳи биз учун ватан, Афандим, – деди қаландар отга мингашаркан.

Насриддин бекнинг чухрасига изоҳ берди:

– Журжонлик танишим. Кўрдингизми, шерик ҳам топилди! Энди йигитларингиз дарвозадан қайтаверса ҳам бўлади.

– Кетдик! – деди бизга таниш бекнинг чухраси сабрсизлик билан.

Беш киши тўрт отни йўрттириб етиб келишганда дарвоза посбонлари буржга чиқиб ўтиришганди. Мабодо бекнинг чухраси шахсан ўзи келмаганда улар дарвозани ҳеч қачон очмасдилар.

– Аслида қолавериш лозим эди, – деди чухратаъна билан. – Сизни бу йўсинда жўнатиб кўн бехотиржам бўламиз!

– Биз кабиларга ҳамиша Худо паноҳ, – деди Насриддин. – Боз устига бу танишим билан ўтдан ҳам қўрқмаса бўлади.

Дарвоза очилди. Икки киши минган от дарвозага йўналди.

– Хайр! Тангри паноҳ! – деди чухра. – Уловингизни айтган жойга юбораман.

– Отни ҳам ўша жойга қайтараман!

Насриддин бу гапни аллақачон туширилган панжаранинг нарёфида туриб айтди. Сўнг дарвоза оғир фирчиллаб ёпилди.

– Кўп қизиқ одамлар бор дунёда, – деди боядан бери миқ этмаган суворийлардан бири.

– Гоҳ ачинасан, гоҳ ҳавасинг келади, – деди чухра унга жавобан.

ТЕШИКСИЗ ҚЎРҒОН БЎЛМАС

Аҳмад тараша шериклари билан ҳаллослаб етиб келган пайтда чухра бошлиқ иккита сувори отларини орқага бураётгандилар.

Насриддин Афандининг шаҳардан чиққани аниқ эди. «Худога шукур, қўлга тушибди!» шивирлади Тараша. Навкарлар ўтиб кетишгач: «Тезроқ, сойга!» деб буюрди-да, ўзи шитоб билан олдинга тушди.

Дунёда оқар сув кирмайдиган биронта ҳам шаҳар йўқ. Сойи, дарёси, анҳори шаҳар учун ҳаёт-мамот. Ҳаёт-мамот жойи эса албатта энг нозик бўлади. Душман ҳам аксарият шаҳарни сув орқали ёки сувни бўғиб олади. Кўпчилик жинойатларнинг учи сувга бориб тақалиши бежиз эмас.

Атрофини посбон ўраган бу шаҳар девори остидан анҳор оқиб чиқарди. Сувга туширилган темир панжаранинг ёнида, бир шўнгиса, бир эмас икки одам кириб-чиқа оладиган тешик бўлиб, муҳораба пайтларида бу ерга лашкар қўйиларди. Аммо боя айтганимиздек, ҳозир замона тинч, девор устидаги посбонлар ҳам аксарият пинакка

кетгандилар. Қолаверса, уларнинг вазифаси сувга термилиш эмас, душман лашкаридан огоҳ бўлиш эди. Бир-икки гадой, ўғри, қаланғи-қасанғилар уларга чўт эмасди.

Аҳмад тараша билан шериклари сой бўйидаги пастқамлик, ўйдим-чуқурлардан паналаб бориб, сув панжарасига яқинлашишди. Кийим-яроғларини ечиб, темир панжара катакларидан ташқари қўйишди. Сўнг бир-бир шўнғиб ўзлари ҳам шаҳардан чиқишди. Кийиниб, тайинланган жойдаги отларини минишди-да, қамчи босиб елдиришди.

БИР ЭМАС, ИККИ КИШИ

Насриддин Афанди билан Қаландар бир отга мингашиб шаҳардан хийла узоқлашишгач, қаландар пиёдаланди. Қоронғига аланглади-да, ҳуштак чалди. Узоқдан отнинг кишнагани ва туёқ дупурлари эшитилди, хиёл ўтмай ўзи ҳам етиб келди. Қаландар уни сийпалади-да, миниб олди.

Аҳмад тараша шериклари билан қанчалик елишмасин, Насриддинга сардобага яқин қолгандагина етиб олдилар. Улар шаҳардан чиқиш, тайин уйдан от олиш, сўнг йўлга тушишга анча вақтни бой бергандилар. Бутун улар икки режа тузгандилар. Бирида Насриддин биронта танишиникига тунаш учун йўл олади-ю, кимсасиз кўчада ўғриларга дуч келиб, буд-шудидан ва шу жумладан ваколатномадан ҳам ажраларди. Иккинчисида эса, Насриддин саройдан барвақтроқ чиқиб, қишлоғига эшак миниб қайтиши мўлжалланганди. Бу режа бўйича шаҳардан унча олис бўлмаган ерда Насриддин биқини эзилиб, пулию ваколатномасидан ажралиб кетиши лозим эди. Қоронғи тушгач, шериклар, ҳамма иш шаҳарда

битишига ишониб қўйгандилар. Лекин Насриддин Афанди суворийлар қуршовида тағин отда чиқди. Тарашанинг боя ҳам севиниб, ҳам мубҳам ҳаяжонга тушгани, бир оз саросималаниб, қаландарнинг қўшилганини кўрмай қолгани шундан эди.

Аммо режа батамом бузилаётганини чапанилар сардобадан ўтиб, Насриддинга етишларига юз қадамча қолганда сезишди. Янги ой ва юлдузларнинг хира ёғдусида улардан хийла нарида ўзлари ўйлаганчалик бир эмас, икки кишининг қораси кетиб борарди.

Тарашанинг тўдаси, келишиб олгандек, таққа тўхтади. Саросима ва тажанглик кучайганди.

Саросима ва тажанглик боя, саройнинг олдида турганларида бошланганди. Тараша шерикларидан ажралиб, қозининг: «Бўғизланг!» деган буйруғини, қаландарнинг: «Бугун жинлар қутурадиган кун», деган совуқ кароматларини эшитиб қайтган, буларни шерикларига гапириб берганди. Қаландарнинг сўзлари уларни ваҳимага, иккиланишга солган бўлса, қозининг буйруғи фонларини фалакка чиқарганди. Айниқса, Тараша чунонам сўкиндики, агар буни у бафуржа бир аҳволда эшитганда қози-позилигига қарамай: «Берган ўн тиллонгизга одам ўлдиришми?..» деб сўкиб юборган, қўл силтаб кетган бўларди. Аммо хонаси келмади. Боз устига қози гапини айтдию, жўнади.

Ўша ерда, сарой олдида Тараша билан унинг шериклари бугун тарқалишни, эртага бамаслаҳат иш кўришни ҳам муҳокама қилишди. Лекин Тарашанинг ўзи: «Бугунги кун кетди. Энди нимаики бўлса аввалги ўзимизни режамизни бажарайлик», деб шерикларининг инсу жинс олдидаги қўрқувларини енга олди.

Бу ерда Насриддиннинг ёнидаги иккинчи одамнинг пайдо бўлиши эса улар учун батамом кутилмаган тўсиқ эди. Босқинчилар яна бир оз муҳокама қилиб, балки қишлоққа яқин қолганда иккови ажралишар, деган умидда таъқибни давом эттирдилар.

Бироқ умидлари пучга чиқди. Икки отлиқ қишлоққа бирга киришди. Итларнинг басма-бас воуллашлари ҳамда қоронғилик уларни ютиб юборгандек бўлди.

УЛАРНИ ЯХШИ БИЛАМАН

– Яроғингизни тайёрланг, Афандим! – деди Қаландар сардобага яқинлашган пайтда.

– Тайёр, – деди Насриддин ханжар билан учиға қўрғошин боғланган қамчинини ушлаб.

– Уларни яқинингизга келтирмайман-у, аммо ҳар эҳтимолга қарши ҳозирлик кўрган тузук-да, – деди қаландар орқага бир қараб, ўзининг куч-қувватини чамалаётгандек. Аммо босқинчилар орқада қолишганди.

– Сиз ҳам энди ётаверасиз, – деди Насриддин Афанди. – Улар бугун мени нишонга олишган, Абдукаримга тегишмас?

– Билиб бўлмайди Тарашани. Қуруқ қайтмаслик одати бор. Абдукаримни ёлғиз ташлаш тўғри эмас.

– Эса, мен ҳам сиз билан қайтаман, – деди Насриддин жиловни тортаётиб.

– Тўхтаманг, тўхтаманг! Индамай кетаверинг! Индамай кетаверинг! – деди шошиб қаландар.

Бир оз юришгач, изоҳ берди:

– Мен ўзим уддалайдиган иш. Сўзим – сўз.

– Ахир улар уч киши. Сиз эса дам олмагансиз.

– От устида бир нафас мизғиш менга етарли. Тарашага келсак, қўлидан нима иш келишини биламан. Улар ҳам мени билишади.

– Хўш? – деди Насриддин Афанди йўлдан тўхтамай.

– Лекин ўзимни танитмай турибоқ басарлайман. Сиз хотиржам бўлинг!

Қаландарнинг ҳамма гапида: «Аралашманг, мени ерга уряпсиз!» деган мазмун бор эди. Кейин жумласида эса бу оҳанг анча кучайганди. Насриддин буни тушуниб, айтганларига кўнди.

Қаландар Насриддинни кузатиб қишлоқдан қайтиб чиққанда Тарашанинг тўдаси шу яқин орада эканлигини сизди. Улар кўринмасди-ю, чакалак ва буталарнинг орасидан узуқ-юлуқ гаплари эшитиларди.

Қаландар ерга тушиб, отига туёқ товуши чиқармайдиган махсус тайёрланган «пайпоқ»ни кийдириб боғлади. Сўнг босқинчилар овози чиқаётган жойни айланиб ўтиб, Абдукаримнинг уйи томон йўл солди. Аслида у Абдукаримнинг уйи яқинида писиб, бохабар турмоқчи эди. Лекин сардобага етганда тўсатдан хаёлига: «Тараша Афандининг уйига борса-чи?» деган фикр келиб тўхтаб қолди.

Қаландар ўйлаб туриб бу гумонидан қайтди. Чунки Тарашанинг шу пайтда Насриддин Афандиникига бориши фирт калтабинлик эди. Итларнинг вовуллашиданоқ чорак қишлоқ уйғонганди. Қўшнилари албатта ёрдамга ошиқишади. Иккинчидан, газандалар қаландарни ҳали ҳам ўша ерда деб ўйлашади. Буёқдалигини улар ҳали билишмайди.

Агар Тараша тонг отишини кутса, унда шу сардобага қайтиб, тонг оттиради. Энг қулай жой шу ер эди.

Шундай фикрга келгач, қаландар отини сардобанинг ортидаги бутазорнинг ичига қўйиб юборди-да, қоплондек аста юриб, Абдукарим миршабларни кузатган ковакка яширинди.

Унинг аста юриши бежиз эмасди. Орадан кўп ўтмай Тараша тўдасининг баланд овозда бўғилгудек баҳслашиб келаётганлари эшитилди. Айниқса Тараша асабий эди. Унинг «дармон дори» қабул қиладиган вақти яқинлашаётганди. Бундай пайтда ундан ҳар нарсани кутиш мумкинлигини қаландар яхши биларди.

Сардобага яқинлашгач, овозлари пасайди. Бири кириб хабар олиб чиқди.

– Ҳеч ким йўқ. Ёлғизмиз, – деди.

Бу Ҳасан ғўла деган чапани эди. Бир оёғи икки энлик калта бўлгани учун тўлқин кесиб сузаётган қайиққа ўхшаб шўнғиб-шўнғиб юрарди. Ғўла лақабини эса бўйи пастлигига қарамай, елкалари ниҳоятда кенлиги учун олган эди. Босқинчилар отдан тушиб, чарчоқдан «уф-уф»лаганча оёққўлларини уқалаб сардоба олдидаги супага ўтиришди.

– Икковини гумдон қилиш керак эди! – деди Ҳасан ғўла яна баҳсни бошлаб.

– Ёнидаги ким, қанақа одамлигини билмай-а! Учовимизни гумдон қиладиган чиқса-чи? – деди Дўрилдоқ лақабли шериги, дўриллаган овозда.

– Мени яккама-яккада гумдон қиладиган ҳали онасидан туғилгани йўқ! – мақтанди Ғўла.

– Ҳой! – Дўрилдоқ тутақа бошлади. – Бизнинг ўлжамиз элга таниқли одам! Бунинг устига бекнинг саройидан чиқди, билдингми? Бек саройидан! Эртага ҳаммаёқ тасир-тусур бўп кетади!

– Ҳей, изингни яхшилаб супурсанг-чи, бекнинг ўзини ҳам гумдон қилса бўлаверади. Шунини сенга айтишим жоизми?

– Менга қара, Тарашадан оладиган бир тангамни одам ўлдириш учун байлашмаганман.

– Нима учун байлашгансан?

– Уч-тўрт кун Тарашанинг ёнида юриб, бировга дўқ қилиш, бировни бир-икки соб қолиш учун. Сен ҳам шу. Бир тангага менга устозларим одам ўлдир деб таълим бермаган. Қимматроқ туради у иш!

– Ўргилдим устозларингдан.

Бу баҳсга Тараша аралашмади. Чарчоқ, асабийлик ва омадсизлик тинкасини қуритгани устига кўкнорининг хумори тута бошлаганди. Ҳозир бир пиёла қайноқ сув бўлса-ю, ичига дорисини эзиб ичса бас, дунёда бундан бўлак ҳеч нарса керак эмас эди унга.

Унинг иккала шериги эса баҳслашавериб, жанжаллашиб кетишларига сал қолди. Ҳасан ғўла ўрнидан туриб Дўрилдоқнинг ёқасига ёпишаётган пайтда, Тараша аралашинишга мажбур бўлди:

– Ўтир жойингга! – бақирди Ғўлага қараб. – Йўқ, яхшиси, битта сув опчиқ!

Ҳеч кимга сўз бермайдигандек кўринган Ҳасан ғўла дарров кириб сардобанинг заранг косасида сув келтирди.

Тараша шошилмай ёнидан кўкнорисини чиқариб латтага ўради-да, кейин пиёлага солди. Маромида ивитишга сабри ҳам чидамай ичди. Сўнг шерикларига узатди. Шериклари ҳам ичишди.

– Эҳ, қани энди бир коса қайноқ сувга эсанг, – деди Тараша орада чўккан жимликни бузиб. – Майли, ичимдаги девни ярим соатга бўлса ҳам алдашга етар.

Кейин худди шу гапни давомидек Ғўлага дашном бера бошлади:

– Сен Ғўла – мақтанчоқ, калланг ишламайдиган одамсан! Ўлжанинг ёнидаги ким, буни билиб

қўйсақ зарар қилмасди. Шу, яхши илғолмадим-у, бояги қаландарга ўхшаб кетгандек кўринди кўзимга. Қаландарнинг ўзини бўлса, айниқса овозини, кимгадир ўхшатыпман-ку, ҳозир миям ғовлаб кетганидан эслолмаяпман. Иккинчидан-чи, Ғўла, бўғизла, деб қози айтди. Эртага ўзи шартта тутиб оёғингдан осмаслигига кафил бўласанми? А?

– Тўғри, тўғри, қозини найранги ўҳ-хўуу! Ишониб бўларканми? Бизларнинг қўл билан душманини йўқ қилади-да, кейин ўзимизни тутиб дорга...

– Жим бўл! – деди Тараша Дўрилдоққа. Кейин масхаралаб унинг бояги гапини такрорлади. – «Бир тангага одам ўлдирмайман, устозларим бунақа таълим бермаган!»

Дўрилдоқ пусиб қолди, Тараша давом этди:

– Мен айтсам, ўлдираверишинг керак! Ҳисобкитоби бўлаверади!

– Йўқ, йўқ, йўқ, – деди Дўрилдоқ ўрнидан туриб кетиб. – У бутунлай бошқа ашула. Унга овозни тамом бошқача созлаш керак!

– Ҳа, бўпти! Ундай созлаш учун тангада мўлроқ лозимлигини ўзим ҳам биламан! Энди бугун қуруқ қайтмаймиз! Деҳқонни бир жигини эзайлик, зора асосий ўлжамиз ҳам қалтираб қолса.

– Бўпти! Бўпти! – дейишди Тарашанинг шериклари севинишиб.

Лекин улар шундай қарорга келишлари билан оёқлари остидан «Тс-сс-шш-сс!» деган овоз чиқди. Учови уч ёққа сакраб туриб, энгашиб ерга қарашди.

– Па-па-падарига лаънат, н-нақ иштонимга кириб олибди-да, деб ўйлабман! – деди шерикларидан узоқроққа сакраб тушган Ғўла.

Тараша бу овознинг четдан келганлигига дарров тушунди. Атрофга олазарақ боқаркан, кўзлари учта чинорнинг бирида тўхтади.

– А... – деб кимнингдир отини айтмоқчи бўлди-ю, аммо шерикларини чўчитиб юборишдан қўрқиб айтмади. Боз устига ўзи ҳам тўла ишонмасди миясига келган фикрга. Чунки товуш вишиллашга ўтиб, сўнг яна «сс» деб тугарди. Бунинг қапча илон эмаслигига ҳозир ҳеч кимни ишонтириб бўлмасди. Жин овози десанг кўнишардики, одамникилигига ишонишмасди.

– Ҳой, биродарлар, қаландар тўғри айтган, бугун жинлар қўзийдиган кун шекилли. Тезроқ шаҳарга кетайлик, – деди Дўрилдоқ дағ-дағ титраганча йиғламсираб.

– Жим бўл! Жин шаҳарга киролмайдими? – жеркиди Тараша учинчи чинордан кўз узмай. – Қани, бу ёққа юрларинг!

Тараша шерикларини тўплаб, чинор томон яқинлаша бошлади. Уч-тўрт қадам қўйишган эди, шундай орқаларидан яна «Тс-сс-шш-сс!» эшитилди. Учови сакраб орқага қарашиб жон ҳолатда уст-бошларини қоқа бошлашди. Назарларида илон эгниларига ёпишгандек эди.

Учала шерик оёқларини тапиллатиб, эгни-бошларини қоқиб тугатмасиданоқ, сардобанинг ортидан бойқушнинг сайрагани, кетидан эса олис чўл осмонидан мудҳиш қаҳқаҳа эшитилди. Қаҳқаҳа бўғиқ, қарсиллаган овозда бўлиб, одам эмас, жин-алвастиларникига ўхшарди.

Тарашанинг шериклари адоий тамом бўлишди. Ҳатто унинг ўзи ҳам ғўлдираб калима келтира бошлади. Муздек терга ботиб, тили танглайига ёпишган чапанилар беш-ўн нафас қимир этмай турдилар.

Сўнг Тараша ўзига келди-да, шитоб билан чинорни айланиб ўта бошлади. Дарахт танасига ёпишган бутани кўриб, қўрқиб кетди, шу қўрқув

остида икки-уч қилич сермаб уни чошиб ташлади. Бута қулагач, ковакнинг оғзи очилди.

– Ҳа-а-а! Тутилдингми! – деди у ғолибона бақриб. – Мана сенга! Мана сенга!

Тараша шундай деб ковак ичига қиличини суқиб-суқиб олди. Агар шу сония қиличи бировнинг яроғига ёки қалқонга урилганда, у яна севиниб қийқирмоқчи эди. Тараша ўша ғазоби билан ичкари мўралаб, яна қилич сермади. Лекин қиличи чинор танасидан бўлак нарсага дуч келмади.

Тарашанинг боя тарқаган кўрқуви бирдан қайтиб, вужудига маҳкам ёпишди. Шу заҳотиёқ яна бояги қаҳқаҳа эшитилди. Қаҳқаҳа гоҳ сардоба ортидан, гоҳ эса юқоридан келаётганга ўхшарди.

Чапаниларнинг эсхоналари бутунлай чиқиб кетганди. Сигирнинг «мў-мў»лашига ўхшаган овоз чиқариб, отларига югуриб бориб минишди-да, шундай қамчи босдиларки, жониворлар елдай учишди, туёқ овози ҳам бир зумда тинди.

Қаландарнинг ҳар хил овозлари тақлид қилиб бу овозларнинг бошқа ердан чиқаётгандек кўрсатадиган ҳунари бор эди. Қўлини карнай қилиб удалармиди ёки бошқача усулдами, уни ҳеч ким билмасди. Ҳозир ҳам баъзи кўзбойлағичлар циркда бу ҳунарни кўрсатишади. Бу ҳаммага насиб қилавермайди.

Чарчаган отлар ўз-ўзидан секинлаб қаттиқ ҳансирай бошлагандагина чапанилар ҳали ҳам йўл юришаётганларини эслашди.

– Тўхтанглар! – деди Тараша нафаси оғзига тикилгудек ҳансираб.

Ўл деса ўлгудек шерикларининг ихтиёри ўзларида эмасди. Тўхташиб, унга мўлтирашди.

– Кетайлик, ҳой, турмайлик! Тезроқ бир одам иси бор жойга борайлик, – ялинди Дўрилдоқ чийиллагудек бўлиб.

– Йўлни топиш керак! – деди Тараша қатъий-лиги анча сусайган оҳангда. – Деҳқоннинг уйи шу атрофда шекилли, ўтиб кетмаган бўлсак.

– Вой! Вой! Вой! Деҳқон дейди-я?! Тезроқ олиб кет шаҳарга! Майли, пулингни бермасанг ҳам! Керакмас! – деди Дўрилдоқ занчалиш товущда.

– Жим! Ойша холангдан баттар дод соласан-а! Тарашанинг бу бақириви шеригини сал ўзига келтирса-да, барибир дағ-дағ қалтираши босилмади. Агар қаёққа кетишни билганда, ёлғизликдан қўрқмаганда ўзиёқ қочиб кетарди Дўрилдоқ.

– Офайнижон! – ялинишга ўтди у. – Умрим бўйи хизматингни қилай! Берадиган тилло тангангдан ҳам кечдим! Шаҳарга обкет!

– Ўзингни бос, дўстим! Ўзингни бос! – Тараша шерикларига юмшоқ гапириб далда бермаса бўлмаслигини тушунди. – Сардоба кўҳна жой. Жин-пин бўлса бордир. Бу ер чўл. Ҳеч нарса йўқ!..

Худди шу пайт аллақандай «Вов-вов!» деган овоз эшитилди.

Чапанилар бир сакраб тушишди.

– Йт-ку, бу! Деҳқоннинг уйи. Кетдик!

Тарашанинг бояги ичган дориси паккага бормаган, яна ичи таталаб бетоқат бўла бошлаганди.

Лекин шериклари унинг хитобидан қимир этишмади. Ғўла тилига тирсак чиққандек индамас, Дўрилдоқ эса тинмай шивирлаб калима келтирарди.

– Ҳайда! – деди Тараша бақириб. – Юракдан ҳам бор экан ўзи, а, Ғўла? Отнинг калласидек!

Шериклари унга индамай эргашишди.

Абдукаримнинг қўрғонига яқинлашишганда итнинг вовиллаши зўрайди. Одам овози, тақиртуқур ҳам эшитилди. Насриддин Афанди боя кетишаётганда Абдукаримга бугун огоҳ бўлиш ке-

раклигини, ўзи ҳам ёрдам беришини уқтириб ўтганди.

Абдукарим ўзи ҳам ўша кунги воқеадан кейин қайнисини олиб келганди. Йигирма яшар қорувли қайниси буқаниям қулатадиган чўқмор ушлаб, бир уюм саралаб тахланган тошнинг олдида шай эди. Зубайда ҳам томдаги пичаннинг олдида шундай тош уюми билан тайёр турарди. Болаларни ертўлага яширишганди.

Чапанилар қўрғондан йигирма қадамча нарида тўхташди. Улар ҳам кўпни кўрган одам бўлганликлари учун эҳтиёткорона ҳаракат зарурлигини сезишди.

Тараша билан Абдукаримнинг ўртасида сўз кетди:

– Ҳей, Абдукарим!

– Ҳа, нима дейсан?

– Айтганни бажардингми? Қаерда экан?

– Билмайман. Менга айтмади.

– Ҳозир уйингга ўт қўйсам, эсингга тушадими, исқирт?

– Яқинлашма, бошингни мажақлаб ташлайман.

– Ҳей, мени биласанми? Одамнинг жони менга чивиндек гап.

– Афсуски, билмайман. Билсам топиб гап-шардим.

Абдукаримнинг бу гапидан кейин Тарашанинг шериклари ҳам батамом ўзларининг босқинчи қиёфаларига қайтишди, чунки улар жин эмас, росмана одамга, унинг ўжарлигига қарши турардилар.

– Мен орқадан айланиб ўтиб, бир жонини киргизай! – деди Ғўла отини буриб, сўнг бўралаб сўкинди.

Тараша аввал чақмоқтошни, сўнг ҳамиша терига ўраб олиб юрадиган бир парча мойли пахта-ни олди-да, ёғоч суғуриш учун бўғотга йўл олди.

Худди ана шу лаҳзада осмондан тушгандай мудҳиш қаҳқаҳа янгради.

Қўрғондагилар ҳам, ташқаридагилар ҳам даҳшатдан серрайиб қолишди.

– Э-э! – деди тобора бетоқат бўлаётган Тараша бўкириб. – Азроил келса ҳам ўт қўяман бу исқиртга!

Тараша шундай деб бўғот томон йўналган эди, оти ўзини илкис осмонга отиб қаттиқ кишнадида, олиб қочди. Ғула билан Дўрилдоқ ҳам унинг кетидан жуфтакни ростлаб қолдилар. Тарашанинг отига қоронғилик ичидан тош келиб текканди. Бир зумда чапанилар ном-нишонсиз тумтарақай бўлиб кетишди.

Тошни қўрғондан отишмаганди. Қўрғондагилар ҳам шайтон қаҳқаҳасидан қалтираб қолгандилар. Зубайда томда, Абдукарим билан қайниси эса тош уюми устида бир-бирига суяниб калима келтиришмоқда эди.

Қароқчилар кетиб, орадан анча вақт ўтгач, Абдукарим билан қайниси икковлашиб томдан Зубайдани олиб тушдилар. Айвонда писиб, шивир-шивир гаплашиб ўтиришганда ташқаридан: «Абдукаримжон!» деган бировнинг овози эшитилди. Улар этлари жимирлаб баттар писишди.

– Абдукаримжон! Қўрқманг, биз Насриддиннинг дўстларимиз, – қаландар ҳам ўзини яшириш учун, ҳам қўрғондагиларга мадад бўлиши учун кўпчилик номидан гапирди:

– К-кимсиз? Жинмисиз, одаммисиз? – сўради Абдукарим ўтирган жойида овози бўғилиб.

– Одаммиз, одаммиз, – деган жавоб келди кулги овозидан кейин. – Насриддин Афандининг одамларимиз.

– К-киринг б-бу ёққа.

– Хавотир олмай ётинглар, хўпми? Қароқчиларни қувган бизмиз.

– Кириг бу ёққа! – Абдукарим дадилланиб ўрнидан турди.

– Биз шу атрофда бўламиз. Ҳеч нарсдан қўрқманглар. Хайр!

Абдукарим дарвоза ўрнидан аста бош чиқарганди, чўл қоронғилигидан бўлак ҳеч нарса кўрмади. Қизиғи шуки, ит ҳам индамай ётарди.

Қаландар Абдукаримни тинчитиб, дўстларини бугун ҳеч ким безовта қилмаслигига комил ишонч билан шаҳар томон йўл олди. Жинлар қўзийдиган тун ҳадемай тугайдиганга ўхшарди.

Абдукаримнинг уйидагилар ғира-шира тонг отгунча ухлашмади. Жинлар, алвастилар ҳақида гаплашиб, Насриддин Афандининг сеҳргарлар орасида ҳам танишлари борлигига қатъий ишонч билдирдилар. Шу фикр уларга далда бўлди.

* * *

Насриддин базмдан чиқиб кетгач, қозига ичи ачиб ўтирган Бароқхон билан имом бекка гинахонлик қилишга тушишди. Улар бу ерда раиснинг ўтирганини ҳам ҳисобга олишмасди. Эслатганимиздек, раис мансабдорларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб юриш учун подшоҳлик томонидан белгиланарди. Ҳозирги вазиятда қозини тергаши ва охир-оқибатда унга қарши бирон чоратадбир кўрилишига бош-қош бўлиши лозим эди. Чунки қози – Муҳсин гуппи ва миршабларни жазолаш ўрнига, ўзи уларнинг фирибига қўшилиб кетганди. Лекин раис индолмай, «девор қаёққа ағдариларкин», деб кутишни ва уни йиқилаётган тарафга итаришни маъқул кўрди.

Бек буни сезиб, қийин аҳволда қолди. Бўлажак қайнотаси – Нозлининг отаси билан имомнинг фақат ҳамшаҳарлик, ҳамтовоқлик нуқтаи наза-

ридан туриб, қозининг ёнини олаётганлари нотўғрилигини биларди.

– Биродарлар, – деди бек майин жилмайиб. – Ахир қозига қарши бирон фитна тўқилаётгани йўқ. Ҳурматли қозикалонимизнинг ўзлари қазиган чоҳ-ку! Шундайми?

– Ҳа, энди бир ҳазил қилмоқчи бўлибдилар-да, – деди имом ишшайиб.

Бек унинг гапини кесгандек давом этди.

– Насриддин Афандига ҳазил қиладими, ахир? Тадбиру сўзамолликда элга танилган, шаҳаншоҳ ҳузурига кириб чиқадиган одамга-я?

– Ҳеч ишонгим келмайди, чўнтагида ҳемири йўқ шу келгиндининг шунақа одамлигига! – деди Бароқхон ўтирган жойида бир қўзғалиб қўйиб.

– Худди ана шу – ҳеч кимнинг ишонмаслиги Насриддин Афандига чўнг қурол бўлиб хизмат қилади.

Бекнинг учала суҳбатдоши тушунмай унга қараб қолишди.

– Мана, қозини олинг! – деди бек изоҳ бериб. – Ёки менинг гаровда бой берганимни!

– Э, булар оддий гап-ку! – Бароқхон қўл силтади.

– Биз билан сиз ўтган ишнинг кетидан қараб, оддий деяпмиз. Бироқ қозига олдиндан ҳам ҳеч нарса кўринмаган... Шунинг учун ҳокимона тадбир кўриш – вилоятимиз шаънига яхшилик олиб келмайди. Биз, Насриддин Афанди ҳар балони эплайди, деб тайёр турсаккина у билан бас бойлашишимиз мумкин. Боз устига, менга ишонинглар, у Кумушкентда узоқ қолмайди. Журжонга эртами-кечми жўнаворади.

Бекнинг бу гапларидан кейин Насриддин ўтирганларнинг кўз олдида бутунлай бошқача тусда гавдаланди. Бир оз сукутдан кейин Бароқхон бўлажак қайнота сифатида эркаланди:

– Бек ҳазратлари, Худо насиб этса, мана, қариндош ҳам бўлармиз...

– Ташаккур!..

– Қутлуғ бўлсин!

– Офарин!

Бу уч севинч хитобидан кейин Бароқхон давом этди:

– Сиздан шаҳримизнинг барча обрўли кишилари номидан бир илтимос этсам: шу ишни бости-бости қилиб берасиз...

– Хўп бўлади, ота!

Ота деган мурожаатдан баралла кулги кўтарилди. Бек бошини қисқа эгиб, дунда сўз берди:

– Эртагаёқ кўнглингиздагидек ҳал бўлажак!

* * *

Эртаси эрталаб қозикалон ўз яқинларини йиғди. Эшик ташқарисига пўк бўлса-да, лекин барзанги чухрасига одам киритмасликни тайинлади. Кечаги кун ва тун воқеалари баёнини эшитди. Тарашанинг арзи ҳолидан сўнг Муҳсин гуппи, икки миршаб ва Тарашанинг ўзи айбдор кишилардек, мўлтираб қозининг оғзига тикилишиб ўтиришарди. Бу ишга ботиб қолганидан дарғазаб қози, ҳеч кимни кўрарга кўзи йўқ, айниқса, Гуппини ғажиб ташлашга тайёр эди. Қани энди бир хўрсиниб уйғонса-ю, буларнинг бари туш бўлиб чиқса!

– Бекнинг одами эмасмиди? – сўради қози қаландарни назарда тутиб.

– Йўқ, тақсир, бекнинг учта ясовули дарвозадан қайтди.

– Ҳеч бўлмаса кимлигини аниқламайсизми? Сизни бошқача одам деб эшитгандим. Бола-чақани ташлаб қўйгандан кейин буёғини эплаш керак-да! Бу Муҳсинбой сизга ишониб юрибди!

Мен айтдим оқшом нима қилишни! Ё бекнинг буюрганидек, шариат бўйича жазога тортиб юборайми?

Тарашанинг чапанилиги тутиб шарт ўрнидан туриб кетди.

– Дўқ урманг, қозикалон! Билганингизни қилинг, аммо дўқ урманг.

Қозикалон хатосини тушуниб, индамади. «Бунга ўхшаганларни зиндонга солсанг ҳам ҳўкизга ўхшаб бўйин эгмайди».

Қозининг паст тушганини кўриб Тараша гапида давом этди:

– Сизни айтганингиз Муҳсинбойнинг берган пули билан битмайди. Ундан кейин шерикларим кўрқишди, ишни бажарсак, эртага ўзимизни дорга осишади, деб.

Бу шамадан қози ялт этиб бир қараб қўйди.

– Ҳа! Нега индамайсизлар? – деди у миршабларга ва асосан Гуппига қарата. – Бирон чора ўйлаб топиш керак. Акс ҳолда иси чиқиб кетиб, шарманда бўлишим қолибдимиз элик танга учун?

Ҳеч кимдан садо чиқмагач, қози давом этди:

– Бунинг иккита йўли бор, Муҳсинбой! Ё Насриддиннинг айтганига кўнасиз ёки...

Қозикалон ўрнидан туриб, тоқчадаги қулфлоглиқ қутилардан бирини очди. Гуппи берган ҳамёни олди-да, ўртага ташлади.

– Мана бу ақчангиз. Қирқ танга. Ўнтаси харажат талаб бўлди. Кейинроқ оласиз. Қани, – деди қози миршабларга, – сизлар ҳам чиқаринглар!

Миршаблар бирин-сирин ҳамёнларини ташлашаркан, пўнғиллашди:

– Бизлар ҳам сардобанинг олдидаги ваъда бўйича беш тиллодан олдик.

– Ёки, – деди қози учта ҳамёни Гуппига сураркан, чала қолган фикрини улаб, – мана шу

саксон тилони олиб, бу киши билан бошқатдан гаплашасиз. – Қози Гуппига Тарашани кўрсатди: – Аммо-лекин мен қўлимни ювиб қўлтиққа урдим...

Орага жимлик чўкди. Қози бу гапи билан наинки ўзи, балки миршабларни ҳам четлаштирганди. Муҳсин гуппи йигирма тиллага камайган пули билан бўйинини эгганча ёлғиз қолганди. У ўзининг пуллари билан қарздорларининг қарзини тўлармиди ёки яна Тарашага ёндашармиди номаълум, аммо шу сонияда Насриддин Афанди кириб келиб воқеани жадаллаштириб юборди.

Эшикка посбон бўлиб турган чўхра қаландарнинг бир силтаб тортишидан ҳиқ-ҳиқлаб, йўл тўсиш у ёқда турсин, гапиролмай қолганди. Қаландар Насриддинни киритиб юбориб, ўзи чўхранинг олдида турди.

– Э, жамоа жам-ку! – деди Насриддин ҳаммага бир-бир қараб, сўнг Тарашанинг рўпарасига келди. – Фақат сизни танимаяпман! Ҳа, Абдукаримни хонавайрон, қизчасини дудуқ қилиб қўйган қароқчи сиз бўлсангиз керак, а?

– Оғзингизга қараб гапиринг, мулла Насриддин! – деди Тараша ҳезланиб.

– Хўш? – деди Насриддин Тарашани бир тийинга олмай қозига юз ўтирди-да, унга яқинлашди. – Энди нима қиламиз?

– Насриддинхўжа, – деди қози вазминлик билан қатъий оҳангда. – Мени бу ишга аралаштирманг! Агарда яна бир марта қўл югуртирсангиз, сиз билан бошқача гаплашаман!

– Қанақа гаплашасиз? Ўзингиз ёзиб берган ваколатнома бўйича иш тутяпман. Аҳмад тараша дўқ қилса, сиз дўқ қилсангиз! Мен қаёққа борай?

Қозининг аччиғи чиққан бўлса, Насриддинники ҳам ундан кам эмасди. Қози минг огоҳ бўлма-

син, Насриддин чаққонлик қилиб, унинг қулоқ-чаккасига шапалоқ тортди.

– Бас қилинг майнавозчиликни! – деди қози чайқалиб кетиб, сўнг Тараша билан миршабларга бақирди: – Ушланглар! Босинглар! Ҳозироқ ҳужжати тортиб олинглар!

Насриддин эса баттар жаҳли чиқиб унинг кўкрагига калла қўйиб йиқитди, қози йиқилган жойида бақириб буюрарди:

– Ҳозироқ босинглар! Муҳсинбой, сиз ҳам қараб турманг! Босинглар, ҳаммангизнинг жиноятингиз босилади – ҳужжатни олсанглар!

Бу гапдан далда олган Гуппи, Тараша ва миршаблар Насриддинни ўраб ола бошлашди.

– Қўлларинг кесилади! Мен ўғри пашшаларни ўлдирияпман!

Насриддиннинг бу хитобидан кейин тўртовлон иккиланиб тўхташди. Қози яна бақирди:

– Тўртовингизни ҳам жазога тортаман! Асални ўғирлаб, мени ҳам чалғитдиларинг! Ўғри қиламан ҳаммангни!

Шундан кейин Гуппи бошлиқ тўртовлон Насриддинга ёпишишди. Насриддин чап бериб, белбоғидан қамчинини чиқарди-да, «Ҳожи Саттор!» деб чақирди.

Эшик ташқарисида турган қаландар қозининг чухрасини яна бир силтаб ташланди-да, қозихонага, «шу ердаман, Афандим!» деганча кириб келди.

– Э-ҳа! – деди Тараша тишларини ғижирлатиб.

– Ушланглар уни ҳам! – бақирди қози. – Газанданинг башарасини кўрайлик! Соқолини юлинглар!

Бусиз ҳам Тараша қаландарга бостириб кела бошлаганди. Қаландар худди пастдан дон ҳовучлаб олаётгандек, Тарашани белбоғидан илиб отди.

Тараша орқама-орқа келаётган Нодир миршаб-нинг кўкрагига ўтириб қолиб, иккови ағдарилди.

– Хуш! Ким яна башарамни кўрмоқчи? – сўради қаландар момақалдироқдек овозда.

Қозихонада ана шу можаро бўлиб турган пайтда эшик ташқарисида аранг ўзига келиб, яна соқчиликдан ўрин олган қозининг чухраси олдида учта башанг кийинган қиличдек йигитлар пайдо бўлди.

– Сабр қилинглар, бойваччалар! – деди чухра кўкрак керишга базўр куч топиб.

Лекин «бойваччалар»нинг иккитаси уни икки томонидан ушлаб, индамай бир чеккага тортди, учинчиси эса мийиғида кулганча кириб кетди.

Чухра: «Ҳой, мусулмонлар!» деб оғиз очганди: «Жим бўл, галварс! Бек ҳазратлари бу!» деган луқма унини ўчирди. Чухра кўрққанидан ўтириб қолди.

Ичкарига кирган бек Насриддиннинг хитобини такрорлади:

– Э-ҳа! Жамоа жам-ку!

Ҳамма таъзимга бош эгди.

Бек йиғилганларга бир-бир кўз югуртирди-ю, қозининг сўрисига ўтиб суянди-да, қўлларини кўкрагига чалиштирди.

– Насриддин Афанди, бери келинг!

Бек шундай деб, «бошқаларни йўқотинг», маъносида қозига ияк қоқди.

– Боринглар, сал туриб келасизлар! Боринглар, чиқинглар! – қози қўлларини силкита-силкита хонадагиларни қувиб чиқарди.

– Насриддин Афандим! – деди бек кулгисини қовоқ уюб яширганча. – Ҳурматли қозикалонни авом халқ қаторида уриб, қувиб юришингиз тўғри эмас!

– Урганим йўқ. Ҳурматли қозикалонга қўл тек-
кизганим йўқ, – деди дарров Насриддин жилмай-
ганча тез-тез гапириб. – Мана, ишонмасангиз,
ўзларидан сўранг! Қозикалон, мен сизга бирон
марта бўлсин қўл югуртирдимми?

– Тўғри айтяптилар! – деди қозикалон ерга
қараб.

– Ана, кўрдингизми?

Насриддин жилмайганча бекка термилди.

– Яхши! Яхши!

Бек эндиги сафар кулгисини яшириш ва қози-
ни мулзам қилмаслик учун мўйловини қайта-қайта
силашига тўғри келди:

– Яхши, – деди у яна такрорлаб. – Қозикалон!
Бу ишинглар нималигини яхши билмайман-у,
аммо шу бугундан эртага ўтмасин!

– Ҳўп бўлади, ҳазратим!

Ҳозир тўрт навкарни юбораман. Насриддин
Афандимга қўшинг-да, буларнинг кўнгилларидек
ишни ҳал этинг! Даъвогарни топтиринг! Чувалаб,
эртага ўтмасин! Мен имом билан... ихм... Бароқ-
хонга сўз берганман.

– Ҳўп бўлади, тақсир!

– Бозордаги ана у хотиннинг масаласи не
бўлди?

– Қочибди шекилли, излаб тополмаётгирмиз! –
деди қози Насриддинга бир қараб олиб. – Ҳеч ерга
йўқ! Лекин ҳамиша ёдимда!

– Диққатингиздан қочирманг!

Бек ўрнидан турди. Насриддин билан қози таъ-
зимда бош эгдилар.

– Кўчиб ўтиш қачон энди? – сўради бек ҳомий-
она оҳангда.

Насриддин қўлини кўксига қўйди:

– Худо хоҳласа яқин кунларда. Уй учун минг
ташаккур! Бугунги ёрдамингиз учун ҳам.

Бек ташаккурлардан қочгандек эшик олдига борди. «Хайр, омон бўлинглар!», деди-да, чиқиб эшикни ёпди.

Насриддин билан қози бир-бирларига қараб қолдилар.

* * *

Шу куни кечқурун Лайлакнинг оқсоқоли нафаси бўғзига тиқилиб, қишлоқ аҳлини мачитнинг олдига тўпади. Шаҳарнинг қозикалони, бекнинг тўртта навқари, бўзариб кетган Муҳсин гуппи, ҳамишагидек жилма-йиб турувчи Насриддин Афандини ҳайъатда кўрган халқ ҳайрон. Қозикалон худди бу ишларни ўзи уюштиргандек, ҳамма нарсага бош-қош бўлиб турарди.

Йиғиннинг қандай ўтганини батафсил гапириб, сизни зериктириб ўтирмаймиз. Шунисини айтиб қўя қолайликки, бунақаси кам бўлади. Бу мажлисдаги воқеаларни қишлоқ аҳлининг икки-уч авлоди гапириб юрган. Биринчи авлоди ким қатнашганию ким нимани деганигача, Муҳсин гуппидан ким қанча қарзу қанча ерини ундан ўша куни қайтиб олганигача батафсил гапиришган. Иккинчи авлод фақат Насриддин Афанди, Муҳсин гуппи ва ўқариқнинг умум жамоа мулки бўлганини эслашган. Учинчи, тўртинчи авлодлар эса фақат ўқариқни халққа ўтганини гапиришарди-ю, ўша мажлисда Насриддин Афанди ҳам қатнашган дейишарди. Лекин бу ўша машҳур Насриддинми ёки бошқами – аниқ билишолмасди. Тўғриси айтганда, ўша Насриддин дейиш уларга шаккокликдек бўлиб туюла бошлаган.

Мажлисдан кейин орадан икки ҳафтадан кўпроқ вақт ўтди.

Муҳсин гуппи ариғидан ҳамда ярим қишлоқнинг хўжайинлигидан ажралиб, уйдан кўчага

чиқмай кўкрагини захга бериб ётарди. Одамлар орасида Муҳсин гуппи кўчиб кетармиш деган гап ҳам оралади. Ана шундай кунларнинг бирида уни Насриддин чақириб келди.

– Ҳа! – деди Гуппи ўқрайганча тўнғиллаб.

– Муҳсинбой, сизни кўчиб кетмоқчи деб эшитдим...

– Сизга нима?

– Сиз кўчманг, чунки мен кетяпман!

– Менга нима?

– Шу боғимни сотмоқчиман! Нарҳини от билан туя қилиб ўтирмайман. Ўн-ўн беш танга – йўл харажати чиқса бас.

Муҳсин гуппининг тўнғилигига дарз кетди. Лекин шу заҳотиёқ яна бир найранг бўлмасин деб бошқатдан қовоқ уйди. Қора булут орасидан бир мўралаб яна йўқолган қуёшдек эди бу дарз.

– Йўқ, астойдил гапиряпман! Гувоҳлар, оқсоқол иштирокида тилхатминан битирамиз.

Муҳсин гуппининг юзи яна жиндек ёришди. Бир нуқтага тикилган кўзлари яна олма-кесак тера бошлади.

– Ихм, – деди томоқ қириб орқасига тисариларкан. – Қани, ичкарига киринг!

– Йўқ, – деди Насриддин, – ҳозир иккимиз оқсоқолнинг ёнига бирга борайлик. Гувоҳлар топайлик. Одамлар иккимизни кўриб ярашибди дейишади, гап-сўз камаяди...

Муҳсин гуппи ялт этиб қаради. Шу сонияда у Насриддин Афандининг қанчалик бағрикенг, кўнгилчан одамлигини кўрди. Уни жуда яхши кўриб кетмаса-да, гапига кирса обрў топишини тушунди.

– Нечук қайтасиз? Шу ерда яшайверинг!

– Энди, катта шаҳарга ўрганган киши қишлоқда зерикаркан. Ундан кейин иккита жужуқни ташлаб келганмиз. Соғиндик!

– Шундайми! Ҳа, неччи пул дейсиз энди ҳовлингизни?

– Ўн икки танга. Ўзингиз биласиз, тагли-тугли одамларнинг кўрғони. Кўп файзли жой.

– Юринг, – деди Гуппи баттар севиниб. – Ўн беш танга бераман.

Иккови ёнма-ён оқсоқолникига қараб кетишди.

* * *

Орадан яна икки ҳафта ўтгач, азонда Кумушкент дарвозаларидан ўттиз-қирқ кишилик карвон чиқди. Бошқа юртларнинг савдогарлари ўз ватанларига қайтардилар. Улар орасида кумушкентлик фақат уч киши бор эди. Насриддин Афанди, хотини ва қаландар. Қаландарнинг унга жуда ихлос қўйиб қолгани Насриддиннинг ўзи учун ҳам кутилмаган воқеа бўлди. Бирга олиб кетишни, ҳамиша бирга юришни тавалло қилди. Йўқ дейишга Насриддинга имкон ҳам бермади. Энди бу қаландарнинг Абди оппоқ эканлигини очиқ айтиб қўйсақ бўлаверади. Лекин ҳали ҳам либосни ташламай, соқол ёпиштириб юргани учун қаландар деяверишга тўғри келади. Карвондагилар ҳам қилич, камонини кўриб унинг қаландар эмаслигини тушунишарди-ю, аммо аслида кимлигини билишмасди. Тўғриси айтганда, у Насриддин Афанди билан бирга бўлмаганда хавфсиз раб, карвонга ҳам қўшмасдилар. Лекин кейинчалик рўй берган бир воқеа туфайли карвондагилар уни тавоб қилишга ҳам рози эдилар. Аммо бу сал кейинроқ содир бўлди.

– Энди қачон жандангизни ечасиз? – сўради Насриддин Кумушкентдан хийла узоқлашгач.

– Ҳали вақт бор! – деб жавоб берди қаландар атрофга синчиклаб тикилиб.

– Ўзи нега керак шу ниқобингиз?

– Қилган ишларимнинг заҳми ўғлимга тегиши мумкин. Ниқобимнинг эса фарзанди йўқ.

Қаландар кулиб гапининг давомини ҳазилга бургандек бўлди.

– Ниқобнинг мана шу отидан бўлак ҳеч вақоси йўқ.

– От ҳам йигитга ёрдек гап. Яхши от экан!

– Э, буни юзта отга алишмайман! – Қаландар от ёлини меҳр билан силади.

Шу билан суҳбат тугади.

Кун тиккага келганда йўл баланд адирлар ўртасига тушди. Бу пайтда карвон шаҳардан анча узоқлаб кетганди. Одамлар олис сафарда учраши мумкин хатарлар, қийинчилик ҳақидаги хаёлларга берилиб, ҳам бир оз толиқиб индамай ерга қараб кетишарди. Шунинг учун ҳам икки тарафдаги адирга, икки тарафдан чиқиб келган йигирматадан қирқта отлиқни тезда кўришмади ҳам. Булар қароқчилар эди.

Қароқчилардан бири қийқириб ишора бергандан сўнг иккала тўда баравар қийқирганча, қилич ва найзаларини яланғочлаб ёпирилиб кела бошлади.

Карвон таҳликага тушди. «Қурол шайланг!» «Сафлан» деган буйруқлар, «Вой дод, кунимиз битди!» деган айюҳанносларга аралашиб кетди. Қуролланиб жангга ташланган беш-олти йигитни ўнта қароқчи қуршаб олди. Қароқчиларнинг қолгани карвонни ўртага олиб, атрофда қузғундек изғишаркан, «ҳамманг ерга ёт», деб бақирди. Карвондагиларнинг аксари ерга ётиб олишди. Жанг қилаётганлардан иккитасигина узоқроқ уришишди. Лекин ҳадемай, улардан ҳам бири йиқилди. Иккинчиси эса қочди. Қароқчилар уни қувиб, адир орқасида йўқолиб кетишди-да, сал туриб, тугалмай қайтиб келишди.

Туданинг бошлиғи Қосим қароқчи эди. Қирқ ёшлардаги мош-гуруч соқолли бу кишининг кўзларидан совуқ ўлимнинг нури таралиб турарди.

– Ҳамманг ўтир! Карвонбоши омонми? – деди у.

Ётганлар аста ўтириб олдилар. Карвонбоши: «Мен!» деб овоз берди.

– Тур! Одамларингни санаб чиқ! Нечта қолди, нечта қочди?

Карвонбоши дағ-дағ титраганча тирик ва ўликларнинг афт-башарасига қараб санаб чиқди.

– Соҳиб! Икки киши қочибди!

– Яхшилаб сана! Бир киши қочган чиқар?

Чунки бир киши қочганини ҳамма кўрганди.

– Соҳиб, ўттиз олти киши эдик, йигирма тўққизта қолибмиз. Бештаси ўлган. Бир журжонлик савдогар йигиту бир қаландар қочибди.

Қосим қароқчи отда турганча беш-ўн қадам олислашди-да, карвонбошини чақирди.

– Ким озғину ким семиз? Наҳанг борми? Хизмат қилсанг омон қоласан!

Қосим қароқчи наҳанг деб, мансабдор ва жуда катта заминдорларни сўраганди.

– Соҳиб, жоним қўлингизда, наҳанг бор-йўқлигини билмадим. Бир заифалик сайёҳ бор, иккинчиси – қаландар, қочибди. Қолгани савдогар.

– Заифалик? Қани у? Ким у?

– Насриддин Афанди.

Қосим қароқчининг жағ-пайлари ўйнаб кетди. Чунки у гувоҳ қолдирмоқчи эмасди.

– Унга айт, тезроқ кетсин!

– Соҳиб менга ҳам рухсат беринг! Уларни обектай.

– Сен шошма! Заифаликни жўнатгач, бошқаларни ечинтир. Яланғоч қўйиб юбораркан деб айт!

Ўттиз ёшлардаги қотма карвонбоши Насриддиндан бўлак ҳаммани ўлдиришмоқчи эканини

тушунди. Дод деганча Қосим қароқчининг узангидаги оёғига ёпишиб ўпа бошлади.

– Мени қўйиб юборинг, соҳиб! Айтган жойингизга бой, бой карвонларни олиб бораман! Итингиз бўламан!

Қосим қароқчи туртиб юборганди, у тиззалаб қолди.

– Сен аввал Насриддин Афандини жўнат, кейин гаплашамиз! – деди Қосим қароқчи ва гапини икки қилдирмаслик учун қиличини ярим суғурди.

Карвонбоши гаранг аҳволда кўзлари билан Насриддинни излай бошлади.

Шу сонияда қир тарафдан «Эй Қосим!» деган овоз эшитилди. Ҳамма ўша томон қаради. Икки юз қадамча масофада, қирнинг тепасида қаландар турарди. Унинг қоп-қора от устидаги гавдаси осмон кўкига чизилган суратга ўхшарди.

– Эй Қосим! Агар биттасининг туки тўкиладиган бўлса, соқолингни юламан! Карвонни ташлада, кет!

Шундай жимлик чўкдики, қовжираган ўт-ўланларнинг шамолда шитирлаши эшитилди. Эсанкираш тутагач, Қосим қароқчи тўдасига кўз югуртириб, керакли одамни топди-да, бош ирғади. Тўдадан олти киши ажралиб чиқиб от қўйишди.

– Тирик тутиб келларинг маразни! – бақирди Қосим.

Олти қароқчи тепага ўрлаб яқинлашаркан, қаландар кетма-кетига камондан икки ўқ узиб улардан иккитасини қулатди-да, қир ортида йўқолди. Тўрт қароқчи уни қувиб кетишди.

Қосим икки қурбонга заррача аҳамият бермади. Қир тарафдан кўзини узмай турган бандиларга ўзи мурожаат этди:

– Насриддин Афанди! Сиз ҳамма мол-мулкингизни олиб бу ердан кетинг! Қолганлар жами пу-

лини, тақинчоқ ва эркатошларини¹⁴ бир жойга тўпласинлар. Мўйна, тикаларни¹⁵ иккинчи жойга!

Қосимнинг олдига қоп-қора, баланд бўйли қароқчи яқинлашди. Бу қароқчиларга куни кеча қўшилган Аҳмад тараша эди.

– Сардор! Насриддиндан катта ўлпон олиш мумкин! У бекнинг қадрдони.

– Сен қайдан биласан?

– Оғиз-бурун ўпишиб суҳбат қилганини ўзим кўрганман.

– Йўқол, Тараша! Менинг бек жиғига тегадиган кучим йўқ.

Тараша ҳуркиб нари кетди. Насриддин тўполонда сочилиб кетган буюмларни тўплаб, хотинига сув-пув ичириб, ўзига келтириб бўлгунча хийла вақт ўтди. Карвондагилар ҳам кўрқувдан ва жон ширинлигидан аста-аста қароқчининг буйруғини бажарардилар.

– Эй Қосим!

Қароқчи санчиб тушиб, қир бошига қаради. У ерда худди бояги-боягидек, ҳеч нарса билмагандек қаландар турарди. Олти одамнинг бекордан-бекорга гумдон бўлганини тушунган Қосим қароқчининг кўзлари қинидан чиқиб кетди.

– Қосим, ҳар бир йигитингга бир тиллодан олда, карвонни ташлаб кет!

– Кимсан сен, ҳой? – сўради Қосим.

– Жавонмардларданман! Отим Ҳожи Саттор!

– Эй Ҳожи Саттор! – деди ғазабланиб Қосим қароқчи. – Ахир мен ҳам бойларни талаяпман-ку! Жавонмард бўлсанг менга қўшил!

¹⁴ Эркатош – қимматбаҳо тош.

¹⁵ Тика – газмол, мато.

Ана шу гап-сүз давомида вазиятни тўғри тушунган Насриддин икки от ва бир туяда аста жўнаб қолганди. Тараша буни кўрди-ю, юрак ютиб гапиришга кўрқди.

– Жавонмард – хўрланган, жабрланганларга ёрдам беради. Бу сўзни оғзингга олма, қонхўр! Карвонни ташла-да, кет! – деди қаландар.

Қосим қароқчи титраб кетди.

– Ахир булар савдогарлар, одамларни фириб билан бор буд-шудини қоқиб олади!

– Савдогарлар энг керакли одамлар! Карвонни ташла-да, кет!

Қаландарнинг қайта-қайта: «Ташла-да, кет!» деяётгани даҳшатли эшитиларди. Шу гаплар давомида у анчагина яқинлашиб қолган эди.

– Эй Ҳожи Саттор! Сенга жонингни ҳадя қиламан. Шукур қил-да, йўқол! – деди Қосим қароқчи қаландарнинг мардлигига лол қолиб ва шу сонияда қир ошай деб қолган Насриддинга кўзи тушди.

– Эй Қосим! Сен эмас, мен жонингни ҳадя қиламан!

– Қайтарларинг! – Қосим қаландарнинг гапига эътибор бермай Насриддинни кўрсатди.

Уч қароқчи, жумладан, Аҳмад тараша ҳам бу буйруқни бажариш учун от кўйдилар. Қаландар икки ўқ билан икковини қулатди, учинчиси – Аҳмад тараша кўрқиб орқага қайтди. Яна қаландарнинг овози янгради.

– Эй Қосим, сен эмас, мен жонингни ҳадя қиляпман. Карвонни ташла-да, кет!

Қаландар шундай деб, сўзининг исботи учун яна бир ўқ узди-да, Қосимнинг ёнига келиб тўхтаган Аҳмад тарашани ҳам ер тишлатди.

Ҳамма сеҳрланиб қолгандек жим эди. Юз қадамларча наридаги битта одам ўттизта қароқ-

чининг эсини олиб қўйганди. Бу ёқда карвон одамлари ҳам бош кўтариб қолишини ҳисобга олиш керак эди.

Қосим қароқчи саросима таъсирида, чўкувчи одам хасга ёпишгандек бир қарорга келди. Унинг буйруғига кўра йигирмата қароқчи тезликда ёйиқ бир сафга тизилишиб, ҳар бири олдига биттадан бандини «қалқон» қилишди.

Мана шу воқеани кузатиб, одам-одамдан нақадар фарқ қилишини яққол кўриш мумкин эди. Бир томонда бир одам, ўттизта каллакесарни эсанкиратарди-ю, иккинчи ёқда йигирмата мисоли қўйдек индамай қалқон хизматини ўтарди.

Йигирмата тутқунни қалқон қилиб олган йигирма қароқчи ёйилиб қаландар турган қирга ўрлай бошлашди. Иккитадан одам минган отлар қийналиб, қоқилиб-суқилиб аста кўтарилишарди. Қаландар ўртага тушиб қолмаслик учунгина чекинаркан, бамайлихотирлик билан камондан аввал қароқчининг отини яралар, қароқчи билан унинг бандиси йиқилган заҳотиёқ қароқчини гумдон қиларди. Унинг худди ғалла ўраётган одамдек шошилмай қароқчиларни териши – уларнинг баттар эс-ҳушларини оларди. Лекин пастдаги қонхўр бошлиқларидан қўрқиб қароқчилар ҳамон тепага ўрлардилар.

То адирнинг тепасига етгунча қаландар қароқчилардан беш кишини нариги дунёга жўнатди. Тепага чиқишгач, қароқчилар олдиларидаги одамларини мисоли қопдек итариб юбориб, қаландарни қувдилар. Аммо икки одамни тепага олиб чиқиб ҳорганлигини ҳисобга олмаганда ҳам уларнинг отлари билан қаландарникини тенглаштириб бўлмасди. Қароқчиларники ер – қаландарники осмон эди.

Ўлим пойгаси беш-олти ясси адирларни ортда қолдиргач, қароқчиларнинг қатори, аввал узун ипдек чўзилди. Сўнгроқ эса бу ип бўлиниб-бўлиниб кетди. Энг олдинда кетаётган беш кишилик тўда анча дадиллашиб қочқинга яқинлаша бошлади. Қаландарнинг ўқи тамом бўлган деб ишонган қароқчилар қийқириб отларига далда бера бошладилар.

Тўғрида ўртасини шамол ўпириб дарвозага ўхшатиб қўйган адир кўринди. Қаландар бу ўрталикдан ўтди-да, отини сўлга буриб тепаликка чиқа бошлади. Қароқчилар ҳам энди ўтдим деганларида қаландарни биринчи бўлиб қувиб кетган тўртта шерикларининг жасадларини кўрдилар. Даҳшатга тушиб отларига янада қамчи ургандилар, ўнг тарафдаги тепаликдан ҳайқириқ эшитилди.

– Ҳой, тўхта!

Қароқчилар от тизгинини тортиб бирин-сирин овозга қарашди. У ерда карвонда жангга ташланиб сўнг қочишга мажбур бўлган журжонлик савдогар йигит турарди. Қароқчилар эс-ҳушларини йиғиб олгунча бўлмай, савдогар йигит камондан ўқ узиб, улардан бирини қулатди-да, яна мўлжал ола бошлади. Улар тезда орқага бурилиб, олисда қолиб кетган шериклари томон ошиқишди. Лекин бу ҳам иккинчи мўлжалдагининг жонини сақлаб қололмади. То ўрталикдан чиққунларича тўдадан икки кишигина омон қолди. Чунки сўл тарафга чиқиб олган қаландар ҳам камонини ишга солганди.

Бир томондан савдогар йигит, иккинчи томондан қаландар тушиб келиб қароқчиларнинг ортидан от қўйишди. Тепаликдан туриб улар фақат тўрт кишилик тўдагина яқинлашиб келаётганини кўришганди.

Иккита қочқин, тўртта қувиб келаётган шериклари бирлашиб тўхташди. Қароқчи, ўғри зотининг феъли шу. Ўлжанинг ўзидан жуда кучсизлигига амин бўлмагунча ташланмайди, қўрқади.

Олтовлон бўлишгач, қароқчилар қувиб келаётганлар орқага қочади деб ўйлашди. Лекин қаландар билан савдогар отларини елдирганча яқинлашиб, иккитасини камондан қулатдилар-да, тўртта қолгани билан қилич солишди. Қароқчилар бундан бир оз севиниб, дарров иккига бўлинишди. Уларни шунча безор қилган бу кимсалар билан тўртта икки бўлиб юзма-юз келганларига хурсанд эдилар. Бироқ қароқчилар қилич солишни йўл-йўлакай ўрганган эдилар. Қаландар билан савдогар эса мактаб кўрган қиличбозлар эди. Жанг узоққа чўзилмади. Қароқчиларнинг учтаси йиқилди, бири тум-тарақай қочди.

Қаландар уни атайин ўлдирмади. Чунки жон ҳолатда қочаётган қароқчи яккам-дуккам яқинлашаётган шерикларини ҳам ўз ваҳимаси билан орқага судраб кетди.

Қаландар билан савдогар йигит отларига дам бериш учун аста йўртиб уларнинг изларидан боришарди.

Йигирмата йигитидан еттитасинигина, боз устига дағ-дағ титраётган йигитларини кўриб, Қосим қароқчи биринчи марта таҳликага тушди. Тилла пул ва эркатошлар тугилган рўмолни ўзи кўтарди. Газмол ва мўйналар ортиб қўйган туяни ҳайдаганча энди йўлга тушмоқчи эди, қир бошида иккита отлиқ кўринди. Иккинчисининг қаердан қўшилиб қолганлигидан беҳабар Қосимнинг таҳликаси зўрайди.

– Эй жавонмард Ҳожи Саттор! Бас, сен зўр келдинг! Мен кетаман! – деб бақирди у.

– Эй Қосим! – деди жавобан Қаландар, ерга киргизиб юборадиган вазминлик билан. – Мен сенга жонингни ҳадя қиламан! Сўнгги марта! Ташлада, кет!

Қаландар камонини ушлаганча аста туша бошлади. Савдогарнинг отига ишонмагани учун уни тепада қолдирганди.

– Яхши! Яхши!

Қосим қароқчи жон ҳолатда шундай деб бақираркан, рўмол ичидан муштдек ҳамёнча чиқарди.

– Мана! Шунни олдим, холос!

Қароқчи рўмолни гурсиллатиб пастга ташладида, отига қамчи уриб Кумушкент томон ҳайдади. Қолганлар ҳам шошиб-пишиб унга эргашди.

Қароқчилар узоқлашгач, карвон аҳли бирдан оҳ-воҳга тушди. Кимдир боя отдан йиқилганда лат егани учун йиғлар, кимдир омон қолгани учун. Ҳатто кўпни кўрган ёши улуғлар ҳам намланган кўзларини артардилар.

Савдогарни кўз-қулоқ бўлиш учун тепада қолдириб, ўзи пастга тушган қаландарнинг этагини ҳамма келиб ўпмоқчи бўларди.

Бир оздан кейин, кўзларига кўриниб турган ўлим чекингач, карвон аҳли бир бўлиб молига ёпишди. Тангалар, газмоллар эга-эгасини топди. Қосим қароқчи олиб кетган ҳамён эгасига ҳаммадан бадал олинди. Қаландарга ҳам ҳамма бадал берди. Бир зумнинг ўзида қаландар энг бой одамга ва карвоннинг ҳокимига айланди.

Бу ишлар битгач, қаландар беш-олти кишини камон ўқларини йиғиб-теришга жўнатди. Боя, Қосим қароқчининг олдида ўқ еган Аҳмад тараша юзтубан ётарди. Ўнг кўкрагига санчилиб турган ўқни суғуришганда унинг инграгани эшитилди. Қаландар Аҳмад тарашани елкасидан ушлаб осмонга қаратди.

– Сув, – деди Тараша маънисиз кўзларини устидаги қорага танитай тикиб.

Қаландар унга мешнинг оғзини тутди. Лабига сув теккан заҳоти Тарашанинг кўзлари қотди.

– Танирмидингиз? – сўради қаландарнинг олдига келган карвонбоши.

– Дунёга ҳар хил одам келиб-кетаркан, – деди қаландар унга жавобан.

Карвонбоши унга ювиб тозаланган бир даста ўқ тутди. Қаландар уларни садоғига солди.

Қир ортида карвонни Насриддин кутиб турарди.

– Кетиб тўғри қилдингиз, – деди қаландар. – Акс ҳолда сизни гаровга олганда карвонни қолдиришимга тўғри келарди.

– Англадим! – деди Насриддин маъюс оҳангда.

Тўкилган қонларни, одам зотининг қонхўрлигини кўрганидан руҳи жуда тушкун эди. Лекин қаландарни омон кўриб, унинг жасоратини эслаб хийла очилди.

– Сиз жумбоқ экансиз! Тадбиркорлигингиз лашкарбошиликка лойиқ! – деди Насриддин синовчан тикилиб.

– Менга одам зоти ёқмайди, Афандим. Лашкар эса одам.

Қаландар яна «жинлар қўзиган тун»даги шеърини такрорлади.

*Соямдан бошқа ёр йўқ кимсадан келган кун гам,
Лек қоронғи тунларимга қилмагай тоқат у ҳам.*

– Одам ёқмай, шунча одамнинг жонини сақлаб қолдингиз, сизни Худо ёрлақасин!

Насриддин қўлини қаландарнинг елкасига қўйди.

– Сизни эса Худо ёрлақаган. Сиздан бошқа Одам кўраманми, йўқми бу дунёда?

Шу сўзларни айтаётиб қаландар бир қўлини Нас-риддиннинг елкасига қўйди, иккинчи қўли билан ясама патак соқолини юлиб олди.

* * *

Абди оппоқ кўп давраларгача Насриддиннинг ёнида юрди. Орадан бир неча йиллар ўтгач, Ўрта Осиё-га Чингизхон галалари ҳужум қилишди. Боллар топталди, шаҳарлар яксон қилинди. Шу жумладан, ярим дунёнинг маркази бўлиб турган Журжон ҳам ер юзидан батамом ўчириб ташланди. Олимлар, шоирлар, жамики китоб кўрган кишилар қаттиқ таъқибга учради.

Насриддин Афанди Туркияга кўчиб ўтди. У билан Абди оппоқ, Абди оппоқнинг каттагина йигит бўлиб қолган ўғли ҳам бирга кетди.

М УНДАРИЖА

Зоҳир Аълам «Афанди»си	3
Туш	7
Қасоснинг йўли топилди	16
Абди оппоқ ва аҳмад тараша	20
Абдукарим деҳқон	27
Сардоба	28
Икки миршаб	30
Биринчи ўлжа	32
Иккита ўлжа	37
Икки хум асал	44
Насриддиннинг қуроли	49
Кутилмаган... ..	51
Чинор коваги	56
Қозикалонга бўжча	64
Қадам ранжида	71
Ваколатнома	87
Янги фитна	101
Туйдаги воқеа	104
Тарашага иш топилди	107
Аҳмад тараша иш бошлади	113
Нозлиниса	123
Насриддин афандининг аччиқданиши	131
Қозикалоннинг буйруғи	140
Зиёфатдан қози нега ғазабланиб чиқди?	143
Тешиксиз қўрғон бўлмас	151
Бир эмас, икки киши	152
Уларни яхши биламан	154

Адабий-бадиий нашр

ЗОҲИР АЪЛАМ

**АФАНДИНИНГ ҚИРҚ БИР
ПАШПАСИ**

Қисса

Муҳаррир

Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадиий муҳаррир

Уйғун СОЛИҲОВ

Мусахҳиҳ

Муҳаббат МЕНГНОРОВА

Компьютерда саҳифаловчи

Феруза БОТИРОВА

Босишга 28.03.2014 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 6,0. Шартли босма тобоғи 10,08.

Гарнитура «Bookman Суг+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 29.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АИ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43. факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТ МАТБАА МАРКАЗИ
«КАМОЛОТ КУТУБХОНАСИ» РУКНИДА ЖАҲОН ВА ЎЗБЕК
МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ҚУЙИДАГИ ДУРДОНА
АСАРЛАРИНИ НАШРДАН ЧИҚАРДИ:**

Алишер Навоий

«ХАМСА»

84x108 1/32, 432 бет

Қалин муқовада

Мазкур китобда Алишер Навоий «Хамса»сидаги барча дostonларнинг мазмуни баён қилинган. Уларда шоир томонидан тасвирланган турли воқеа-ҳодисалар акс эттирилган, фақат кириш қисмлари, меъеридан чўзилиб кетган манзаралар, монологлар бир оз қисқартирилган. Ушбу Навоий дostonларининг насрий талқинини ўқиб чиқиб аллома шоиримизнинг туркий шеърийятнинг гултожи ҳисобланмиш «Хамса» шеърий дostonларини англаб олишингизга ёрдам беради, деб уйлаймиз.

Абдулла Қодирий

“ЎТКАН КУНЛАР”

84x108 1/32, 442 бет.

Қалин муқовада

Кирилл ва лотин ёзувларида

Севги кимларни йиғлатиб, кимларни кулдирмаган дейсиз. Шарқ адабиётининг нодир асарларидан бири ҳисобланмиш мазкур асарда муҳаббат ўзгача, такрорланмас бадиий талқин қилинади. Шунингдек, ватанпарварлик, чақимчилик, андиша, хотинбозлик, муомала, беҳаёлик сингари мавзулар ҳам қаламга олинади. Мутолаага шошилинг.

Чўлпон

“КЕЧА ВА КУНДУЗ”

84x108 1/32, 332 бет

(кирилл ва лотин ёзувларида)

Қалин муқовада

Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи яратилганига қарийб 80 йил бўлса-да, у ҳамон қўлдан-қўлга ўтиб келмоқда. Мазкур асар икки қисмдан иборат бўлиб, дастлабкиси – “Кеча” деб номлангани қўлингиздаги китобда акс этади. “Бугун” деб аталган иккинчи қисми ҳақида эса маълумотлар йўқ.

Китобда ўзбекларга хос андиша, ҳиммат, ифбат ва соддалик каби фазилатлар билан бирга хотинбозлик, худбинлик ва мол-мулк орттириш йўлидаги иллатлар ҳам ўз инъикосини топган. Бу каби сифатлар ва иллатлар китобхонни чуқур мушоҳада юритишга ундайди.

Чўлпон дунёси, унинг олами, ижодидаги нафислик ва сержилолик сиз, азизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Мирзакалон Исмоилӣ
“ҚИЗЛАР ДАФТАРИГА”

84x108 1/32, 172 бет

Юмшоқ муқовада

Ушбу китоб ўз даврида қўлма-қўл бўлиб кетган. Унда бувининг набира-қизига, шу орқали унинг дутоналарига ҳаёт сабоқлари – муҳаббат, вафо, бурч ва садоқат, ҳалолик, тўғрилиқ хусусидаги ўғитлари ўз аксини топган. Шу билан бирга эгриликнинг оқибатлари, оиладаги келинлик вазифалари, фарзанд тарбиясидаги нозик жиҳатлар баён этилади. Китоб мутолааси балогат ёшидаги ҳар қандай қиз қалбидаги яширин сўроқларга, юрак тубида асраган, кимдандир сўрашга ийманаётган саволларига жавоб бўлади.

Мазкур тухфа турмуш қуриш арафасида турган қизларимизга, ёш келинларимизга мустаҳкам оила бекаси бўлишларида ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Миркарим Осим
«ТҶМАРИС»

84x108 1/32, 140 бет

Юмшоқ муқовада

Аждодларимизнинг босқинчиларга қарши мардонавор курашлари бир неча минг йиллар олдин Мағриб ва Машрикда афсоналарга айланган, улар ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Ушбу китобда Миркарим Осимнинг мазкур мавзуга оид энг сара асарлари жамланди.

Азиз китобхон, Ватанни севган, форслардан уни ҳимоя қилган, тинчлигига посбон бўлган массагетлар подшо-ҳокимаси Тўмарис, чўпон Широқ, мўғулларга қарши курашган енгилмас баҳодир Темур Малик жасоратидан ҳикоя қилувчи қиссалар мутолаасига шошилинг.

Фафур Фулом

«ШУМ БОЛА»

84x108 1/32, 164 бет

Юмшоқ муқовада

“Дандон сопла пичоқ”дан бошланиб, чувалашиб кетган гапни бойнинг қизи – Адолнинг “ўғил туғиб бергани”га бориб улаб “иннанкейин”чи, ўлгудек инжиқ, зиқна, эзма Сарибойни мот қилган Шум боланинг бир-биридан қизиқ саргузаштларидан хабардор бўлишни хоҳласангиз китоб мутолаасига шошилинг.

Худойберди Тўхтабоев

«САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ»

84x108 1/32, 544 бет

Қалин муқовада

“Сариқ девни миниб” китоби сеvimли адибимизнинг икки китобининг тўпламидан иборат. “Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” саргузашт романлари болалар ҳаётидан олиб ёзилган бўлиб, уларнинг сеvimли китобларидандир. Бу асарда орзу-ҳавасга элтадиган чинакам йўл ҳалол меҳнат, яхши хулқ-одоб ва қунт билан ўқишда эканлиги таъкидланади.

Алишер Навоий

«ҒАЗАЛ ГУЛЗОРИДАН 100 ОТАШИН ГУЛ»

84x108 1/32, 120 бет

Юмшоқ муқовада

Қўлингиздаги китобчада мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» китобидаги «Ғаройиб ус-сифар» девонидан ўрин олган дастлабки 100 ғазалнинг насрий баёни ўрин олган. Гарчи бу хил ифода усули билан шоир қаламига мансуб бадиий дурдоналарнинг ғоявий-бадиий нафосатини акс эттириш имконияти бўлмаса ҳам, бу асар ғазаллар мазмунини чуқурроқ англаб олишингизга маълум даражада ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Анвар Обиджон

«МЕШПОЛВОН ЖАНГГА ОТЛАНДИ»

84x108 1/32, 424 бет

Юмшоқ муқовада

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг халқ достонлари оҳангида битилган қувноқ қиссаси замирида шу маъно бор. Унда ёвуз Сепкилшоҳнинг аскарлари шаҳару қишлоқларни талаб, кўплар қаторида Мешполвоннинг ярадор дадаси ва

кўзлари кийикникидек чиройли онасини ҳам қул қилиб ҳайдаб кетади. Бундан хўрлиги келган бола кунлардан бир куни ўқловни найза, қозонқопқоқни қалқон, даскаллани қилич қилиб, ота-онасини қутқариш учун чўлоқ хачирда жангга жўнайди...

Пашшавой воқеасига келсак, буни ўқиётиб, тамоман бошқа бир оламга кириб қоласиз.

Пўлат Мўмин

«БЎЛАДИГАН БОЛАЛАР»

84x108 1/32, 96 бет

Юмшоқ муқовада

Болаларнинг таниқли шоири Пўлат Мўминнинг ушбу сараланган тўпламида ота-онага меҳр, дўстлик, одоб-ахлоқ, меҳнат ва билимдонлик, зукко бўлишга чорловчи шеърлар ўрин олган.

Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги азиз ўғил-қизлар, бу қизиқarli китоб сизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Марк Твен

«ТОМ СОЙЕРНИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ»

84x108 1/32 –бет

Юмшоқ муқовада

Адиб мазкур асарида ёш, ўта қизиққон ва шўх, чигал тўсиқлардан ҳам қийналмай ўта оладиган, оғир ва мураккаб шароитларда ҳам ўзини тута биладиган, уддабурон бола Том Соьер ҳақида ҳикоя қилади. Унинг зулмат ғоридаги бир воқеага гувоҳ бўлиши, натижада бойлик тўла сандиқни қўлга киритиши сюжетлар чизигини ташкил этади. Хўш, бу сандиқ кейин кимга насиб этаркан? Китоб қизиқarli воқеаларга, ёш Томнинг турфа саргузаштларига бойлиги билан ажралиб туради.

Ҳинд эпоси

«КАЛИЛА ВА ДИМНА»

84x108 1/32, 316 бет

Юмшоқ муқовада

Бу асар, неча асрларки, ҳикмат ва масаллар бобида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Халқ ҳаёти, дарди, аҳли донишлар улғворлиги, ҳозиржавоблик, донолик акс этгани учун ҳам «Калила ва Димна» таъриф ва тавсифга эга. Ундаги масаллар, ҳикматлар маъзи инсонийлик, олижанобликни улғулайди. Тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ҳам ушбу бебаҳо асар бутунда ўз қийматини йўқотмаган. Ўқинг, ўқинг, донолар оламида бўлинг.

Даниел Дефо
“РОБИНЗОН КРУЗО”
84x108 1/32, 224 бет
Юмшоқ муқовада

Атрофингда сен билан дардлашадиган, умуман мулоқот қиладиган кимса йўқ, гуё оламда фақат якка ўзинг ва бир қанча жониворлар. Барча ташвишлару кулфатларга фақат шу жониворларгина гувоҳ. Орзу-хаёллар, изтироблар, соғинч ҳисси сени сира тарк этолмайди.

Йигирма саккиз йил кимсасиз, тўрт томони бепоён уммон бўлган оролда яшаган Робинзон Крузонинг саргузаштларга бой кечмиши китобхонни бефарқ қолдирмайди, шунингдек, воқеаларнинг оддий ва қутилмаган ҳолатлар билан баён қилиниши қизиқтириши табиий.

Бир неча юз йиллардан бери қайта-қайта нашр этилиб, қўлдан тушмай келаётган дунёга машҳур ушбу китоб сиз, азизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Жюл Верн
“ЎН БЕШ Ёшли КАПИТАН”
84x108 1/32, 356 бет
Юмшоқ муқовада

Асрлар оша қўлдан қўймай ўқиб келинаётган мазкур асарда ўн беш ёшли капитан – Дик Сенднинг бир-биридан қизиқарли саргузаштлари қаламга олинади.

Жумладан, Жанубий Африкада кечган хунрезликлар, қулар савдоси билан боғлиқ аянчли воқеалар, турли хавф-хатарларга қолган капитан Дик ва саёҳатчи дўстлари – хизматчиси Геркулес, миссис Уэлдон ва унинг кичик ўғли Жек, хаёлпараст олим Бенедикт тоғанинг бошидан кечирганлари сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Рашод Нури Гунтегин
“ЧОЛИҚУШИ”
84x108 1/32, 460 бет
Қалин муқовада

Муҳаббат мавзусига бағишланган асарларни миллати ва динидан, ёшидан қатъи назар, барча бирдек севиб, кўзига ёш олиб, қаҳрамони тақдирига ўзини ҳамдарад қилиб ўқийди. Рашод Нури Гунтегиннинг машҳур “Чолиқуши” асарини ҳам худди шундай ҳиссиёт билан қўлга оласиз. Унда бу туйғу ўзининг бутун қудратини биргина ожиза – Чолиқуши тимсолида яққол гавдалантириб беради.

Зохир АЪЛАМ

Афандининг

қирқ бир пашаси



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-08-884-9



9 789943 088849